

# ИНСОН ҚАДРИ — УЛУҒ, ХОТИРАСИ — МУҚАДДАС

\* \* \*

Юртимизда муқаддас Хотира ва қадрлаш куни деб ном олган бу қутлуғ байрам билан, аввало, бугун сафимизда соғ-саломат ҳаёт кечи-раётган уруш қатнашчиларини, нуроний отахонларимизни, барча-барча юртдошларимизни бағримга босиб, чин қалбимдан самимий таб-риклайман!

Биз 9 май — Галаба кунига Хотира ва қадрлаш куни деб ном берганимизга, мана, 12 йил тўлмоқда. Бугунги кунда ҳеч иккиланмас-дан айтиш мумкин: бундай ном олган бу сана юртимизда умумхалқ байрамига, ҳақиқий анъанага айланиб қолди. Нега деганда, хотира ва қадрлаш тушунчалари асл миллий қадриятларимизга жавоб бериб, ота-боболаримиздан қолган ҳам диний, ҳам инсоний урф-одатимиздир.

\* \* \*

Халқимизнинг собиқ Иттифоқ халқлари қаторида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган галабага қўшган ҳиссаси ҳақида гапирганда, баъзи рақамларни келтиришни ўринли деб биламан. Уруш арафасида мам-лакатимизда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 мил-лиони урушда бевосита иштирок этган.

Яъни ёш гўдак ва болаларни, қариялар ва аёлларни ҳисобга ол-маганда, халқимизнинг 40 фоиздан кўпроғи кўлига қурол олиб, жанг майдонларида қатнашган. Ва бу даҳшатли урушда қарийб 500 минг юртдошимиз, яъни урушда қатнашганларнинг 30 фоизи ҳалок бўлган, нобуд бўлган.

Албатта, ҳаммамиз яхши тушунамиз, шунча қурбон ва йўқотиш-ларни халқимиз Ватанини фашизм балосидан, фашизм қуллигидан сақлаб қолиш учун берган.

Ишончим комил, бизнинг ота-боболаримиз суронли уруш майдон-ларида қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш, унга қизил байроқ ўрнатиш учун эмас, хаёлида, авваламбор, ўз ота-онаси, болалари, сеvimли ёри учун, уларнинг келажаги ва тинч ҳаёти учун жон фидо қилган.

\* \* \*

Айни шу кунда мен эл-юртимиз билан бирга бўлиб, шу куннинг ҳам хурсандчилигини, ҳам изтиробини уруш қатнашчилари, муҳтарам фах-рийларимиз билан баҳам кўриб, ғойибона бўлса ҳам уларнинг барчасини бағримга босиб, яна ва яна бир бор бутун халқимизни ана шу тарихий сана билан табриклашни ўзимнинг муқаддас бурчим, деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ватандошларимизга тинчлик-омон-лик, бахт ва омад тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Республикаси  
Маданият ва спорт  
ишлари вазирлиги**

**Таҳририят:**

бош муҳаррир

**Азим СУЮН**

бош муҳаррир ўринбосари

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

масъул котиб

Комил ЖОНТОЕВ

саҳифачи ва дизайн

Нигина ҚОДИРОВА

Баҳром БОБОЖОНОВ

набатчи муҳаррир

Манзура ШАМС

**Намоятилик**

**Кенгаши:**

**Ўткир ЖЎРАЕВ**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

ҳузуридаги «Ижод» фонди директори

**Сувон НАЖБИДИНОВ**

«Матбуот тарқатувчи» АК

бош директори

**Абдуваҳоб НУРМАТОВ**

Андижон Вилояти ҳокимлиги

масъул ходими

**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ**

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари

Вазирлигининг биринчи ўринбосари

**Азиз ТЎРАЕВ**

Тошкент Давлат Маданият

институтининг ректори

**Абдусалом УМАРОВ**

Алшар Навоий номидаги Ўзбекистон

миллий кутубхонаси директори

**Азамат ҲАЙДАРОВ**

«Ўзбекнаво» эстрада

бирлашмаси бош директори

**Ушбу сонда:**

**Манзура ШАМСИЕВА**  
*Мен отамни  
тондим*

**Адиба НОСИРОВА**  
*Ўзгачи  
маданият  
таънабияти*

**Набижон БОҚИЙ**  
*Эркин Ўзгал  
қандай ёзади?*

**Рўзимурод ЭСОНОВ**  
*Миср  
эҳромлари*

**Нигина ҚОДИРОВА**  
*Башоратлар,  
афсуслар...*

**Комил ЖОНТОЕВ**  
*Одамхўрлар  
оролли*

**Муқоваларимизда:**

1-бет: Хонанда Мамлакатхон Мамаджонова.

Босишга 20.05.2010 йилда топширилди. Офсет қоғози. Бичими: 60x84 1/8.

Ҳажми 6,0. Адади: 4357 Буюртма № 69

Таҳририят манзили: Тошкент — 100000, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Тел: 233-25-66  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0517 — рақамли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.  
«Hilol Media» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри,  
Ўчмена тумани, 21-мавзе, Фарҳод кўчаси, 1-«А».

e-mail: AzimSUYUNNUR@mail.ru

Фарзандларимиз  
биздан кўра кучли,  
билимли, доно ва  
албатта, бахтли  
бўлишлари шарт!

Ислом КАРИМОВ

\* \* \*

Инсон номи ўлмай яшайди такрор,  
Ортидан фарзанди қолганда ёдгор.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

\* \* \*

Фарзанд — жонга пайванд.

Ўзбек халқ мақоли

\* \* \*

Бас, керакдурким, ҳар турлик фазл ва ҳунарни фарзандингга ўргатгайсан, то оталик шафқати шартин бажо келтурмиш бўлгайсан. Киши бошига на иш тушарин билмағусидир, фазл ва ҳунар ишга яратғусидир.

КАЙКОВУС

\* \* \*

Ҳар бир дарахтнинг меваси бор, кўнгилнинг меваси эса фарзанддир.

«Ҳикматлар» китобидан

\* \* \*

Болаларингизни қўрқоқлик соясига сира ҳам яқинлаштирманг, улар арслон юракли бўлиб етишсинлар. Ботирлар гайратли, матонатли, ишчан бўладилар.

Низомиддин ибн ҲУСАЙН

\* \* \*

Бола савол берганида тўғри жавоб бермоқ керак. Ҳатто бу саволлар нозик масалада бўлса ҳам. Чунки болаларни фақат аниқ фактлар қизиқтиради.

Кристиан АНДЕРСЕН

\* \* \*

Боланинг кўнглини синдириш ёвузлик, балки ундан ҳам ёмонроқдир. Уларни севиш эса, энг нозик санъатдан ҳам нозикроқдир.

Чарлз ДИККЕНС

\* \* \*

Мен болаларни яхши кўраман. Дили, тили мутлақо бегона болани ҳам бағримга босиб, меҳр улашишдан завқланаман.

Мария ЕРМОЛОВА

# МУЗЕЙЛАРДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИНГ АҲАМИЯТИ

Туризм сўнги ўн йилликда иқтисодий ҳаётнинг глобал интеграциялашувида муҳим омил сифатида мамлакатларнинг жаҳон бозорига киришида ўзига хос механизм сифатида иштираётган. Ўз навбатида, Ўзбекистонда миллий туризмнинг ривожланиши ҳам иқтисодий ўсишнинг асосий нуқталаридан бирига айланган.

Кейинги йилларда ҳукуратимиз томонидан туризм соҳасини ривожлантиришга эътибор кучайиб бормоқда, буни ҳукурат томонидан қабул қилинган қарор ва фармонлар мисолида ҳам кўриб ўтиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги 447-фармонида асосан «Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг вужудга келиши ва бу ташкилотнинг 1993 йили Бутунжаҳон Туризм Ташкилотига аъзо бўлиб кириши туризм тараққиёти соҳасида қўйилган улкан қадам бўлди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланиши «Ўзбек модели» негизи асосида янги миллий кўринишда шакллана бошлади. Айни ўринда «Бугунги кунда юртимиз тарихи ва келажакига қизиқатган сайёҳлар оқимини тартибга солиш учун кадрлар тайёрлаш масаласи қай даражада?» деган савол туғилади. Чунки ҳар бир меҳмонга кўрсатилаётган хизматдан мамнунлик ҳисси, кейинги келажакда сайёҳ учун ишонч воситаси ҳисобланади. Халқаро туризмда музей ва ёдгорликлар билан танишиш хизматлари ва бу борада ечилиши лозим бўлган муаммолар бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Маданий ривожланиш босқичларида музей муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этиб, маданий қатлам сферасини ўрганишда асосий манба ҳисобланади. Турли та-

рихий эволюцион давр ва маданиятни ўзлаштиришда, уни тарғиб этишда, оммага таништиришда музей яхши бир алоқа воситаси вазифасини ўтайди. Музейлар илмий жиҳатдан ўзига хос маданий жараёнлар ва уларнинг бадиий кўринишини аниқлайди ҳамда тадқиқот объекти сифатида намойиш этади. Бугунги кунда шиддатли кечаётган маданий босқичлар жараёнида музейлар фаолиятидаги янги лойиҳа ва тартибларни ўрганиб, тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда музейларга эътибор мустақиллик даврида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 32 та тарих, 16 та ўлкашунослик, 11 та бадиий, 6 та адабий-ёдгорлик, 13 та ёдгорлик, 2 та табиий-илмий ва 7 та адабий йўналишдаги музейлар фаолият юритмоқда. Уларда ўзбек ва жаҳон халқлари тарихи ва маданиятига доир жами 1602280 дан ортиқ турли ноёб экспонатлар сақланади.

Музей туризми — ривожланган мамлакатлар музей иши амалиётида кенг ўрганилган соҳа бўлиб, турли мамлакат, халқ, миллатлар тарихи, уларнинг маданий мероси, дини, урф-одати ҳамда маросимлари, хусусан, санъати тўғрисида атрофлича маълумот беради, шунингдек, мароқли дам олишнинг турли-туман кўринишларини очиб беради.

Сайёҳликни ривожлантириш — унинг мамлакат иқтисодиётини кўтаришда муносиб улугга эгаллиги ва ижтимоий аҳамият касб этиши сўнги йилларда дунё бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида ўз асосини топди. Бундай тадқиқот, илмий изланишларнинг юқори самара бериши учун бугунги кунда халқаро туризмда музейларда янги аҳамият касб этиш

фаолияти ва ноанъанавий услубларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу кўринишларни умумлаштирган музей бевосита ҳақиқий профессионал илмий марказ сифатида фаолият юритиб, ўз олдига сайёҳлик тарихи, технологияси тўғрисида маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш ва шу асосда сайёҳлик фаолиятини такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқишни асосий вазифа этиб белгилайди.

Халқаро Сайёҳлик Академияси қошида Халқаро музей туризми ҳамда унинг жойлардаги бўлимларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, ушбу музей ўз атрофида шу соҳага оид олимлар, мутахассислар ҳамда халқаро ва миллий сайёҳлик соҳасида фаолият юритаётган амалиёт ходимларини бирлаштиради. Академия аъзолари — иқтисодиёт, қонунчилик, сайёҳлик инфраструктураси, сайёҳлик фаолиятини ташкил этиш, сайёҳлик таълими, шунингдек, маданият ва санъат соҳасида эришилган ютуқларни сайёҳлик фаолиятига татбиқ этувчи кўзга кўринган, ўз ишининг моҳир усталаридан иборатдир. Халқаро музей туризми ўз фаолияти давомида халқаро ва мамлакат миқёсида сайёҳликни ривожлантиришга оид методик фаолиятни амалга ошириш билан бир қаторда, мамлакатнинг халқаро доирадаги мавқеини мустаҳкамлаш учун ҳам асосий эътиборни қаратади.

Шуни мамнуният билан эътироф этиш лозимки, бизнинг республикамизда ҳам очиқ осмон остидаги музейлар мавжуд бўлиб, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари шулар жумласига киради. Ушбу шаҳарлардаги осори-атикалар, музейлардан жой олган экспонатлар мамлакатимиз, халқимизнинг тарихий-маданий бой-

лиги, қадриятлари эканлигидан далолат беради. Халқаро туризм музейи ўз фаолияти давомида бошқа турдаги музейлар билан яқиндан алоқада, ҳамкорликда иш юритиши мақсадга мувофиқдир, хусусан, ушбу ҳамкорликни турли экспонатлар, маданий ёдгорликлар, ёзма манбалар, нусхалар, голограммалар ва шу каби бошқа манбалар алмашинувида қўриш мумкин.

Халқаро сайёҳлик музейи фаолиятида асосий эътибор мамлакатимизнинг сайёҳлик борасида эришган ютуқларини алоҳида қайд этиб бориш, бу борада фаолият юритаётган барча турдаги музейлар, хусусан, ўлкашунослик, тарих, уй-музейлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш талаб этилади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда сайёҳлик соҳасида эришилган ютуқлар, сайёҳлик тарихини яратишга интилиш музейларда туризмни яратишга қизиқишнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Туризмда музейлар фаолиятини ривожлантиришда жойлардаги минтақавий сайёҳлик ташкилотлари, турли сайёҳлик корхоналари, сайёҳлик ўқув-услугият марказлари ёрдами қўл келади.

Сайёҳликнинг турли йўналишлари, масалан, тоғ-чанги сайёҳлиги, от миниб сайр этиш, балиқ ови, тоғ альпинизми, чўл бағрига туяларда саёҳат, қадимий шаҳарлар ва ўлкаларга саёҳат, қадимий урф-одатлар, маросимларни ўрганиш, миллий таомлар пишириш каби янги йўналишлар асосида туризм музейларини ҳам ташкил этиш мумкин бўлади.

Туризм борасида олиб борилаётган илмий изланишлар фақат тор доирада, яъни шу соҳада фаолият юритаётган мутахассислар, олимлар томонидан тадқиқ этилмоқда. Сайёҳлик борасида халқаро миқёсда орттирилган тажрибалар ва малакалар сайёҳликни ривожлантириш йўллари ва эришилган натижалари асосида шуни таъкидлаш лозимки, сайёҳлик хизматини такомиллаштириш, уни маданият ўчоғи даражасига кўтариш, сайёҳлик маданияти, сайёҳлик маҳсулотларига омманинг ижобий қарашларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу каби масалаларни ҳал этишда, албатта, халқаро туризм фаолиятида музей ишига оид янги концепциялар, метод ва технологияларни қўллаш замонавий музей санъатини яратишга ёрдам беради. Музейларнинг замонавий концепцияси — сайёҳлик ривожининг кўпқиррали, системали ва узлуксиз жараёни эканини яққол намоён этади, сайёҳликнинг янги йўналишлари ва турлари очилиши эса сайёҳлик борасида истеъмолчилар диққатини жалб этиши мумкин.

Халқаро туризмда музейлар — профессионал илмий марказ сифатида шаклланиб, сайёҳлик тараққиёти тарихи ва сайёҳлик технологиялари ҳақидаги манбаларни йиғиш ва атрофлича ўрганиш, сайёҳлик фаолиятини ривожлантириш ва мукамаллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш билан шугулланади. Соҳага оид олимлар ва амалиётчилар билим ва малакаларини жамлаган ҳолда, музейларда туризмнинг бугунги глобаллашув жараёнида янада тараққий этишига, унга янги инновацион технологияларни киритишга, сайёҳликка оид янги нашрлар чоп этиш марказига айланади.

Музей мамлакатимизда ва хорижий мамлакатларда шаклланган миллий анъаналарни сақлаш, унутилганларини тиклаш, шунингдек, сайёҳлик фаолияти юзасидан соҳага оид барча маълумотларни тўплаш ва зарур ҳолларда турли сайёҳлик йўналишлари юзасидан маълумотларни манфаатдор иштирокчиларга етказиш маданий туризм соҳасини ривожлантиришда асосий мақсад ва кўринишларни бирлаштиради. Шаҳар ва шаҳар атрофида мавжуд тарихий обидалар, осори-атиқаларга сайёҳларни янада кўпроқ жалб этиш мақсадида турли театрлаштирилган дастурлар, фольклор жамоалари чиқишларининг ташкил этилиши ҳам бу борадаги ижобий кўринишлардан бири ҳисобланади.

Музейларда махсус туризм дастурларини тузиш ва шу асосда ишлаб чиқарилган сайёҳлик маҳсулотлари билан халқаро туризм кўргазма ва ярмаркаларида иштирок этиш ҳам музейнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаши мумкин. Му-

зей туризмни кенг миқёсда режиссёр қилиш асосида хорижий ва маҳаллий сайёҳларни янада кўпроқ жалб этиш орқали осори-атиқаларга бой бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига халқаро музей туризми марказлари мақоми берилишига эришиш мумкин. Бу борада музейларда маданий туризм ва бошқа сайёҳлик йўналишлари бўйича аниқ дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тур йўналишлари ва хизматларига оид турли маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, ишга юқори малакали, тажрибали мутахассисларни жалб этиш, хорижий ҳамда маҳаллий туризм ташкилотлари билан шартномалар тузиш ва амалий мулоқотлар ўрнатиш бу соҳада самарали натижаларни беради.

Музей туризми — бу туризмни билиш, ўрганишда музейларнинг ихтисослашган фаолияти, музейга оид турли туристик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш (экспозицияларни яратиш, ички ва ташқи экскурсияларни, музей дўконларини ташкил қилиш ва бошқалар), шу билан бирга, туристик жараёни ташкил қилиш (жойлаштириш, овқат таъминоти, транспорт билан таъминлаш, ахборот бериш)ни қамраб олади.

Замонавий жамиятда глобаллашув жараёнларининг бориши музей фаолиятида бош натижа бўлиб кўринадиган маҳсулот бу — локал, ҳудудий, миллий маданий мерос, бош хусусиятлардан аниқ жой, ҳудуд, мамлакатнинг ўзига хослиги ва музей бўлгунига қадар у ёки бу ҳудуднинг бошқалардан нимаси билан фарқланиши, уларнинг узок жойларга қўчгани ёки ўз жойида сақланганлиги ҳақидаги маълумотларни тўплаб, уларни намоиш қилади. Умуман олганда, халқаро туризмда музейлар фаолияти муҳим аҳамият касб этгани ҳолда, бугунги кунда ўзига хос янги услубларни бирлаштирмоқда. Замонавий концепция ва инновацион ҳолатлар бирлиги музей иши ҳамда туризм соҳаси ривожидан нафақат иқтисодий, балки маданий кўринишлар негизида ҳам намоён бўлмоқда.

Муниса МУҲАМЕДОВА,  
музейшунос

# «МЕН ОТАМНИ ТОПДИМ...»

**Президентимиз фармони билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари «Ғалабанинг 65 йиллиги медали» билан тақдирланишди. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан барча уруш фахрийларини, уруш ортида хизмат қилиб, ғалабага ҳисса қўшган юртдошларимизни табриклаймиз.**

Негадир одамнинг беғубор даври — болалик билан боғлиқ хотиралари ёрқин, сермазмун бўлади. Шу боис, кўпчиликка болалиги ҳақидаги хотиралар ҳамisha қадрли туюлади. Иш юзасидан кўпчиликка савол бермоқчи бўлсам, аввало, болалиги ҳақида сўрайман. Бу хотиралар кейинги саволлар учун ҳам ўчоқ бўлиб хизмат қилади. Айтмоқчи бўлганим, болалик хотираларини эслаганда оғир хўрсиниб, ёки эслашни унчалик ҳам истайвермайдиган одамлар ҳам бор. Шундай инсонлардан бири — Отам...

Уйимиз тўрида қишлоқ кийимдаги, қарашлари ўқтам, жуссаси қорувли одамнинг расми доим илинган турарди. Эсимизни таниганимиздан бери (балки ундан ҳам олдин) “Бу отам — бобонг”, деб айтишарди. Бизнинг чексиз саволларимизга “Урушда бедарак кетган”, жавобини олардик. Болаларча хаёллар билан “Ишқилиб, энди уруш бўлмасин”, деб ният қилардик. Кейинчалик — уруш нима, бедарак кетган нима дегани ва бобом ҳақидаги бошқа гапларни уйдагилардан, кинолардан, тарих дарсларидан билиб олдик. Отамга ўзи гапирмаса, болалиги ҳақида савол бермасликни ҳам ўргандик. Бугун — ўша машъум кунларнинг доғи юрагидан кетган кунларда отамга бемалол савол бера оламан.

Бобомдан — отасидан келган ягона мактубни олиб, суриштира-суриштира чарчаб, охири югурмай қўйганида юртимизда ҳурлик шамоли эсиб, барча жабҳада янгилашлар бирин-кетин рўй бераётган кунларнинг бирида “Хотира” китоби нашр этилди. Бу китоб ҳақида эшитган отам маҳалла идорасига югурди. Китобни маҳалла оқсоқоли (болаликдаги ўртоғи)га минг ёлвориб, уйга олиб келди.

Мана, Самарқанд вилояти, мана Жомбой тумани... Мана, мана... варақдай-варақдай топдик. “Рустамов Шамсиддин. 1902 йилда туғилган. 1942 йилда “Гул” қишлоғидан чақирилган...” Давомли нуқталар... Бу нуқталарда бир йигит умри бор эди. “Хотира” китобидаги минг-

лаб номлар, минглаб нуқталар — минглаб хазон бўлган умрлар ниҳоят ўз қадрини топди. Отам эса... Йиллар, йиллар билан яширишга ҳаракат қилиб жилмаяр ва лаблари “Мен отамни топдим...”, деб шивирлар эди...

Бу кўзёшларда етим қолиб, мактабдаги ўқишни ташлаб, бировлар эшигида кун кўрган кунларидаги армонларми, ёлғиз укасини елкасига олиб, мол боқиб, пана-панада урушни лаънатлаб ўтказган кунларидаги изтиробларми, бугунги фарзандлар, неварачеваралар билан ўтказаетган кунларига шукроналикми ва яна ёлғиз ўзига аён нималардир бор эди.



Бир куни отам билан пойтахтдаги “Хотира” майдонига келдик. Отам бу майдонда туриб, бобом сингари уруш қурбонларига, уруш туфайли ёрини, фарзандини, яқинларини кутиб, оламдан ўтганлар хотирасига, бугунги озод ва обод кунларга шукрона айтиб тиловат қилди. Менинг эса шууримда отамнинг “Мен отамни топдим...” деган сўзлари айланар эди. “Хотира” майдонидаги мотамсаро она ҳайкалидан “Мустақиллик” майдонидаги бахтиёр она ҳайкали томон сўзсиз келарканмиз, мақоламга Бобомнинг номидан олинган исми-шарифим билан имзо қўйишни ният қилдим. Зеро ҳар бир инсон номи авлодлари ила бардавомдир.

**Манзура ШАМСИЕВА**

Ўзбекистон халқ ёзувчиси  
Шукур ХОЛМИРЗАЕВ:



«Шоҳ Эдип» ҳозир саҳнада ўйналмоқда.

Залда рус ҳам, ўзбек ҳам, хорижий томошабин ҳам бир хил ҳаяжон билан ўтиради. Асар хотимасига яқинлашар экан, у ер-бу ерда баралла йиғи овозлари эшитилади.

Парда ёпилади, томошабиннинг гулдурас қарсақлари остида яна очилади. Ҳайван, ҳорғин Шукур Бурҳон чиқади.

Халқ санъаткорнинг саҳнадан кетишини асло истамай, гуррос чапак, олқишларни яна кучайтиради.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Шукур Бурҳоннинг ёрдўстлари, шоғирдлари ва мухлислари у кишининг суҳбатига боришади. Суҳбат якунида: «Бу рол мендан бутун куч-қувватим, борим-борлигимни талаб этади. Шунинг учун розиман ролимдан, дейди. Кейин кулиб бош чайқайди: — Окоси, Эдип тақдир башоратидан қочади, лекин тутилади, чунки бу пешанасига ёзилган. Билмадим, артистлик ҳам менинг пешанамга ёзилган эканми...»

## ЮРАГИНИ АЯМАГАН ОДАМ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, қанча гапирсак, ёзсак, нимадир қолиб кетаётгандек, ўша одамни тўла кашф этмагандек бўлаверамиз. Кўпда ўша очилмаган қирра нималиги хусусида ўйлаймиз. Одамга хос барча яхши хислатлар мужассам бўлса ҳам нимадир ўзига хослиги очиқ қолиб кетаверади. Бу, менимча, одамни ўзичалик ҳеч ким билмаслигидан бўлса керак. Балки ўша етишмаётган шу одамнинг ўзидир...

Бу одам бизни ҳам, саҳнани ҳам ташлаб кетганига анча йил бўлди. Ҳаёт давом этаверади. Дарёдан бир челак сув олсак, бир чайқалади-ю яна ўрни тўлиб оқаверади. Бизнинг йўқотишимизнинг ўрни тўлмади. Ўнлаб шоғирдлар, янги-янги саҳна усталари ўзига хос бўлиб кириб келишаверди. Йўқотишимиз ҳамон ўша-ўша. Бизнинг саҳнамиз дарёсида ўз ўрнини қолдириб кетди. Сўз юритмоқчи бўлганим — **Шукур Бурҳонов**. Менимча, бу буюк актёрнинг ўрни ҳамон бўш. Бўм-бўш.

Бугун унинг талқинидаги Яланг-тўшни, Мирзо Улуғбекни, Шоҳ Эдипни, Рустамни, Горациони, Сулаймон отани соғинамиз. Ва... унинг ўзини ҳам. Туб-тубида мунг ва яна аллақандай теранлик бор кўзларини, ингроқларини, ўктам овозини шууримизда жонлантирамиз. Мана у «Юр, қизим, Зарканти-

га борамиз, ота-бола бўлиб яшаймиз», деб хўрланган аёлни юпата-япти-ю, ўзи йиғлаяпти. Ичига йиғлаётган одам фожеаси! Биз унинг истеъдодига чапак чаламиз, қўшилиб йиғлаймиз, яна турмуш ташвишлари билан яшайверамиз. Одамда фидоийлик бўлса, юрагини, умрини аямаса, ўз касбининг устаси



бўларкан. Бироқ аялмаган юрак бир куни панд бериб қолиши ёмон экан...

Шукур Бурҳонов ҳақида гап кетганда, шогирдлари ўз образи билан яшай олиш, борлигини, ўзини унутиб, ролидаги одамга айлана олиш истейдоди ҳақида айтишади. Бунгача эса... Спектаклга 3-4 соат олдин келиб, ҳолатга кириш, репетицияларда биргина чақириқни 20 марта тақрор айтиш, сўзнинг маъно, оҳанг каби қирраларидан моҳирона фойдаланиш, ички нигоҳ билан образдаги «мен»нинг дардини кўра олиш(ҳатто салбий образни ҳам!)каби маҳорат ва машаққат йўлини босиб ўтиш фақат санъат фидоийсининг қўлидан келади.

Ҳар қандай маҳорат катта истейдод ва машаққатли меҳнатнинг мевасидир. «Қиёмат қарз»даги Сулаймон ота образи нимаси биландир Бурҳоновнинг ўзига ўхшайверди. Бошқаларни билмадим, менга шундай. Бўлмаса, Шоҳ Эдипни ҳам, раис Арслонбекни ҳам, Мирзо Улугбекни ҳам Шукур Бурҳонов талқинида асл ижро дейиш мумкин. Бироқ буюк актёр ҳақида ёзиш тўғрисида Бош муҳаррирдан топшириқ олган кунимдан бери «Сулаймон отанг гирром эмас!», «Нўмонжонни излаб кетаяпман...», «...Фулам чўлаққа...», «...Заркантти қурути...» деб турган қиёфалари билан кўз олдимда айланаверди. Баъзан «Ҳа, чув» деб қўйишларида шууримда пайдо бўлаверди. Яна кўзлари — ўша “Бардош” киносидаги поезд йўлига чиқиб, қўлида сура билан ўғлини кутаётган отанинг мунг ва изтироб аралаш кўзлари, ёшсиз йиғлаётган кўзлари,





кулгусида ҳам гам ортилган кўзлари кўз олдимга келаверади, келаверади...

Ҳақиқий актёрда саҳна жунуни бўлади. Улар учун театр ишхона эмас, ҳаётининг ўзаги, юрагининг қон томири. Балки ундан ҳам муҳимроқ нимадир. Мана — театр. Мана — саҳна. Спектакл бошланишига бир неча дақиқа бор. Кимдир кулис бўйлаб юрибди. Уни бу дунёдан чалғитиб бўлмайди. У ўз роли билан яшаётган одам. Ўз ролига юрагини, борлигини бағишлаган одам. Ҳозир спектакл бошланади. Унинг шу ҳолати ҳозир саҳнага кўчади... Биз қанча истамайлик, энди бу ҳол такрорланмайди. Бироқ кўнгилда бир ёруғлик бор. Ҳаёт давом этаверади. Бугун саҳнамизнинг ёш ва истеъдодли эгалари бор. Улар устозлар ўғитлари билан порлоқ юлдузларга айланишади. Уларга бурҳоновча фидоийлик тилайман.

Менимча, ҳақиқий инсоннинг ягона орзуси бўлади. Қолган барча истаклар шу улкан орзу йўлидаги изланишлар, холос. Чунки бир истагимиз амалга ошса, кейингиси тугилаверади. Буларнинг ҳаммаси ўша улкан орзу — жаннати бўлиш орзуси бўлса керак. Шунинг учун ҳам катталар бизга икки дунё саодатини тилаб, дуо қилишади, менимча. Бу улкан орзу эса ҳаётда ҳалол, фидоий, тўғри бўлишга ундайди. Ҳаёт имтиҳонларидан оғишмай ўта олганларгина ОРЗУга эришади. Бугун биз 100 ёшини нишонлаётган буюк актёр Шукур Бурҳонов ҳам ўз касбининг фидоийси бўлиб яшаб ўтди. Илоҳим, у дунёси жаннатда бўлсин!

Манзура ШАМС

## ШОГИРДЛАР ЭЪТИРОФИ

Устоз Шукур Бурҳонов ҳақида гап кетганда Мирзо Улугбек роли кўз олдимга келади. Олим ва шоҳ образини, унинг изтиробларини, борлигини жонлантира олганларини доим ҳайрат билан эслайман. Яна шуни айтишим керакки, театрда муҳаббатни Шукур акадан ўтказиб ҳеч ким ўйнаганини билмайман. Табиат бундай инсонларга доим «ҳомилатор» бўлавермас экан. Йўқотиш дарҳол сезилмас экан, йиллар ўтаверган сари устознинг буюк сиймо эканини ҳис қилаяпман. Бунақа инсон, бунақа актёр... Билмадим... Яхши актёр бўлиши мумкин, яхши одам бўлмаслиги мумкин, ё аксинча, ҳаётда яхши инсон, яхши актёр бўлолмаганлар бор. Шукур акани Аллоҳ ҳам истеъдод, ҳам яхши хислатлар билан сийлаган эди.

Украинанинг “Довженко” киностудияси “Юлдуз шуъласи” бадий фильмида ўйнаш учун мени тасдиқдан ўтказишибди. Биз Фарғонада гастролда эдик. Телеграммани олиб, аэропортга келдим. Киевга ҳам, Москвага ҳам билет йўқ. Фарғона меҳмонхонасига қайтиб келдим. Шукур ака мени кўриб ҳайрон қолдилар. Вазиятни тушунтирдим. Устоз мени олиб, аэропортга келиб, ўзларини таништириб, олиб-югуриб, билет қидирдилар. Билет йўқ. Мен умидсизликка тушсам ҳам устозда умид бор эди. Тошкентга иккита билет буюрдилар. Тошкентга бирга учиб келиб, битта Киевга, битта Фарғонага билет олиб, қўлимни сиқиб: “Хохолларга ўзбекнинг кимлигини кўрсатиб қўй!” деб хайрлашдилар... Энди бу ердаги фидоийлик, одамийлик, юртпарварлик, шогирдга муҳаббат

сингари хислатлар ҳақида гапириб ўтирмайман.

Дарвоқе, шогирдларга муҳаббат борасида ҳам Шукур ака беқийс эдилар. Бир куни “Эркинжон, уйланмайсанми, бу нима юриш?” деб сўраб қолдилар. Бўлажак қайнонамнинг 240 сўм топиб келишни айтганини айтдим. Уйларига кириб кетдилар-да, мени хижолат бўлмасин дебми, билмайман, қўлимга бир даста пул тутиб, “Бун ол, фақат битта шартим бор. Сенга Фани Аъзамов куёвжўра бўлади!” деганлар. Пул олган қўлларим ҳам хижолатдан, ҳам устоз меҳридан ёниб уйгача етиб келганман. Бу бир менга қилган ишлари, устознинг шогирдлари кўп, уларнинг ҳар бири гап кетганда шунақа тантиликларини эшлашади.


Шукур ака ҳеч қачон саҳнага чиқиб ҳолатга кирмаганлар. Ҳаётий ҳолатни саҳнага олиб чиқа олардилар. Бизга доимо “Саҳнада ёлгон жараёнда яшаманглар. Ёлгон ўйнаш — актёрнинг ўғирлиги. Ўғирлик билан бола-чақа боқманглар”, дердилар...

Ҳар бир халқнинг ўзаги, теран томирлари бўлади. Бу борада биз Худо сийлаган халқмиз. Бизнинг буюк аждодларимиз бор. Ҳар бир соҳада ўз беқийс алломаларига эга халқмиз. Шукур Бурҳонов халқимизнинг бойликларидан бири, деб эътироф этсам — хато бўлмайди.

Умуман, мен Миллий театримизга ишга келганимга 44 йил бўлган бўлса, 38-39 та йўқотиш бўлибди. Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Зайнаб Садриева... Буларнинг ҳар бири театримизнинг тамал тошини қўйган буюк инсонлар эди...

Эркин КОМИЛОВ,  
Ўзбекистон халқ артисти





# ИФТИХОР

Илгари композиторларга муносабат бўлакча эди. Ўз куйимизни фақат ўзимиз тинглрдик, десам янглишмайман. Бугун куйни тинглаш, тушунишга эҳтиёж туғилди. Консерваторияда ўқиган ва ўқиётган ёш мусиқачиларга кенг йўл очилди. Фақат олға юрсалар бўлди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида кириш имтиҳонларини топшириб, ўқишни Хитойда давом эттирган синглимиз Эмин Нурбону магистратурага тахсил олиш учун қайтди.

— Ўзимизда барибир бошқача экан, — дейди у, — Ўз юртингда жаҳон мусиқасидан тахсил олсанг, ота-боболардан қолган маданий мерос кўз олдингда туради. Турли мақомга солмайсан ўзингни.

2004 йил шогирдларим билан Токиода ўтказилган симфоник куйлар ижрочилиги танловидаги иштирокимизни эслаб қувончга тўламан. Танбур ва симфоник оркестр учун ёзилган куйимиз хорижликларга жуда манзур

## КУЙНИНГ АДАБИЙ ШАРҲИ

(Ўзбекистон санъат арбоби, бастакор Мустафо Бафóев портретига чизгилар)

### Эссе

Куйчини англашдан кўра, унинг куйини тинглаш осон. Куйни тушунишдан кўра, куйчини билишга имкон кўпроқ. Негаки, истасангиз у билан суҳбатлаша оласиз; Ҳаётгий кузатишлари орқали мусиқасини шарҳлаб бериши, сизни истейдоди моҳиятига яқинлаштириши мумкин. Мустафо Бафóевнинг симфония, оратория, опера, фреска ва феерия жанридаги мусиқий асарларини талабаликда европа санъатига ихлос сифатида қабул қилган эканмиз. Аслида айб ўзимизда экан. Концертга тушмасдик. Асоси Европа санъати бўлган эстрада кўшиқларига гарқ бўлганимизни билмасдик. Ҳатто бастакор асарларининг номланишига ҳам эътибор бермабмиз: «Бухоронома», «Ҳажнома», «Зардуштийлар маросими», «Ибн Сино», «Ҳазал симфонияси», «Шоир ҳаётидан саҳифалар», «Мовароуннаҳр», «Ҳолоти Алишер Навоий», «Умар Хайём», «Ал-Фарғоний», «Лисонут-тайр», «Танбур ва симфоник оркестр», «Кини Сиёвуш» (Сиёвушга йиғи), «Бухорча концерт»... Номларнинг ўзи адабиётни шарҳлаётгандек. Бастакор асарларини куйнинг адабий шарҳи деса бўлармикан? Шу маънода куйидаги мулоҳазалар Мустафо Бафóевнинг ҳаёти ва дунёқарашига баъзи чизгилардир. Бу чизгиларни ўқиб, Мустафо Бафóев асарлари томошасида ўтирган, куйларидан баҳра олаётгандек бўласиз...

**ҲАЁТГА ЧИЗГИ.** Мустафо Бафóев Когоннинг Ганчкеш қишлоғида туғилган. Аҳоли тоғдан отда ганч ташиб умргузаронлик қилган. Отаси Бафóкул ҳисобчи бўлиб ишласа-да, хиргойи қилишга одатланган эди. Онаси Зулфия ая чиройли алла айтарди. Отаси Мус-

тафóга болалигида консерва идишидан гижжак ясаб, от думидан тор боғлаб берган. Буни Ваҳдат бобондан ўрганганман, бобонг куйларга ўзларича сўз қўйиб куйлардилар, деган фахр билан. Мустафо болалигида шеър ёзарди, адабий тўгаракка қатнашарди. Бир куни отаси уни концертга олиб борди. Бухорога Карим Мўминов ва Фахриддин Умаровлар келишганди. Маҳоратларидан таъсирланганидан, энди кўшиқ айтаман, деган. Кейин Бухоро мусиқа билим юрти, консерватория... Шеърга меҳри — санъатга бўлган муҳаббатига айланди.

**ДУНЁҚАРАШГА ЧИЗГИ.** Инсон яшаб суратини созлайдими, сийратиними? Отам бир ривоят айтиб берган: Кўринишидан оддий, содда ва камсукум кишига юзсиз бир одам маломат қилди.

— Қора лойнинг суви қачон тозаради? Шаклу шамойилинг шу экан, тўрда ўтириб олиб, ҳикматдан лоф урасан. Мева хушрангу хушбўй бўлмаса, ундан ширинликни кутиб бўладими?

— Жондан, ҳаловатдан кечганлигим учун улур ишлар қилиш насиб этди менга, — кулимсиради зўрга нотавон киши, — Дилим ҳақдан парвариш топди.

Икки кўзимда сен кўра олмайдиган икки олам акс этиб турибди. Маънан юксаклигим тўрда ўтиришим билан, маънан тубанлигим пойгақдан жой олганинга эмас. Сенинг ожизлигинг — суратимни созлашга фурсатим бўлмаганлигини англаб етмаганинга?!

**ҲАЁТГА ЧИЗГИ.** Мутал Бурҳоновни кейинги барча бастакорлар ўзига устоз деб билади. Жумладан, Мустафó Бафóев ҳам. Буни у кўп давраларда айтади.

бўлди. Айниқса, симфоник куй орасида алоҳида чалинган танбур куйидан сел бўлиб кетишди.

Консерваторияда композиторлик ихтисоси бўйича таҳсил олаётган қизларимиз кўп. Доно Пўлатова, Нигина Жўраевалар навбатдаги халқаро кўрик-танловга тўрт қисмли «Ҳолоти Алишер Навоий» номли симфониям билан иштирок этишни мўлжаллашган.

Шу маънода, бўлажак композиторларга, ўз миллий руҳидан узоқлашган ҳар қандай санъат инқирозга юз тутади, деб таъкидлайман. Консерваториянинг халқаро эътибор топаётганлиги-

дан фахрланишимиз кераклигини эслатиб тураман. Ичимда эса ёшларнинг ҳаракатларидан жуда мамнунман. Уларда куйни тинглаш маданияти юксалаётганлигини кўриб қувонаман. Туркиядан келиб консерваторияда таҳсил олаётган Эмрей Калелей Швейцарияда ўтказилган ёш композиторлар кўрик танловида биринчиликти олди. У оркестрдаги ўзбек миллий чолғулари билан муваффақият қозонганлигини кўп анжуманларда эътироф этди.

Мусиқа — маънавиятнинг асосларидан бири. Шарқда етишиб чиққан мутафаккир борки,

бу санъат турининг сеҳрли оламига назар ташлаб ўтган. Уларнинг номини санашга ҳожат йўқ. Кейинги мусиқашунос олимлар ҳам алломаларимизнинг нуқтаи назарига таяниб иш кўришган. Аммо санъатни татбиқ ва тадқиқ қилиш, ўзбек мусиқасини дунёга олиб чиқиш том маънода мустақилликка эришганимиздан сўнг аҳамият касб этди. Бу ёшлар учун фахр. Қолаверса, улар зиммасига янада масъулият юклайди.

**Мустафо БАФОЕВ,**  
**Ўзбекистон санъат арбоби,**  
**профессор**

— Мустафонинг ўрганган мактаби бошқа, — камтарлик қилди Мутал Бурҳонов, — Қолаверса, ёшлигида унга бир куй ҳам ўргатмаганман. Узини менга шогирд эканлигини айтиб юраркан. Агар менинг шогирдим бўладиган бўлса, тилхат ёзиб берсин...

— Тиригимиз ҳам, ўлигимиз ҳам мусиқа билан, дерди уста, — ўйлайди у, — Бу янглиг ўғитлари ҳақи юз марта тилхат ёзишга рози эдим. Куйлари орқали Ватан муқаддаслигини юракларга муҳрлаб кетган бу одамни устоз деб атамаслик мумкинми?

**ДУНЁҚАРАШГА ЧИЗГИ.** Мусиқа элни элдан, дилни дилдан бохабар этади. Инглиз ёзувчиси Роберт Стивенсоннинг «Меросхўр Катриона» романида мусиқанинг ҳатто рақиблар учун мураса вазифасини ўтаганлигига бир мисол бор. Стюартлар авлодига мансуб Алан ўзининг қон душмани Макгрегер авлодига тегишли Робин Ойг билан бировнинг уйида юзлашиб қоладилар. Иккиси ҳам қиличга қўл чўзишади. Шунда сибизгачи Дункан Ду тadbир қўллайди. Икки гурурли тоғликка фақат қиличбозликда эмас, сибизга чалишда ҳам моҳир эканликларини эслатиб, мусиқа бўйича беллашувга чақиради. Ва икки сибизгани икки рақибга тутқазади. Олдин Робин Ойг қандайдир тарона ҳосил қилади. Алан куйни айнан такрорлайди. Ва янгроқ рақс куйини қўшиб юборади.

— Ёмон эмас, аммо янгроқ куйинг саёзроқ экан, — фикрини айтади Робин.

Аланнинг жаҳли чиқади. Мусиқа қиличбозликка айланиб кетмаслиги учун холис баҳони Дункан Ду берсин, дейди. Робин киноя қилади: «Стюарт эканлигинг эътиборга олинса, ноқобил чолғучи эканлигинг кундай равшан бўлади», — дейди ва сибизга чалишга тушади. У ҳам Алан чалган янгроқ куйни айнан чалиб, янги таронани шу вақтда эслаб қолганлигини намоиш қилади. Алан ноилож, соз чалишга уста экансан, дея жаҳд билан ўрнидан турмоқчи бўлганда рақиб тинчлик сақлашга ишора қилиб, шотланд халқ куйини чалади. Бу эпинлик стюартлар азалдан тилдан қўймай айтиб юрадиган миллий қўшиқнинг куйи бўлиб, Алан учун ниҳоятда қадрон эди. Чолғучи му-

сиқани поёнига етказгунча Аланнинг қиёфасида гинакудуратдан асар ҳам қолмайди. Енгилганини мардона ҳазил билан баён этади: «Совуқ пўлат мунозарамизни бошқачароқ ҳал этиши мумкин эди. Қойилмақом сибизгачини қиймалаб ташлашга қўлинг ҳам бормайди».

Робин Алан Макларенлар хонадонига меҳмон бўлиб келган беморни кўргани келганди. Бемор Дэвид Белфур эса Аланнинг дўсти эди. Робин бир вақтлар Белфурлардан яхшилик кўрган. Демак, қарздорлик ҳиссини туйган инсонга ишонса бўлади. Лекин гап бунда эмас. Уларни мусиқа баҳси банд қилмаганда бу инсоний бурчлар жаҳл исканжасида қолиб кетарди. Буни Дункан Ду билган. Майдон табиатини усталик билан ўзгартирди.

Мусиқа одам боласининг бир-бирига душман бўлиб туғилмаслигини эслатди ва душманни дўстга айлантирди.

**ҲАЁТГА ЧИЗГИ.** Бастакорга, асарларингиз моҳиятига яқинлаштирадиган шундай гаплар айтингки, болалигингиз, ёшлик ва кексалик таассуротларингизни қамраб олсин, деди бир мухбир. Мустафо ака эътироз билдирди:

— Мен тайёр матнга куй ёзаман. Мусиқачининг ўзи эмас, куйи сўзлайди.

— Куйингиз «тили»ни тушунганимда сизни сўхбатга тортмасдим.

— Асарларим матнининг муаллифлари-чи? Улар ҳам сизга аҳволимдан хабар бермайдими?..

Дарвоқе, бугунги кунда бастакор Абдулла Орипов, Жамол Камол, Жуманиёз Жабборов, Азим Суюн, Омон Халил сингари таниқли шоирларнинг асарларига мурожаат қилиб, янги симфония ва ораториялар яратаяпти.

**ДУНЁҚАРАШГА ЧИЗГИ.** Академик шоир Фафур Фулом яхши бир таронани инсон умрига қиёслади: Онадан туғилмоқ — таронанинг бошланиши, яшамоқ — чолғудаги «даромад»дай ўйга толдиради одамни. Севиш — «авж парда» каби кўнглининг кўтарилгани. Фоний дунёни тарк этиш — аламли «савт» сингари тингловчи кўзини ёшлатади.

**Илҳом АҲРОР**

*Жамият тараққийети, равнақи келажак эгалари — ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Ёшларда интилувчанлик, қобилият ва ташаббус бўлса, эртанги кунимиз бугунгидан самаралироқ бўлади. Президентимиз мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ ёшлар тарбияси, ўқиш ва ўқитишга янгиликлар олиб кириш масалаларини кун тартибига қўйган эди. Ўша заҳматли изланишлар самараси — бугун ўз ҳосилини бера бошлади. Ўша даврдаги мактаб ўқувчилари бугун жамият тараққийетига муносиб ҳисса қўшаётган етук кадрларга айланди. Муҳими, улар ўз фикрига эга, доно, мустақил иш юрита оладиган, жаҳоннинг исталган зиёлиси билан беллаша оладиган шахслар бўлиб етишди.*

## ЭЛДА АЗИЗ ОДАМЛАР

Бу масалада мактаб таълими муҳим рол ўйнайди. Мактаблар, ўқитувчилар келажак эгалари баркамоллигининг манбаси экан, бу масалада ҳам юртимизда бир неча йиллардан бўён айтишга арзирли ишлар амалга оширилди. Минглаб мактаб ва коллежлар, лицей ва олий таълим даргоҳлари қурилди, ўқитувчилар учун кўплаб имтиёзлар яратилиб, анъанавий тарзда «йил ўқитувчиси», «ижодкор ўқитувчи» конкурслари ташкил этилди. Бу-

лардан ташқари, мустақиллик арафасида ҳукуматимизнинг юксак унвонларига ҳам аксарият ўқитувчилар сазовор бўлишмоқда.

Мана шу эътиборлар боис чекка туманлардаги мактаблар ҳам республикага танилиб, заҳматкаш ўқитувчилар меҳнатидан халқимиз миннатдор бўлмоқда.

Шундай фидоий устозлардан бири қўшработлик Абдурайим Мусурмоновдир. Абдурайим ака иш




фаолиятини 1970 йилда тумандаги 62-мактабда рус тили ўқитувчилигидан бошлади. Шундан бери бу одамнинг ҳаёти мактаб ва болалар билан чамбарчас боғлиқ. Ўз ишига масъулият билан қараш, ўқувчилар билан тез тил топа билиши Абдурайим акани тез танитди. Кейинчалик уни Қўшрабоддаги 82-мактабга ишга таклиф қилишди. Сўнгра туман халқ таълими бўлими назоратчиси, муdiri қилиб ишга чақаришди. Касб бошқа, иш бошқа экан, мустақиллик туфайли мактабларга эътибор қаратилиб, ўқитишга янгиликлар олиб кирила бошлагач, мактабни, болаларни соғинган Абдурайим ака яна 82-мактабга ишга қайтди. Ўз малакасини ошириб, энди астойдил ишлай бошлаган ўқитувчини 2008 йилда 81-ихтисослаштирилган мактабга директор қилиб тайинлашди. Бу мактаб инглиз тили, математика ва адабиёт фанларига ихтисослаштирилган. Шундан бери бу мактаб ўқувчилари туман ва вилоят олимпиадалари пешқадамлари сафидан жой олган. Тўрт нафар ўқитувчининг ўқитиш методи туман мактаблари бўйича оммалаштирилган. Устознинг шогирдлари бугун ўзи билан ҳамдам бўлиб, илгор ўқитувчилар қаторида меҳнат

қилмоқда. Шундай шогирдлардан бири Дилафрўз Улашева «Энг яхши фан ўқитувчиси» танловида туман, вилоят босқичларидан ўтиб, республика босқичида иштирок этди.

Абдурайим Мусурмоновнинг 40 йиллик меҳнат фаолияти фидоийликдан иборат, десам, янгилишмайман. Чунки бу мураббий мактаб ўйида тунларни тонгга улаган вақти кўп бўлган. Мактабни таъмирлашда ҳам энг кўп тер тўкадиган Абдурайим аканинг ўзи бўлади. Ўқувчилари ҳам ўз устозларининг дарсларини интиқиб кутишди. Чунки ҳар бир дарсда ёдда қоладиган нимадир ўйлаб топиб, ҳар бир дарсни воқеага айлантира олади. У кишидан ота-оналар, ўқувчилар, маҳалла, хуллас, ҳамма миннатдор. Шунинг учун ҳам Абдурайим ака бугун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси. «Меҳнат қилган элда азиз» дейди халқимиз. Меҳнатни, таълим беришни ўз ҳаётининг мазмуни билган Абдурайим ака сингари устозлар бор экан, келажакимиз эгаларидан катта умидлар қилишга тўла ҳақлимиз.

**Фарида ХОЛИМУРОДОВА,**  
Наввий педагогика институти ўқитувчиси



**Маълумки, бадиий адабиёт санъатнинг бошқа турлари каби ижтимоий онг шаклларида биридир. Бадиий асарни ифодали ўқиш ҳам ўқувчиларнинг юксак бадиий дидини шакллантириш ва маънавий дунёқарашининг кенгайтишида муҳим аҳамиятга эгадир. Аслида, ифодали ўқишга ўргатиш болалар боғчасидан бошланади, буни барча тарбиячиларимиз яхши билишади.**

Боғчада ифодали ўқишнинг «декламация» деб аталувчи дастлабки босқичида болаларда она тилига, бадиий адабиётга, санъатнинг бошқа турларига ҳавас, қизиқиш уйғогади. Мактаб ёшидаги болалар эса, бадиий адабиёт намуналарини ўқиш билан «декламация» қилиш, «онгли ўқиш», «ифодали ўқиш» санъатини эгаллай бошлайдилар. Буларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга. Шунинг учун ҳам бу борада педагогларимиз ўқувчига мактабданоқ катта эътибор билан қарашлари лозим. Айниқса, ифодали ўқиш санъати ўқувчилар онги ва ҳиссиётига жуда катта таъсир кўрсатади. Ҳиссиётга таъсир этган нарса киши хотирасида бир умрга сақланади. Шу сабабли ёш баркамол авлоднинг ҳиссиётига тўғри таъсир этиш уни эстетик эмоционал жиҳатдан тўғри тарбиялаш, таълим ва тарбия ишида ҳал қилув-



чи аҳамиятга эгадир. Бу ишда шу соҳа эгалари, айниқса, умумтаълим ўрта мактаб ўқитувчилари олдида нутқ маданиятини ривожлантиришдек масала жуда долзарб бўлиб турибди.

Масалан, баъзи мактаб ўқувчиларининг дарс жараёнида ўқитувчиси билан бўлган мулоқотида ярми русча, ярми ўзбекча ёки мустақил фикрини чалачулпа ва тўмтоқ ҳолда баён этиши ҳам бу борада қилинажак ишларимизнинг кўплигидан далолатдир.

Агар биз ўтмишга назар соладиган бўлсак, педагогикада етакчи ўрин эгаллаган адабий талаффуз нормаларини ўргатувчи «илми калом», жонли нутқ ва адабий баҳсни ўргатувчи «илми мунозара» каби бир қанча фанларга катта аҳамият берилган. Шу туфайли ўтмишда ҳар бир саводли, айти пайтда ифодали ўқиш асосларини эгаллаган кишиларни воизлар деб атаганлар.

Педагогика тарихида нутқ масаласи, ифодали ўқиш санъати, хусусан, шеърхонлик санъатига

болалар ёшлигидан қизиққан. Бу, албатта, ўз-ўзидан келиб чиқмаган. Ифодали ўқиш санъати болаларнинг фақат бадиий дидини шакллантириб қолмай, уларнинг маънавий чиниқишида, хотираси тараққиётида ҳам катта рол ўйнаган.

Мавзуга қайтадиган бўлсак, ҳозирги ёш авлоднинг бадиий адабиётга қизиқиб китоб билан дўстлашиши ва нутқий маданиятини ривожлантиришига яна бир бор умум таълим ўрта мактабларидан катта эътибор бериб бориш лозим деб ўйлайман. Чунки, ҳаммамизга маълумки, инсон эндигина вояга етиш жараёни, яъни олти ярим — етти ёшга етганда мактаб кучоғига боради. Мактабда ҳар бир синфлар ўзларига бириктирилган муаллимларидан, аввало, алифбени қунт билан ўрганадилар. Ана шу дақиқалардан бошлаб ўқитувчиларимиз ягона адабий тилда ўқувчиларга дарс ўтсалар ва улардан ҳам шундай тилда гапиришни талаб қила борсалар, натижалар яхши бўлиши аниқ.

Тўғри, адабий тилга тез ёндоша олмасликларнинг бошқа сабаблари ҳам бор. Бу турли шева-ларнинг борлиги ҳамдир. Лекин бу борада шу соҳа педагоглари катта ёрдам беришлари жуда зарур. Баъзи шаҳар ва ҳудуд мактабларининг кўпчилигида дарслар ўз шеваларида ёки адабий тилдан четланган ҳолда ўтилади.



# НУТҚИЙ МАДАНИЯТ МАЪНАВИЯТИ



Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу ҳақиқат, айнан бу борада қилинаётган ишларнинг салмоғи оз.

Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатаптики, вақтлар ўтиб, мактабда тил ва адабиётдан тўлиқ қониқмаган ўқувчи олий ўқув юрти талабаси бўлгандан кейин кўп қийинчиликларга дучор бўлмоқда. Масалан: маданият ва санъат йўналиши бўйича режиссёрлик фикрлаши ва актёрлик қобилияти кучли бўлган абитурентнинг нутқида нуқсон ё, умуман, талабга жавоб беролмайдиган ҳолатлар ҳам юз бермоқда. Буларни яна қандай изоҳлаш мумкин.

Демоқчимизки, кўп иқтидорли ва талантили ўқувчилар юқорида келтирилганларимиз оқсашлар тўғрисида мажбуран бошқа касб эгаси бўлиб қолмоқдалар.

«Яна бир долзарб вазифа — ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндошиш масаласи. Нега деганда, ёшлар халқ маънавиятининг муносиб эгаларидир. Шунинг учун ҳар бир ўғил, қизимиз дастлабки қадамларидан бошлаб, маданий бойликларимиздан баҳраманд бўлиши керак.

Истеъдодли ёшларимизнинг, йигит-қизларимизнинг ўз қизиққан соҳаларида етук инсонлар бўлиб

етишиши учун тегишли шарт-шароитлар ҳали тўла яратилгани йўқ.

Агарки, биз ўзимизнинг маънавий бурчимизни оқлашни истасак, уларга оталарча ғамхўрлик қилишимиз керак», деб жуда тўғри фикрни айтганлар Юртбошимиз И.А.Каримов ўзларининг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарларида.

Дарҳақиқат, оталарча ва оналарча ғамхўрликнинг маъно-мазмунини ҳар бир мактаб ва коллеж ўқитувчиси ё олий ўқув юрти педагоги бўладими, юқорида келтирилган фикрларнинг мағзини чақиб, кўтарилаётган масалага ижодий ёндошса, у ўзининг маънавий бурчини адо этишга ҳисса қўшган бўларди.

Зеро, Юртбошимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарларида келажакимиз бўлган ёшларнинг маънавий оламини эзгу гоялар асосида шакллантириш ва камол топтириш йўлларини очиқ-ойдин кўрсатиб берганлар.

Кўриниб турибдики, сўз юритилаётган мавзунини барча жабҳаларда камол топтириб, юксакларга кўтаришга имкониятлар етарли. Фақат эслатиб ўтиш ўринлики, баъзан ҳаваскорлик санъати ҳақида гап кетганда, бироз нописандлик, камситиш

ҳоллари ҳали-ҳамон учраб туради. Бу нотўғри муносабатдир. Аслида, ҳаваскорлик тўғрисидадан чиқиб, профессионал санъаткор даражасига етган Лутфи-хоним Саримсоқова, Шукур Бурҳонов, Аббос Бакиров, Раҳим Пирмуҳаммедов, Сойиб Хўжаев, Эътибор Жалилова, Маҳмуджон Ғафуров ва бошқа бир қанча санъаткорлар (кейинчалик баъзи-бирлари санъат олийгоҳида сиртдан таълим олганлар) ҳеч қандай олий таълимсиз санъатнинг олий чўққиларини эгаллашга муяссар бўлдилар. Бундан шундай хулоса қилмоғимиз керакки, интилувчан таланти ёшларга истиқболда адабиёт, санъат ва маданиятимизнинг кўзга кўринган улкан намоён-даси бўлиб етишувчи аҳтимолдан холи бўлмаган сиймо сифатида қараш ва шундан келиб чиқиб, ундаги истеъдод куртакларини ривожлантириш барча таълим-тарбия соҳасида иш юритаётган педагогларнинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифасидир.

**Адиба НОСИРОВА,**  
педагогика фанлари номзоди,  
доцент

# ГЎЗАЛЛИКНИ ТУШУНГАН ИНСОН ГЎЗАЛДИР

(Асқад Мухторнинг ахлоқий-эстетик қарашлари хусусида)

Ҳар бир адиб сўз санъатидай улкан бўстон саҳнида ўз гули, гулининг ранги, ҳиди билан бошқалардан ажралиб туриши, яъни ўз фикри, ўз овозига эга бўлиши лозим. Устоз Асқад Мухтор нафақат шоир, носир, балки мутафаккир сифатида ўз фикри, ўз овозига эга бўлган. Наим Каримов ёзгани каби «XX аср ўзбек адабиёти кўп асрлик миллий бадиий маданиятимизнинг XV аср адабиётидан кейинги, иккинчи олтин давридир. Бу давр адабиёти ғоят улуғ шоир ва ёзувчиларни етиштириб берди. Бу бир-бирига мутлақо ўхшамаган улкан адиблар ўртасида Асқад Мухтор шоир сифатида ҳам, носир сифатида ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Асқад Мухторнинг бошқа адибларимиздан фарқи томони унинг, энг аввало, мутафаккир инсон ва файласуф адиб бўлганидир». Мутафаккирлик, файласуфлик Асқад Мухторнинг бирламчи фазилати эканлиги, айниқса, унинг «Ёш дўстларимга» ва «Тундаликлар» асарида яққол кўзга ташланади. Адиб адабиёт оламидан ташқари, сиёсий-ижтимоий, илмий-маданий ҳаётда содир бўлаётган ҳодисаларни ҳам шу соҳанинг кишидек пухта билади ва теран фикр юритади, бир сўз билан айтганда, замон ташвишлари билан яшайди. Зотан, адибнинг ўзи таъкидлаганидек, «ёзувчи, аввало, шахс сифатида ўзи замонавий бўлиши керак». Бунинг учун ёзувчи давр ҳақида, жамият ва одамлар ҳақида, гражданлик ва масъулият, кураш ва тенденциялар ҳақида, шахс мавқеи, тақдири ва бахти ҳақида ўйлай билиши, мулоҳаза ва баҳс юрита олиши, қисқаси, мутафаккир бўлиши талаб қилинади.

«Яхши сўзингизни аяманг» мақоласи «Машҳур олим Сен-Симон ўз хизматчисига ҳар оқшом: «Мени эртага фалон сўзлар билан уйғот» деб ўргатиб қўяркан. Агар олим бугун астойдил ишламоқчи бўлса, хизматчиси уни: — Туринг, граф, сизни буюк ишлар кутяпти! — деб уйғотар экан» деган жумлалар билан бошланади. Кун мана шу биринчи турткидан бошланади. Биринчи туртки қаёққа йўналтирса, ўша томонга мойил бўласиз. У майин, ёқимли, бардам, гайрат бағишловчи туртки бўлса яхши. Аммо борди-ю...

Муаллиф мақолада муомала маданиятининг турли кўринишлари ҳақида фикр юритар экан, «...инсон

сўзи билан инсон. Одамнинг гапирган гапи унинг маънавий қиёфасини ҳам, феълу хулқини ҳам, мақсад урзуларини ҳам, онги, маданияти, дидини ҳам кўзгудагидек кўрсатиб туради», дейди ва ўринли сўз, яхши муомаланинг психологик таъсирини юксак баҳолайди.

Инсон ҳаётида энг бебаҳо тўхфа бу — вақт. Лекин унга кўпда эътибор бермаймиз. Бекор ўтган соатларни унутамиз. Аслида уларни йиғсангиз, умрнинг маълум бир қисми зое кетганини англайсиз. Адиб «Вақт» мақоласида ўзининг бой маънавий дунёси, зарур ўйлари бўлмаган одам тез зерикаши, ёлғиз қолишдан кўрқини, пулини ҳам, вақтини ҳам улфатчиликда баҳам кўришга уринишини айтиб, вақтни зое кетказадиган кишиларнинг психологиясини очиб беради. Маъноли ўтган умрни мўъжизага қиёслайди. Ҳазрат Навоий айтганларидек:

*Камол эт касб ким,  
олам уйидин  
Сенга фарз ўлмағай  
ғамнок чиқмоқ.  
Жаҳондин нотамом  
ўтмоқ биайниҳ,  
Эрур ҳаммомдин  
нопок чиқмоқ...*

Гўзаллик — жуда катта фалсафий муаммо. Гўзалликка кўп буюк олимлар таъриф беришга уринишган. Адиб фикрича, нимаики ҳаётни эслатса, нимаики ҳаётга чақирса, ҳаётга муҳаббат уйғотса — шу нарса гўзал! Инсоннинг гўзаллиги турмушда, меҳнатда, илмда, курашда очилади. Демак, инсоннинг ижодий моҳияти гўзалликдир. Асқад Мухтор гўзалликни тушуна билмаслик, гўзалликка бефарқлик, лоқайдлик, дидсизликни катта айб деб билади. Гўзаллик ҳиссини тарбиялаш ишлари алоҳида эътиборга молик эканлигини таъкидлар экан: «Ким гўзал, деса — мен: Гўзалликни тушунадиган одам гўзал, деб жавоб берардим. Ҳассос одам ёвуз бўлмайди, ҳассос одам адолатсиз бўлмайди» дейди.

Гўзалликни ҳис қилишни ҳар бир инсон ўзига эътибордан бошлаши керак. Чунки ўзига бефарқ бўлган



инсон ҳеч қачон атрофдаги гўзалликни ҳис қилолмайди. Шу жиҳатдан муаллифнинг «Ўзингизга қаранг...» номи мақоласи ҳозирги кунимиз учун ҳам аҳамиятли. «Агар биров соқоллари ўсган, уст-боши гижим, пошнаси қийшиқ, тугмаси узилган ҳолда кўчага чиқса, «Фалончи ўзига қарамай қўйибди» дейилади. ...Аммо бу таъбир ички, ҳиссий дунёнинг қашшоқлиги, маънавий бефарқлик ҳақида ишлатилса — бу жуда ҳам жиддий масала». Маънавий ва эстетик такомил ҳар қандай касбдаги одамга ҳам зарур. У ижодий тасаввур кучини оширади, фантазияни кенгайтиради, энг оғир шароитларда қатъиятли, ўзига ишончли, қувноқ ва изчил бўлишга ўргатади.

Маънавий жиҳатдан ўзига қарамай қўйган одамнинг ҳеч қандай эзгу нияти ҳам, бировларга ёки бировларнинг ижодига, меҳнатига ҳурмат ҳисси ҳам бўлмайди. Атрофда ҳамма ижод қилади, ишлайди, ҳаёт обод, гўзал бўлсин дейди, у эса барига бепарво. Адиб фикрича, ўзига қарамай қўйган бундай одамларнинг йирик-роғи, хавфлироғи ҳам бўлади. Улар ҳаётга, гўзалликка, инсон меҳнатига бефарқ ҳолда бирон мансабни эгаллаб ўтирганлардир.

Одамнинг маънавий бутунлиги, мукамал такомил тарбиявий ташкилотлар билан биргаликда, шахснинг ўзига ҳам боғлиқ. Такомил ҳар кимнинг бир умрлик ишидир.

Асқад Мухтор маънавий фаол одамгина давр ва жамият билан баробар қадам боса олишини таъкидлар экан, «Меҳр — сув эмас» мақоласида ёшликдаги тарбия нуқсонлари билан боғлиқ сабаблар, айниқса, меъридан ортиқ меҳр беришнинг салбий оқибатлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Маълумки, тарбиянинг илк қирралари оиладан бошланади. Адиб фарзандга бўлган муносабатда тарбиянинг хатолиги, тарбияда талабчанлик, «гражданлик руҳи»нинг йўқлиги боланинг нотўғри шаклланишига олиб келишини айтиб, «...у катта бўлганда албатта тажанг, асабий бўлади, ўзигина эмас, бошқа кўпларни ҳам асабий қилади», дейди.

Бундай фарзанд катта бўлганда ўзи ишлаган жамоада ҳам ҳамманинг диққат марказида бўлишни истайди, ўзгаларга талаби катта бўлади-ю, бошқаларга ўзи нима бераётганини ўйламайди. Натижада атрофдагиларнинг қаршилигига учрайди, бундан ўзини омадсиз санайди, баттар асабийлашади, бошқаларнинг ҳам асабини бузади.

Фарзандни эркалаганда меҳрни сувдай тўкиб юбормаслик керак. Меҳр ота-онанинг муқаддас туйғуси экан, унинг ҳар мисқолини авайлаб, қадрлаб сарфлаш тарбиянинг энг муҳим жиҳатидир.

«Фарзандга меҳрибон бўлинг, лекин бола сезсинки, у жамиятга керак, унинг қалби, ақли, қобиляти, кўли одамлар учун зарур. Одамларга фойда келтириш билан бахтиёр бўлиш ҳисси — гражданлик ҳисси, буюк ҳисдир. Қимматбаҳо ота-оналик меҳри мана шу муқаддас ҳисни тарбиялаш учун сарфланиши керак».

**Муаттар ЖҶРАЕВА**

## ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ЙЎЛИДА

Бугунги кунда тобора трансмиллий кўлам касб этиб бораётган одам савдоси жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Ҳозирда дунёдаги барча мамлакатлар турли кўринишдаги бу иллатдан жабр кўрмоқда. Шу сабабли одам савдоси жиноятининг ҳар қандай кўриниши чегарасиз эканлиги ҳар бир давлатнинг унга қарши курашувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва конвенцияларга қўшилишини тақазо этади.

Афсуски, глобаллашув жараёнида миллатимизга, маънавиятимизга, динимиз ва тилимизга мутлақо ёт бўлган бу иллат бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Айрим солда, ҳуқуқий саводи паст ёки мўмай даромад илинжида юрганлар бу жиноятчиликнинг қурбонига айланиб қолишгани сир эмас.

Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди. Бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

2009 йил апрел ойида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун кучга кирди. Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи одам савдосини, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида»ги Қонун маъқулланди.

Бугунги кунда мамлакатимиз бўйлаб одам савдоси билан боғлиқ жирканч жиноятга қарши кураш кенг кўлам касб этиб, бу борада бирмунча ижобий самараларга эришилмоқда. Айниқса, юрдошларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ноқонуний меҳнат сафарларининг мудҳиш оқибатларини кенг оммага етказиш одам савдосига қарши курашнинг бир усулидир. Шунингдек, матбуот, маҳалла, жамоатчиликнинг тарғиботи ҳам кўп самара беради. Кези келганда чет элларда ишлашни истайдиган фуқароларимиз учун бу борада мавжуд тегишли қонунларга қатъий амал қилиш лозимлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Шундагина уларнинг ҳаёти, хавфсизлиги ва меҳнат даромадлари ҳимояси тўлиқ кафолатланади.

Давлатимиз ўз фуқароларини дунёнинг энг олис бурчакларида ҳам ҳимоя қила олади. Бунинг учун белгиланган қонунлардан четга чиқмаслик шарт! Ҳуқуқий саводхонлигимиз ва тафаккуримиз қанча юксак бўлса, ҳаётимиз хатарсиз, оиламиз тинч ва осойишта бўлади.

**Марҳамат САНГИЛОВА,**  
Оҳангарон тумани ФХДЁ бўлими мудир

*Журналимизнинг бу галги меҳмони хонанда, ажойиб овоз соҳибаси, қолаверса, Ўзбекистон телевидиесиди бўлиб ўтган «Ёшлар куйлаганда», «Қизлар гулдастаси», «Ёр ва диёр тароналари», «Яшанба оқшомиди», «Дутор ва танбур тароналари», «Назм ва наво» номли концерт дастурларида ўзбек халқ кўшиқлари, мумтоз, лирик кўшиқларнинг моҳир ижрочиси ҳамда радиода «Бир жуфт кўшиқ», «Фонолато», «Машғал», «Муסיқада ҳаёт нафаси», «Жавоҳир» номли муסיқий эшиттиришларда ўзининг алоҳида концерт дастурларига эга серқирра санъаткор Мамлакатхон опа Мамаджоновадирлар.*

*Сўхбатимиз миллий мумтоз ҳамда замонавий кўшиқчилик ва умуман, санъатнинг муҳаттабимиз ҳаётида тутган ўрни борасида кечди. Куйида ана шу сўхбатни журналхонларимиз этиборига ҳавола қилмоқдамиз.*

## Бў бўстон саҳнида...

— Мамлакатхон опа, сўхбатимизни санъатга кириб келишингиз ҳақидаги савол билан бошласак. Зеро, ҳар қандай истеъдод қанчалик кучли, ёрқин бўлмасин, маълум бир муҳит таъсирида шаклланади, сайқал топади. Бу муқаддас даргоҳга илк кўйган қадамларингизни эслай оласизми?

— Ҳа, албатта, менда санъатга бўлган қизиқиш жуда эрта, яъни болалик чоғимда бошланган. Бувим раҳматли Солия ая ажойиб кўшиқлар, «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» дostonидан парчалар хиргойи қилардилар. «Куш иниди кўрганини қилади» деганларидек, бувимдан ўрганганларимни мен ҳам ўзимча айтиб юрардим. Шуларнинг натижаси ўлароқ, мактабда ўқиб юрганымда, қачон ва қаерда бир тadbир ёки байрам ўтказилса, албатта, менга кўшиқ айттиришарди. 7-8 синфдалигимда ўзимизнинг Чуст тумани ҳамда вилоятда ўтказилган конкурсда қатнашиб, биринчи ўринни олганман. Хуллас, оилада бошланган санъатга бўлган чексиз қизиқиш мени Наманган муסיқа билим юртига етаклади. Муסיқа билим юртига ўқишга кирган йилимиз шаҳарда янги Маданият саройи очилганди. Ана шу Маданият саройида концерт уюштириб кўшиқ айтардик. Яхши кўшиқ айтган ижрочилардан иборат мазкур гуруҳ концертида бошловчилик ҳам қилардим, кўшиқ ҳам айтардим. Ушбу

концертларда халқнинг меҳрини қозонган бўлсам керак, газета ва журналларда мен ҳақимда «Хушовоз хонанда, Наманган булбули Мамлакатхон Мамаджонова» деб мақолалар эълон қилинганди.

— Санъат фидоийликни талаб этади. Санъаткор бўлишингиз оson кечмаган бўлса керак?

— Болалигимдаги кўшиқчи бўлиш орзуси мени Тошкентга бошлаб келди. 1974 йилда «Шодлик» ашула ва рақс ансамблига яккахон хонанда сифатида ишга қабул қилишди. Шерали Жўраев, Фуломжон Ёқубов, раққоса Дилафрўз Жабборовалар билан бирга ишлаганмиз.

Менга 1975 йилда Германиянинг Галли шаҳрида бўлиб ўтган III Халқаро «Дўстлик» ёшлар фестивалида қатнашиш насиб этганди. «Шодлик» ашула ва рақс ансамблига саралаб олинган биз 24 санъаткор Галли, Лейпциг ҳамда Берлин шаҳрида гастролда бўлиб қайтганмиз.

1977-1982 йиллар давомида Муқимий номидаги муסיқали драма театрининг республикамизнинг турли вилоятлари бўйлаб уюштирган гастрол сафарларида Ўзбекистон халқ артисти устозим Фароғат Раҳматова раҳбарлигида яккахон хонанда сифатида кўшиқ куйлаганман.

Жонли ижро этганимиз учун ҳам халқ севиб тингларди. Такрор-такрор бўлса ҳам ҳар сафар ўша жўшқинлик билан айтардик. Ёшлардан тортиб кексаларгача жуда қизиқиб кутиб олишарди.

(Ўзи ҳақида гапиришни унча ҳам хуш кўрмайдиган опамизнинг санъати турли даврларда давлат ва ҳукумат идоралари томонидан тақдирланган ёрликларга кўз югуртирганымизда, улар орасида ушбу гастрол чиқишларида хушовоз хонандамизнинг мафтункор чи-





қишлари томошабинлар томонидан ўзгача бир илиқлик билан кутиб олинганининг нишонаси сифатида бир қанча вилоят ҳокимликлари томонидан тақдим этилган фахрий ёрлиқларга гувоҳ бўлдик.)

Ҳозирги кунда энди санъатга кириб келган ёшлар дарҳол кўшиқларини ёздиришга ошиқишади. Ёшларимизнинг жонли ижрочилик қобилиятларини кучайтиришга кўпроқ эътибор бериш керак. Халқ, аввало, жонли ижрога қизиқиб концертга тушади. Ҳамма сизга қараб турса-ю, овозингиз бошқа томондан эшитилиб, номига лабингизни қимирлатиб турсангиз. Бу халқни алдаш эмасми?! Мен баъзан ана шу нарсаларга ачиниб, санъатни қадрлаш ўрнига таҳқирламаяпмизмикин, деб ўйлаб қоламан.

1982-1984 йиллар тақдир тақозоси билан Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радио комитетининг «Этнография» ансамблида яккахон хонанда бўлиб ишлаш ижодий фаолиятимда туб бурилиш ясади, деб айта оламан. Шу давр мобайнида Ўзбекистон радиосида ўндан ортиқ кўшиқларимни магнит тасмасига ёздиришга эришдим.

1987 йил Тошкент театр ва рассомчилик институтининг драма ва кино актёри ихтисослиги бўйича дипломинин олдим.

Ўзбек миллий мумтоз кўшиқларига бўлган меҳр-муҳаббатим туфайли устозим Ўзбекистон халқ ҳофиси Фаттоҳхон Мамадалиевнинг маънавий меросини ўрганишга интилдим.

— **Мамлакатхон опа, Сиз жуда катта санъаткорларнинг шогирди ҳамда улар билан бирга ишлаш бахтига муяссар бўлгансиз. Айтингчи, бунинг ижодингизда қандай ўрни бор?**

— Дарҳақиқат, Наманган мусиқа билим юртида ўқиб юрганимизда раҳматли Ўзбекистон халқ артисти Карим Мансуров, Бурҳон Юсупов ҳамда Толмас Ғафоровичдек ажойиб устозларимиз бор эди. Наманган мусиқа билим юртининг биринчи курсида ўқиб юрганимизда ансамбл ташкил этилганди. Ана шу ансамблда менга «Барно йигит» кўшигини айттиришган.

Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтидаги устозларим Сотимбой ака Турсунбоев, Нурхон опа Алиева, Тўлқин ака Қурбоннов каби

домлаларни ҳурмат билан тилга олгим келади. Булар ўқиш давридаги устозларим бўлса, иш фаолиятимдаги устозларимни ҳам ҳурмат билан эслайман. «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли раҳбари Ўзбекистон халқ артисти марҳум Ҳаким Нишоннов, машҳур бастакор Муҳаммадҷон Мирзаевлар билан ҳамкорлик қилиб, улардан сабоқ олганман.

Муқимий театрига ишга ўтганимдан кейин Ўзбекистон халқ артистлари Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Эътибор Жалилова, Турсунхон Жаъфарова, Фароғат Раҳматова каби устоз санъаткорлардан таълим олганман. Шунингдек, радиода ишлаганимда Ўзбекистон халқ артистлари Ориф Алимаҳсумов, Коммуна Исмоилова, Берта Давидова, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Эсон Лутфуллаев, Фаттоҳхон Мамадалиев, бастакорлар Ориф Қосимов, Мағниёз Юсупов каби устозлардан сабоқ олганимдан мен жуда бахтиёрман. Хуллас, юқорида тилга олган ва олмаган устозларимнинг ҳар биридан санъаткорнинг ўзи ҳамда сўз устида ишлаши, саҳнада ўзини тутиши каби санъатнинг нозик қирраларини ўрганганман десам хато бўлмайди.

— **Ўзингиз ёқтириб ижро этган кўшиқларни санаб ўтсангиз. Қайси кўшиқларингиз мухлисларингизга кўпроқ манзур бўлган?**

— Айтган кўшиқларимнинг барчасини яхши кўраман. Лекин шу билан бирга энг зўр кўшиқларимни ҳали айтганим йўқ деб ўйлайман. 1982 йилда Ўзбекистон халқ артисти Ориф Алимаҳсумов раҳбарлигидаги этнография ансамблида айтиб олтин фондга ёздирган «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонидан «Озод қил» ҳамда Ҳабибий сўзи билан айтиладиган «Кўзгалур» кўшиқларим мухлисларга кўпроқ манзур бўлган шекилли, қаерга бормай, мазкур кўшиқларни айтиб беришни сўрашади.

— **Бугунги кун миллий мусиқа маданиятимизни эстрада йўналишига тасаввур этиб бўлмайди. Бу борадаги қарашларингизни билмоқчи эдик.**

— Мен эстрада кўшиқларини жуда яхши кўраман. Ботир Зокиров миллий эстрада кўшиқларини айтиб чиққанида биз ёш бола эдик. Телевидение, радио орқали ҳавас билан тинглар эдик.

Ҳозирги кунда эстрада йўналишида ижод этаётган баъзи йигит-қизларимиз кўшиқларини яхши кўриб эшитаман. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Озодбек Назарбековнинг кўшиқлари менга жуда ёқади. Мусиқалари, айтиш оҳанги, овози ҳар жиҳатдан тингловчига ёқимли. Шунингдек, Равшан Комилов, Фиёс Бойтоев каби хонандалар ҳам эстрада йўналишида миллий кўшиқларни маромига етказиб айтишади. Ҳозир ёшлар орасида Сардор Раҳимхон яхши кўшиқлар куйлаяпти. Лекин, шу билан бирга, афсуски, сўзларни бузиб талаффуз қилиб, нима деяётганини ўзи ҳам бил-

**Мамлакатхон! Менинг ҳақиқий дўстим, айрим шеърларимнинг лирик қаҳрамони. Унда ҳамма нарса самимий, энг муҳими юрак бор!!!**

Ўзбекистон халқ шоири  
Муҳаммад Юсуф



май, қўшиқ айтаётган айрим санъаткорлар ҳам йўқ эмас. Шунингдек, уларнинг баъзан сўзларни бир неча бор такрор-такрор айтиб, тингловчи меъдасига тегаётганига нима дейсиз?! Халқнинг олдида чиқишдан аввал етук шоир ва композиторлар билан маслаҳатлашиб, ҳар бир қўшиққа «оқ фотиҳа» олиб чиққан маъқул эмасми.

— *Узоқ йиллик катта тажрибага эга эканлигингизни эътиборга олиб, шуни сўрамоқчи эдим. Муסיқа санъатининг ёшлар маънавиятига қандай тарбиявий аҳамияти бор деб ўйлайсиз?*

— Модомики, бу йил ҳукуватимиз томонидан “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинган экан, миллий муסיқа санъати соҳасида “Устоз-шоғирд” тизимига катта эътибор бериш керак деб ўйлайман. Қолаверса, Президентимиз Ислоҳ Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида бу масалага алоҳида тўхталиб, Муножот Йўлчиева мактабини яратиш талаб ва таклифини ўртага қўйганлари бежиз эмас.

— *Бугун қандай ижодий ишлар билан бандсиз? Ёхуд келажакдаги режаларингиз?*

— Мустақилликдан кейин яратилаётган ижодий имконият ва эркинликлар кўпчилик санъаткорлар қатори мени ҳам илҳомлантириб, янги парвозлар, ютуқлар сари ундамоқда.

— Режаларим кўп ва катта. Бу ҳозирча сир бўлиб қолишини истайман. Амалга ошгандан кейингина улар ҳақида гапирган маъқул. Шуни айтиш мумкинки, ҳозир ҳам санъатдан бир дақиқа бўлсин узоқлашган эмасман. Уйда қўшиқлар устида ишлаб, ижод қилмоқдаман.

— *Мухлисларингизга тилакларингиз.*

— Мен ҳалоллик, тўғрилиқ, гўзалликни яхши кўраман, қолаверса, атрофимдаги дўстларимда ҳам шу хислатлар мужассам бўлишини истайман. Ҳаммага яхшилик тилайман. Зотан, кўнглимнинг яхшиликдан ўзга тилаги йўқ.

— *Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат. Сизни тахририятимиз, қолаверса, барча мухлисларингиз номидан шу кунларда нишонлаётган таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ҳамда келгусидаги режаларингиз амалга ошишини тилаймиз.*

Суҳбатдош: Шермурод СУБҲОН

# РЕЖИССЁРЛИК — СЕРСИНОВ ҚИСМАТ

*Муқимий номидаги  
ўзбек давлат муסיқали театри  
Бош режиссёри билан суҳбат*

XXI юз йилликда башар аҳли юрагининг тўридан жой олган театр санъатининг “қундош”лари ёнига ахборот-коммуникация тизими, яъни интернет ҳам қўшилди. Бир неча минг йиллик давр ичида инсон юрагига энг тез ва салмоқли таъсир воситаси актёрнинг юрак-юрагидан чиқаётган нутқ бўлса, XX аср режиссура асри бўлди. Инчунин, оташин нутқни аудиторияга тўғри йўналтириш, керак бўлса, “тизгинлаш” зарурати туғилди. Не-не ном қозонган жаҳон театрларида ижодий бошқариш жараёни режиссёр қўлига ўтди.

Ўзбекистонда ҳам Маннон Уйгур, Етим Бобожонов, Тўла Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев ва бошқа режиссёрлар ўзбек театр санъатига режиссура имлосини олиб кирдилар.

Бугунги кунда республикаимизда муסיқали драма санъатининг лабораториясига айланган Муқимий номидаги ўзбек давлат муסיқали театри янгича ифода усуллари излаш, давр билан ҳамнафас бўлиш борасида изланишлар олиб бораёпти. Мазкур театрнинг бош режиссёри Гулруҳ Нажидова билан ижодий жараён тўғрисида суҳбатлашдик.

— *Гулруҳ, нисбатан ёш бўла туриб, катта режиссёрлар панжасига панжа урдингиз. Сизнинг бу борадаги дастурингиз қандай?*

— Мен болалар театрида ишлаш жараёнида ёш авлоднинг психологиясини ўрганиб, шунга амин бўлдимки, кичкинтойларга қуруқ насиҳатомуз спектакллардан кўра бевосита таъсирчан ва интригаси кучли асарлар зарур экан. Аслида фақат болалар учун эмас, ёши улуг томошабинларга ҳам қуруқ дидактиканинг кераги йўқ.

Диплом спектакли сифатида А.Обиджоннинг “Наврўз ва бойчечак” эртагини республика ёш томошабинлар театрида саҳналаштирдим. Спектакль маъқул бўлди шекилли, мени шу театрга ишга таклиф қилишди. Уч йилдан сўнг Сирдарё вилоят театрига бош режиссёрликка таклиф қилишгач, Гулистонга бориб 5 йил ишладим.

— *У театрда бош режиссёр сифатида бир неча йил ишлаб, ўнлаб спектакллар саҳналаштирдингиз. Албатта, вилоят ёки республика театри дейилганда, кўпроқ санъат даргоҳи жойлашган масканга қараб нисбат берилади. Ахир, қаерда жойлашганидан қатъи назар театр салоҳияти у ерда саҳналаштирилган*

**асарларнинг бадий жиҳатдан юксаклиги ва ижрочиларнинг истеъдодлари даражаси билан ўлчанади.**

— “Ролнинг катта-кичиги бўлмайди, актёрнинг катта кичиги бўлади” деган гап бор. Менинг бувим Офтобой Муродова худди мана шу Муқимий театрида чорак аср солист-вокалист бўлиб ишлаганлар. Ўшанда мен, суюкли неvara бувимнинг яхши маънодаги “думи” сифатида уларга эргашиб юрардим. Ўшанда, яъни уч ёшимда “Тошболта ошиқ”ни кўргандим ва Сойиб Хўжаев ижросидан гоят таъсирланганман. Бундан ташқари бошқа ўнлаб спектакллари қайта-қайта томоша қилганман. Ўшанда актёр бўламан деб кўнглимга тугиб қўйдим. Мактабни битиргач, театр санъати институтига ҳужжат топшироқчи бўлганимда ота-онам “оёқ тираб” туриб олишди ва уларнинг хоҳишига биноан Тошкент Тиббиёт академиясининг жарроҳлик бўлимига ўқишга кирдим ва муваффақиятли битирдим. Сўнгра икки йил Тошкент шаҳар 16-касалхонасида жарроҳ бўлиб ишладим. Кунлардан бир кун газеталарнинг бирида театр санъати институтида олий режиссёрлик курси очилаётганини ўқиб қолдим ва ҳеч ким билан маслаҳатлашмай тўғри институтга ҳужжат топширдим ва имтиҳонлардан ўтиб бўлгач, бу ҳақда ота-онамга билдирдим. Энди мен оқу қорани кўриб, анча пишиб қолган эдим. Ҳаётини тажрибам борлиги учун спектакллар саҳналаштирганимда ҳар бир персонажнинг асарда кўрсатилмаган ҳаётини ҳам тасаввур қилиб чиқаман.

Гулистонга бориб 5 йил ишладим. Ўн иккита спектакль саҳналаштирдим. Театрни Тошкентга фестивалга олиб келдим. Кўйган спектаклларим ҳақида ижобий фикрлар билдирилди. Мен М.Худойкуловнинг “Ибтидо” драмасини саҳналаштирганимда драматургик режиссёр сифатида анча унсурлар топганман. Т.Маликнинг “Заҳарли томчи” драмасини саҳналаштирганимда Гулистон театрининг саҳнаси замонавий услубда қурилгани учун саҳнавий кенгликлардан унумли фойдаландим. Асар руҳини ифодалайдиган фожеавий жиҳатларни бўрттириш учун саҳнанинг ҳар қаричидан фойдаландим.

— **Гулистонда Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимовнинг “Бу чоллар ёмон чоллар” комедиясини саҳналаштирдингиз.**

— Бу спектакль Сирдарёда 30 мартга кўрсатилди. Ундан кейин Тошкентдаги республика театр фестивалида муваффақиятли намойиш этилди. Кўлаб театршунос ва мутахассисларнинг назарига тушди. Менинг назимда, бу асарнинг саҳна ҳаётида ҳали очилмаган жиҳатлари бордек туюлавергани учун уни қайтадан саҳналаштириш нияти пайдо бўлди. Уни Бухоро вилоят театрида жуда қисқа муҳлатда, 20 кунда саҳналаштирдим. Мен аввало, актёрларга импровизация учун имкон бердим. Шунинг натижасида актёрлар мириқиб ўйнашди. Спектаклга бир неча кун томошабинлар тирбанд бўлди. Лекин менинг кўнглимда яна бир армон пайдо бўлди. Чунки бу асарнинг тўла имкониятини очиш учун мусикавий талқинда гавдалантириш нияти туғилди. Шундан кейин ўзим бош режиссёр бўлиб ишлаётган Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали театрида “Бу чоллар ёмон чоллар” спектаклини саҳналаштирдим. Мен бу асар устида ишлар эканман, ўзим қўшиқ матнлари ёздим. Шоирликка даъвогар бўлмасам ҳам, асар муаллифи — оқсоқол шоир Охунжон акага маъқул бўлди.

— **Бу спектаклни бир неча марта кўрдим. Энг катта ютуғи актёрлар ансамбли яратилганидир. Турсун-**

**бой Пиржонов, Гулчеҳра Носирова каби актёрлар “чўмилиб” ўйнашган. Аслида режиссура турли ташқи “тарақ-туруқ”, ясама эффектлардан кўра актёрга сингиб кетгани маъқул. “Бу чоллар ёмон чоллар” спектаклида айнан ана шундай йўл топилган, яъни актёрларнинг берилиб ўйнаши эсда қоларли обр-разлар яратишига сабаб бўлган.**

— Бундан ярим аср бурун мусикали театрларда актёрнинг вокал имкониятлари, яхкахон ижрочилик, алоҳида мусикали ария ёки дуэтларга кўпроқ эътибор бериларди. Бугунги кун талаби шундаки, АҚШ, Европа ва Россия театрларида мюзикл саҳналаштириш урф бўлмоқда. Демак, театрда бугунги кунда мусиканинг роли кучайиб бормоқда. Мен Муқимий театрига ишга келганимда мусикали театрда ишлаш жуда маъсул-иятли эканини тушундим. Чунки бевосита сўз санъати, вокал, хор ва балет каби компонентларнинг қўшилишидан спектакль яратилади. И.Турсунов, Д.Зокированинг “Тузоқ” детектив мусикали драмасини саҳналаштирганимда, бу борада ҳам мусиқий талқин жуда муҳимлигини ўз тажрибамда синадим. Айрим танишлар мусикали театрда детектив асар саҳналаштириш мумкин эмас деган эди. Аммо мана, икки йилки бу спектакль муваффақиятли намойиш қилинмоқда.

— **Мусикали драма жанри синтетик компонентлардан иборат бўлгани учун ҳам агар жанрнинг бир томони оқсаса, спектакль яхлитлигига путур етмади. Шунинг учун ҳам мусиқий театрининг режиссура-сида алоҳида салоҳият, жиддий тайёргарлик ҳамда қўшимча компонентларни яхши билиш тақозо қилинади. Сизда мусика театрида ишлаш нияти қачон туғилган эди?**

— Инсон энг хурсанд пайтида, ғамгин чоғида ҳам қўшиқ айтиб юборади. Шунинг учун мусикали театрда ишлашнинг ўзига хос ижобий жиҳатлари бор. Агар торнинг керакли оҳангини топа олсангиз, кўнглидаги музлар эрийди. Худди шундай асарни тўғри ва юракдан саҳналаштиришга эришсангиз, мусикали драма драмдан таъсирли чиқиши аниқ. Кўйилажак спектаклларимда сўз, қўшиқ, рақс ва безаклар мутаносиблигига эришиш керак. Мусикали театрда ишлашнинг энг мураккаб жиҳатлари ана шунда. Хуллас, ҳали қилинадиган ишлар мўл.

Ҳассос шоир Рауф Парфининг “Санъаткор” шеърисида куйидаги мисраларни такрорлашни истардим:

**Парда туширилди,  
томоша тамом,  
Сиз бошқа тушларни  
кўрарсиз ухлаб...**

Аммо санъаткор қўйилган ва қўйилажак спектаклларининг қаҳрамонлари билан тақдирдош, суҳбатдош ва сирдош бўлиб яшайди. Саҳна салтанатининг сирли олами ана шунақа.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

Тўра МИРЗО суҳбатлашди





# ЭРКИН АЪЗАМ ҚАНДАЙ ЁЗАДИ?

*Етмиштадан еттитаси, еттитадан иккитаси...*

Эссе

Телевиденида «ўртаҳол» масъул ходим бўлиб ишлайдиган Азизбек бир кун гап орасида бундай деб қолди: «Иш ўрганиш учун йўлланма кўтариб студиямизга келадиган талабалар орасидан бўладиганини чамалаб кўраман-да, оғайни, Эркин Аъзамнинг ўнга ҳикоясини ўқиб келгин, кейин гаплашамиз, дейман, хотиржам бўл, ўқиш жойингга керакли қоғозни ёзиб, муҳрлаб берамиз. Келишдикми?.. Боёқиш ўйлаб туриб, Шукур Холмирозев ёки Алишер Ибодинов ҳикояларини ўқисам бўлмайми, деб сўрайди. Йўқ, дейман, айнан Эркин Аъзам ҳикояларини ўқиб келсан, бошқа ёзувчиларнинг ҳикояларини ўқиш-ўқимаслик мажбурий эмас, лекин буниси биринчи топшириқ. Ун кун вақтинг кетадими, ўн беш кунми, майли, муддатини ўзинг белгилайсан, дейман. Фақат экранда кўриниш, тележурналист бўлишни ният қилган талаба ҳам ноумид қолдирилмайди; унга лавҳа тайёрлағамиз, «юзочди» қиламиз. Бироқ, жиддий журналист бўлишни ният қилган талаба, аввало, матнни тўғри ёзишни ўрганиши лозим, сўздан ўз ўрнида фойдаланишни билиши шарт. Тўғри, ўзимиз ҳам «бадхатроқмиз» — чаласаводмиз, аммо маёқ сари интиламиз, зинҳор-базинҳор саробга қараб кетмасликка ҳаракат қиламиз».

Ёзувчи ҳикояларини ўқиб қайтган талаба билан бўладиган суҳбат бош қаҳрамон ёки ёш қаҳрамон тўғрисида эмас, муаллиф муайян матнда фойдаланган сўз ҳақида кечар экан: қайси жумлани таҳрир қилиш мумкин, қайси сўзни у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа олиб қўйиш мумкин?..

Азизбек билан тиришқоқ талаба ўртасида бўладиган суҳбатни тахминан кўз олдимга келтирдим. Яна ўйладимки, агар укүвли талаба топилмаса, хикоялар даярасида Азизбек ўзи билан ўзи суҳбатлашиб, қизгин бахслашиб ўтириши ҳам мумкин. Чунки қалами ёки тили тўмтоқ бўлиб қолишини истамаган истеълод эгаси ҳар кун сўз устида ишлаши керак. Бу иш қандай кечади? Ҳар кимнинг таби-табиати ҳар хил бўлади, демак, иш жараёни ҳам ҳар хил: кимдир ўзини қойил қолдирган сўз тагига чизик тортиб қўяди, кимдир ўша сўздан фойдаланиб тажриба ўтказлади — қоғоз қоралайди ва ҳоказо... Мухими — жараён тўхтаб қолмаслиги лозим.

Эсимда, Эркин Аъзамнинг матбуотда эълон қилинган бирорта янги ҳикоясини ёки нашр этилган китобини йўл-йўлакай Шукур Холмирозевнинг боғчасига ташлаб ўтардим. Орадан бир-икки кун ўтгач, яна боғкўчадан ўтиб қолсам, Шукур ака гулзорини чопиқ қилаётган ё дарахтлар орасида куймаланиб юрган

бўларди; зимдан қарасам, чехрасида табассум, ичида ўзи билан ўзи гаплашаётган бўларди. «Шукур ака, ички монологингизни қоғозга тушириб қўйсангиз бўлмайми?» дердим ҳазил аралаш. «Вай, қайдан билдингиз?!» «Ана, гулларингиз ҳам ҳаяжонланиб бош тебратяпти-ку! Эгасининг меҳри товланиб турмаганда булар ҳам тумтайиб оларди!» «Тўғри-тўғри, — дерди Шукур ака кўзлари намланиб. — Лекин мен мақтасам ўзидан кетиб қолмасмикан деб кўрқаман». «Оббо, топган гапингизни қаранг! Ахир, Эркин Аъзам ёш бўйдоқ эмас-ку! Қолаверса, Эркин ака сизнинг мақтовингизга жуда ҳам зор бўлмаса керак». Шукур ака бирдан тумтайиб оларди, бир юзу саксон даражага ўзгарди-қоларди. Бундай пайтда гапни қисқа қилиб жуфтани ростлаган маъқул.

Ўша пайтларда келтириб берганим «Пакананинг ошиқ кўнгли» китоби баҳонасида Шукур ака «Адабиёт» газетасида, янглишмасам, бир саҳифа мақола эълон қилган эди.

Менимча, танлаган мавзусига қарабгина ёзувчининг салоҳиятини, даражасини белгилаб бўлмайди.

Ўттиз-қирқ йил муқаддам Бойсунда ўрта мактабни битирган Гулсанам исмли қиз Тошкентга келиб ўқишга аҳд қилади. Унинг Бердибой деган тажангроқ акаси: «Тошкандда пишириб қўйган эканми?!» деб йўлини тўсмоқчи бўлади. «Сиз... ўтган асрдан қолган одамсиз, акажон!» деб ўз билганидан қолмайди ўжар сингил. Ориятли Бердибой ўз ёғига ўзи қоврилиб юраверади: «Ахир, шаҳар сенга аммангнинг уйими? Яхши бор, ёмон бор. Ёмон кўп! Кўза кунда эмас, кунда синади, сингил! Билиб бўладими, бўйни йўгон бирорта номард бошингни айлантурса... Фалокат босиб бирор лаънат орттирсанг-чи — иснод, етти пуштинга етадиган иснодга ботасан!.. Сингиллар ҳам шу яқин-атроф хеш-ҳамсояга узатилган бўлса — иссиқ-совуғу яхши-ёмон кун деган гаплар бор. Ў, қани бундай бўлса! Ана ўшанда меҳроқибат ҳам бошқача бўларди...»

Ўжар қиз эса икки оёғини битта этикка тикиб туриб олади. «Э-э, билганингни қил!» деб қўл силтайди қолюқ ака.

Олтиариқлик Маъсума эса, ғойибона бўлса-да, айнан Бердибойнинг кўнглидаги сингил бўлиб чиқади. У куёв танламайди: «Бир вақтлар қалбининг тубида туғилган жингалак соч, келишган зиёли йигит — Маъсума билан боғларда қўл ушлашиб сайр этиши керак бўлган йигит қалбининг ўша ерида ўлиб, дафн этилган эди... Ўн саккизда уни Ражабойга беришди... Маъсума ўн олти ёшлигида хаёлида чизган йигитдан унда бир нарса — жингалак соч бор эди. У Маъсумани яхши кўрар,

истакларини бажо келтирадди. Китобларни ҳам у олиб келарди. Маъсума баъзан ёзган шеърларини Ражаббойга кўрсатар, у мийиғида кулиб қўя қоларди». Сиртдан қаралса, ширингина оилавий ҳаёт бир маромда давом этарди. Аммо, кўза кунда эмас, кунда синади. Бир кун даладан ўт юлиб келиш Маъсуманинг эсидан чиқади, мол-қўй оч қолади. Маъсума эрига янги ёзган шеърини тўхфа этмоқни кўнглига тугиб, оқшом чўкишини сабрсизлик билан кутиб ўтиради. Ражаббой қоронғи тушганда ҳовлига кириб келади: «Падарингга лаънат сендақа хотиннинг! Сигир очдан ўлай деб қопти! На ўт юлибсан, на уйдан бирон нима топиб солибсан! Дўмпайиб ётишингни қара!» дейди ғазабланиб.

Маъсуманинг кўнгли шишаси чил-чил синади. Агар воқеалар ривожини ғойибона давом эттирилса, келинчақ ҳалемай ҳомилдор бўлади, кейин дард-аламини ичига ютиб яшай бошлайди ёки эри билан ажрашади. Ажрашмас керак. Агар ажрашса, битта боласи билан кимга тегади? Хўп, хотини ўлган бирорта эркак топилиб қолар, лекин у ҳам сигирнинг оч қолишини асло истамайди-да!

Бойсулик Гулсанамми, олтиариқлик Маъсумами ёки сайрамлик Шоҳсанамми, аравонлик Гуласалми, бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Журғофий макон ўзгариши мумкин, замон ўзгариши мумкин, ҳатто қаҳрамонлар ўзгариши мумкин. Лекин кун тартибда турган муаммо ўзгармайди: инсоннинг қадр-қиммати топталган жойда, инсоннинг хоҳиш-истаги бир пулга қиммат бўлган жойда ҳузур-ҳаловат бўлиши мумкинми? Маъсумага ўхшаб тақдирга тан бергандан кўра, Гулсанам каби фақат феългана эмас, ўзгинаси ҳам бузилиб кетгани афзал эмасми?..

Гап ҳозир қанақа мавзунини ёритиш, қандай муаммонини кун тартибига қўйиш тўғрисида кетмайпти. Албатта, мавзу ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аммо қандай ёзиш керак деган гап бирламчи аҳамиятга эгадир. Нимани ёзишни билиш баробари қандай ёзишни ҳам билмоқ керак.

Муайян бир асарда кўтарилган муаммо ёзувчи томонидан ногўғри ҳал этилган бўлиши мумкин. Муаммо (конфликт) ечимини тўғри топиш юз фоиз ёзувчининг зиммасига юклатилган вазифа эмас, ўқувчига ҳам «уйга вазифа» қолдирилиши лозим.

Хўш, Эркин Аъзам қандай мавзуларни танлаб олади?

Ёсингизда бўлса, Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбек характери» деган ҳикояси бор. Унда ўзи емасдан, болаларига ҳам едирмасдан меҳмонларни зиёфат қилган камбағалгина ўзбек оиласи ҳақида гап кетади. Ёзувчи гўё меҳмондўстликни улуғлайди. Аслида, Шукур аканинг ўзи бундай зўра-зўракиликни ёмон кўрарди; «қандай бўлсанг шундай кўрингин, қандай кўринсанг шундай бўлгин» деган ақида тарафдори эди. Ўша ҳикояда ҳам худди шундай «нимкоса» бор.

Маълумки, водийча меҳмондўстлик тўғрисида кўп гапирилади. Бу бежиз эмас, ҳақиқатан ҳам шундай. Лекин баъзан ҳаддан ташқари одоб ҳам, эҳтиром ҳам кишини ўртаб юборади, энсани қотиради.

Шу тобда қирқ йилдан буён қалам аҳли орасида оғиздан оғизга кўчиб юрадиган битта воқеа эсимга тушиб қолди. Шўро даврида донг таратган хўжалик раисининг уйига уч-тўрт киши оқшом чоғи меҳмон бўлиб боради. Меҳмонлар орасида республика газетасининг мухбири ҳам бор. Хонадон соҳиби дарҳол кўй сўйдиради, Қўқондан эл назарига тушган хонандани олдириб келади. Давра кенгайиб кетганини баҳона қилиб зиё-

фатни хўжалик боғида давом эттиради. Ўйин-қулги, аския авжига чиқади. Вақт алламаҳал бўлганда мезбон узр сўраб, уйига кетади. Маст-аласт меҳмонлар эрталаб уйгонса, хизматкорлар хийла маъюс торган, магнитофон ҳам, радио ҳам ўчирилган, ҳамма оёқ учиди юрибди. Меҳмонлар ювиниб-тараниб нонушта қиладилар. Сўнг меҳмондўст, қўли очик раисни сўрайдилар. «Кеча кечаси кампир оналари бандаликни бажо келтирган эди, ҳозир жанозада мотам тутиб ўтирибди», деб жавоб беради хизматкорлардан бирови одоб сақлаб. Албатта, меҳмонлар ҳам жанозага боради, азадордан кўнгли сўрайди. Тошкентга қайтганларидан сўнг водийча меҳмондўстлик тўғрисида тўлқинланиб гапириб юришади. Ўша хангомани ўзим ҳам бир неча марта эшитганман, уни Эркин Аъзам ҳам эшитган.

— Бунинг нимаси меҳмондўстлик?! Ахир, раис меҳмонлар орасида мухбир борлиги учун, мухбирдан кўрққани учун зиёфатни куюқ қилади-ку! Қолаверса, дунёда онадан азизроқ зот борми? Онаси уйда ўлиб ётган бир пайтда қайси аҳмоқнинг кўнглига зиёфат сигади?! — деб жиғибийрон бўлади Эркин ака.

Шунга ўхшаган яна бир воқеа бор.

Ёши улуг санъаткорлардан бири «Тафаккур» таҳририятига «ташриф буюриб», машҳур ролларни ижро этган устози тўғрисида тўлқинланиб гапириб беради. Гапираётиб ўзи ҳам ролга кириб кетади.

— Шошманлар, мен сизларга битта воқеани айтиб бераман, — дейди терлаб-пишиб. — Устознинг биттаю битта, суюкли фарзанди бор эди. Ўша фарзанд оғир касалга чалиниб қолди ва бир оқшом вафот этди. Ўчакишгандек, айнан ўша оқшом устоз театрда бош ролни ижро этишлари лозим эди. Билетлар сотилган, томошабинлар тўпланган. Устоз сир бой бермасдан театрга боради, грим қилади, саҳнага чиқиб ролни ўйнайди. Спектакл тамом бўлгач, гримхонага киради ўкириб йиғлаб юборади. Сабаби сўраб-суриштирилса, боғи аҳвол маълум бўлади... Ана, санъатга фидокорлик! Ана, саҳнага садоқат!

Артистнинг ҳис-ҳаяжони бир оз босилгач:

— Кечирасиз-у, устозингизнинг ўша спектаклда дублёр-ўринбосари йўқмиди? — деб сўрайман энсам қотиб.

— Йўқ, устоз ўзига дублёр тайёрламасди. Чунки дублёр тайёрласа, ўзингиздан қолар гап йўқ, шогирди ўша ролни тортиб олиши мумкин. Театрда ҳам ўзига хос рақобат бўлади...

Эркин ака гапни дарҳол бошқа ёққа буриб, меҳмонга чой қуйиб узатди.


Меҳмон кузатилгач, Эркин ака бош чайқаб:

— Бу одам устозини ростдан ҳам яхши кўрадим, уни ҳурмат қиладими ўзи? Анави гапларни билмасдан айтиб юбордим ёки билиб гапирдим? — деб сўради.

— Риторик савол беряпсизми?

— Қўйсангиз-чи! Шу тобда риторикага бало борми? Афсуски, ёши улуг санъаткор ҳамма гапни сидқидилдан айтган эди.

Хўш, Эркин Аъзам «водийча меҳмондўстлик» тўғрисида ёки «санъатга садоқат» ҳақида ҳикоя ёзиши мумкинми? Ҳа, ёзиши мумкин. Лекин талқинни бир юзу саксон даражага ўзгартириб юборган бўларди. «Мумкин» деган мавҳум сўздан фойдаланиб, дарҳол изоҳ беришга шошиляпман: «мумкин» эди, лекин асло ёзмасди. Эркин Аъзам зийрак ўқувчининг ҳам ақли етадиган гаплардан муаммо ясаб, ҳикоя ёзиб ўтиришни ўзига эп кўрмайди.



*Колумн АСоммоев маърифату*



# Ўзбекистон спортчи

*Шу йилнинг апрел ойида Қувайтда Лондон паралимпия ўйинларига рейтинг очколарни берувчи дунё паралимпиячилари ўртасида енгил атлетика бўйича Очиқ халқаро турнир мусобақалари бўлиб ўтди. Ушбу турнирда 12 давлат паралимпиячилари иштирок этишди. Улар орасида Республикамиз паралимпиячилари ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Ядро ирғитиш мусобақаларида Хуснитдин Норбеков, Нарзибек Шарипов, Мирзоҳид Шароповлар олтин, Юсуф Қодиров кумуш, Азиз Усмонов, Фазлиддин Ҳайдаров, Холмурод Мўминовлар бронза медалларини қўлга киритишди. Шунингдек, найза улоқтириш мусобақаларида Хуснитдин Норбеков кумуш ва диск улоқтириш мусобақаларида Юсуф Қодиров бронза медалига сазовор бўлишди. Олис Қувайтда байроғимизни баланд кўтариб, ғолиб бўлган паралимпиячиларимизга яна янги-янги омадлар тилаймиз.*



Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида қишлоқдаги мактабимизнинг кунботар томонида учбурчак шаклида экилган уч туп каттакон тол бўларди. Учинчи синфда ўқийдиган ўн беш бола танаффус чоғлари Чигитариқдан ҳатлаб ўтиб атай ўша толнинг катталигини ўлчаб кўрардик: бир-биримизнинг қўлимиздан ушлаб давра бўлсак ҳам толга қулочимиз етмасди. Тол остида темирчининг пастқам устахонаси жойлашган эди. Темирчи ўчоғида доим кўмир лангиллаб турар, сандонга урилаётган болга товуши мактабдан ҳам эшитиларди. Темирчининг юзлари қип-қизил бўлиб, шоп мўйлови бор эди. Биз атрофида ўралашиб қолсак: «Нарироқ турунлар, кўзларингга учқун тегмасин», дердию ишини давом эттираверарди. Узоқ-яқиндан чавандозлар келиб отларини тақалатиб кетарди, баъзан эшакларга ҳам тақа қоқаётганини кўрардик. Уста белкурак, кетмон, оташкурак ва бошқа рўзгорбоп буюмлар ясарди. Хуллас, қишин-ёзин қандайдир юмуш билан овора эди. Олтмишинчи йилларнинг охирларига келиб жамоа хўжалигида тракторлар кўпайиб қолди, қишлоқ газлашди. Шундан сўнг темирчига тушиб турадиган буюртмалар ҳам камайиб кетди. У кўпинча тол соясига шолча ташлаб, бошини қўлига тираб ёнбошлаганча хаёл суриб ётарди. Аҳён-аҳёнда чавандозлар отларини тақалатгани келиб қолмаса, уста уззу кун хаёлга ботиб ўтираверарди. Кейинчалик у оиласи билан қаергадир кўчиб кетди. Чамамда, темирчиликдан бошқа иш қўлидан келмасди. Шу боисдан ҳунарига аҳтиёжманд жойларга кўчиб кетган бўлса керак. Қаранг, ҳунар кишининг киндик қони тўкилган жойидан ҳам азизроқ экан...

Кўпинча уста ёзувчиларни заргарга ўхшатадилар. Хусусан, атоқли таржимонимиз Низом Комил адабиётимизда ўчмас из қолдирган Абдулла Қаҳҳор тўғрисидаги мақоласини «Темирчининг заргар ўғли» деб номлаган эди. Низом Комилга ҳеч қандай эътирозим йўқ. Лекин, менимча, сўз қадрини биладиган ёзувчи кўпроқ темирчи устага ўхшаса керак. Аҳтимол, Абдулла Қаҳҳорнинг отаси темирчи бўлгани учун ҳам машаққатли меҳнат муҳитида вояга етган ўғил келажакда «заргар» ёзувчи бўлган. Ҳартугул, ёзувчилик ҳунари кўп фойда келтирадиган заргарликдан кўра кўпроқ машаққатли меҳнат талаб қиладиган темирчиликка ўхшайди. Бу иш нечоғлиқ машаққатли эканини Устани яқиндан кузатган ёки унга шогирд бўлиб кўрган одам яхши билади.

Дунё адабиётининг хазиначиси Антон Павлович Чехов: «Мен, хоҳласам, бўсахонада лойга ботиб ётган этик тўғрисида ҳикоя ёзиб беришим мумкин», деган экан. Дарҳақиқат, А.П.Чехов этик тўғрисида ажойиб ҳикоя ёзиб беришга қодир эди. Ўйлайманки, Эркин Аъзам ҳам «оғзи» очилиб қолган шиппақлар тўғрисида нордонгина ҳикоя ёзиши мумкин, лекин ёзармикан?..

Эркин Аъзам ишхонада, уйдаги иш кабинетида доим сигарет тутунига ботиб ўтиради. Қўл остида турган вараққа тикилиб ўйлангани ўйланган:

«Жувон қанчалик енгилтак бўлмасин, Бадалнинг қочирғини тушунди».

Бу жумлага тикилиб нимани ўйлаш мумкин? Тўғрику, нимаси хато экан?

- Енгилтак одам қочирғини тушунмайдими?
- Тушунади.
- Бўлмасам, ёзувчи нега бундай ёзаяпти?

— Тушунмайди деб ёзаётгани йўқ-ку, «тушунди» деб ёзаяпти.

— Шунақами?.. Бу гапдан ё «енгилтак»ни йўқотиш керак, ёки «тушунча»дан воз кечиш керак. Чамаси, муаллиф «енгилтак» сўзини «дурочка» маъносида ишлатаяпти, лекин матнда кўзланган маънони бермаяпти.

Эркин Аъзам ҳамиша излайди, ўйлайди ва топади. Лекин ниманинг эвазига топади? Ўпкасини қурум бостиради, юрагида санчиқ пайдо қилади.

Бундан ташқари, Эркин Аъзам учун мутолаа ҳам кони азобдан иборат: «Менинг икки опам уруш даврида Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган эрларига садоқат сақлаб, бошқа турмуш қуришмади».

Аслида ғализроқ, очеркбоп бу жумлада дастлаб, «бўлган» сўздан кейин, ҳойнаҳой, вергул тушиб қолган бўлса керак, деб ўйлайди. Гапнинг давомини ўқиса, «опалар» эмас, поччаларнинг ҳалок бўлгани маълум бўлади. Агар уруш даврида Ватан ҳимояси йўлида «опалар» ҳалок бўлганда-ку, ҳикоя фавқулодда ҳодисага бағишланган, дарҳол ўқувчининг диққатини жалб этган бўларди. Умуман, бадиий асар кунда рўй бериб турадиган воқеа-ҳодисаларга эмас, камёб ҳодисаларга бағишланиши лозим. Адабиётнинг қонуниятларидан бири ҳам шунда.

«Эшик шовқинсиз очилгандаёқ қуш уйқусида ётган йигит чўчиб уйғонган эди».

Демак, парда қимирлаган ёки эпкин юзини сийпалаб ўтган. Бу ерда ҳеч қандай «шовқин» йўқ, йўқ нарсага эътибор шарт эмас, йўқ нарса хаёлга ҳам келмайди. Агар жуда ҳам эшикдан шовқин чиқмаганига диққатни жалб этиш лозим бўлса, эшикнинг ошиқмошиғи мойланган эди, деб изоҳ бериш зарур.

«Бир жуфт эр-хотин мусича...»

Мусича эр-хотин бўлмайди, жуфт бўлади. Агар жинсига алоҳида эътибор бериш лозим бўлса, мусичанинг макиёни билан хўрозини фарқлаб турадиган ташқи кўринишига оид бирорта белги қайд этилиши керак.

«Пишиллаб ухлаб ётган тўрт яшар Эркин...»

Бола ухлаб ётибди, ҳали ҳеч ким уни уйғотиб, «ёшинг нечада?» деб сўрагани йўқ. Шундоқ экан, боланинг тўрт яшар эканини қаердан биламиз? Сиртдан қаралса, уч-тўрт яшар эканини пайқаш мумкин, лекин қатъиян «тўрт яшар» дейиш учун аниқ далил-дастак бўлиши зарур.

Илгари ўрта мактабларда иншо ёздирилса, «саводхонлик» ва «мазмун» учун алоҳида-алоҳида баҳо қўйиларди. Агар ўша тартиб қаламқашлар орасида ҳам жорий этилса, саводхонлик учун ҳалол «қониқарли» баҳо оладиган ёзувчи жуда кам чиқади. Мазмунни-ку қўлига қалам олган одам у ёқдан-бу ёққа тортқилаб эпқага келтириши мумкин, аммо саводхонликни маош олиб қўлэзма устида ишлайдиган муҳаррирлар ҳам эпқага келтира олмайди.

Айрим ҳикоялар сариқ, қизил рангли пуфакка ўхшайди. Ичига ҳаво тўлдириб шишириб қўйилган. Муаллиф ўқувчига сариқ пуфакни кўрсатиб: «Бу тонг чоғи тоғлардан мўралаб бош кўтараётган қуёш», дейди. Сўнг қизил пуфакни кўрсатиб: «Буниси заволга оғиб бораётган офтоб», дейди. Рамзий маънода сариқ пуфакни эзгулик тимсоли, қизил пуфакни эса ёвузлик тимсоли сифатида талқин этади. Эзгулик кўкларга кўтарилари, ёвузлик зулмат қаърига киритиб юборилари. Қарабсизки, лақма кўнгилда тўй-томоша бошланади:

«Сой бўйида мажнунтол ажаб-ажаб,  
Сочларини ёйибди ажаб-ажаб...»

Эрта тонгда ёвузлик тимсоли этиб талқин этилган «қизил» кўёш заррин нур сочиб тоғлардан бош кўтариб балқиб чиқса, кечаси пуфакларни бошига кўйиб ухлаган болакай ҳайрат бармоғини тишлаб: «Воҳай бола, ёвузлик ҳам эзгулик каби кўринаверар экан-ку!» дея чинқириб йиғлай бошлайди.

Афсуски, ҳикоя тўй-томоша билан яқунланган, муаллиф эса ишонувчан ўқувчини қандай юпатиш чорасини кўрмаган бўлади. Ҳикоя қолипига сиғмай қолган ҳаёт шўринг кургур муаллифни асло қизиқтирмайди.

Ҳикоя нуқсонни нималарда кўринади? Аввало, кўёш мангулик тимсолидир, уни эзгуликка ҳам, ёвузликка ҳам ўхшатиб бўлмайди. Чунки эзгулик ва ёвузлик тушунчалари нисбий ҳисобланади. Нисбий тушунчалар эса Одам боласи ўйлаб топган «илмий ривоят», холос. Кўёш ҳаёт тимсоли, ҳаётда эса эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам ёнма-ён яшайди. Эзгуликни кучли-қудратли, ёвузликни кучсиз-нотавон тасаввур қилиш ҳаётни жўнлаштиришдан бошқа нарса эмас. Ҳаётда кўпинча буларнинг акси бўлади. Шу боис ўқувчини ҳаёт ҳақиқатига тик қараб мардона ҳаёт кечиришга даъват этган маъқул кўринади:

*«Мажнунтол остига ўтқазинг мени,  
Мен учун йиғласин,  
Мен йиғлаб бўлдим...»*

Донишманд Миртемир оппоқ бошини чангаллаб мажнунтол остида йиғлаб ўтирибди, у муқом қилиб рақсга тушишни хаёлига келтираётгани йўқ. Мардона яшаган зот ҳаёт билан мардона видолашади.

Хулосавий ҳақиқат шундан иборатки, ижодкор ўзида йўқ нарсаларни бошқаларга ўргата олмайди. Қолаверса, ижодкорнинг вазифаси фақат «ўқитувчилик» қилишдан иборат эмас. Ҳаётни имкон қадар бор бўйича кўрсатиб-тасвирлаб берса ҳам жуда катта гап.

Яқинда роппа-роса етмиш-кетмиш ижодкорнинг ҳикояларидан иборат салмоқли тўплам нашр этилди. Китобхон сифатида мен бундай тўпламларни харид қилмайман, фақат ўзим ёқтирган адибларнинг китобларини алоҳида-алоҳида сотиб оламан. Лекин умумий тасаввур ҳосил қилиш учун ёки умумий тасаввурни «аслига тўғрилаб олиш» учун бундай тўпламларни ҳам мутолаа қилиш керак экан. Мутолаадан сўнг ўзимча хомчўт этиб кўрсам, дунёдан ўтиб кетган улуғ устозларимизни истисно қилганда, етмиштадан еттитагина том маънода саводли ёзувчи бор экан. Бу ерда имло саводи тўғрисида эмас, адабий савод — адабий савия ҳақида гап кетаётгани ўз-ўзидан тушунарли бўлса керак. Ўша гал-вирда қолган еттита ёзувчини ҳам хаёлан Эркин Аъзамнинг назаридан ўтказиб кўрсам, ишонасизми-йўқми, иккита ёзувчи қолди! Иккинчи ёзувчининг ҳикоясини синчиклаб ўқиб қарасам, анча-мунча жойига қалам уришга тўғри келди, таҳрирбоп ўринлари кўп экан. Охирикўбат биттагина ёзувчи қолди, холос.

Жин урсин, Азизбек ҳам адабиётни балодек тушунар экан-ку!..

Деразага тикилиб кўчадан биров келишини кутиб ўтирган одамга эса Вақт бир жойда тўхтаб қолгандек туюлади. Кимнидир, ниманидир интизор кутаётган одам Вақтни жонлантириб, уни битта-яримта эзма махлуқ йўлида тўхтатиб қолган бўлса керак, деб ўйлайди. Ваҳоланки, бизнинг Вақт тушунчамиз ҳам, масо-

фа ёки тезлик ҳақидаги тушунчамиз ҳам нисбийдир. Биз бир жойда михланиб ўтирган чоғимизда Ер шари — Она сайёра бир сонияда (кўз очиб юмгунча) салкам ўттиз минг чақирим масофани босиб ўтади. Бир йил давомида Кўёш атрофида парвона бўлиб юрадиган Ер 149,6 милён чақирим масофани босиб ўтиб, шамсия йил ҳисоби бўйича Наврўз бўсағасига етиб келади. Ер фақат Кўёш атрофида айланмайди, ўз ўқи атрофида ҳам айланади, кеча ва кундуз шу айланиш натижасида содир бўлади. Бир йил бадалида Ер қанча «йўл юради»? Бир мучал давомида босиб ўтилган йўлни узунасига ўлчаб бўладими? Беш мучал масофани узунлик бўйича ўлчаш керакми ёки тезлигини ҳисоблаб чиққан маъқулми? Балки, рақамларни абжадга ағдариб («син» — У) арабий имлода таърих қулфини ясаб, калитини белбоққа қистириб юрганимиз жўяли кўринар... Нима бўлганда ҳам от айланиб қозигини топади, Ер беш мучал айланса ҳам барибир ҳар йили Наврўз остонасидан бир марта ҳатлаб ўтади. Наврўздан сўнг қиш бўлмас, у ёғи баҳор. Дўппини бир айлантиргунимизча баҳор ҳам ўтади, ёз бошланади. Роҳатибадан энгил кийимларга, шиппақларга эҳтиёж пайдо бўлади. Асад ойида офтобнинг тафти авж нуқтада муаллақ бўлиб туриб қолади. Узум пишади, пишиқчиликни кўриб кўзларимиз тўяди. Кейин ариқларда сувлар тиниқлашиб сунбула бошланади. Сунбуладан сўнг мезон. Мезондан сўнг ёз бўлмас... Шукрки, мезонгача анча бор. Олдин асадга кириб борамиз. Асад пишиқчилик мавсумининг ўртаси ҳисобланади, гўё умрнинг ҳам ўртасига ўхшайди. Асад — шайин, тарозининг шайини. Бир палласи баҳорга тобин, бир палласи кузга тобин. Кузга тобин палла охир-оқибат оғирлик қилади. Вақтни тўхтатиб бўлмайди. Хазон фасли бошланади ва беихтиёр Бобуршоҳ боғларда хазон фаслига ноҳос йўлиқиб чоғир базминни ихтиёр этиб, бор дунёни унутмоққа ҳарчанд уринганини есга оламиз. Кошкчийди, одам ўзини унутар даражада маст бўлиб Вақтни тўхтатиб қолишнинг уҳдасидан чиқса! Азим чинор шохларидан чирт-чирт узилиб тўкилаётган заъфарон япроқлар, жажжи қизалоқнинг сочлари мисоли турмаклаб айвон шифтга осиб қўйилган пиёз боғламлари аллақачон куз келганидан дарак бераверади. Илиги тўқ одам, бағри бутун одам хазон фаслидан асло кўрқмайди, қаҳратон совуқларидан ҳам кўрқмайди. Боз устига, уйга сандал қуриб «Алиф лайло ва лайло» эртақларини ўқиб ўтирадиган пайт келгунча ҳали анча бор. Ҳозир эса ғаллазордаги алмисоқдан қолган, титиғи чиқиб кетган, бошидан телпаги тушган, иштонсиз ёғочоёқ «қоровуллар»ни кўриб шунчаки қулибгина қўйиш мумкин...

Яна сарлавҳага чиқарилган саволга қайтаман: Эркин Аъзам қандай ёзади? Бу саволга узил-кесил жавоб бериб бўлмайди. Негаки, адабиёт бир жойда тўхтаб қолмаганидек, Эркин Аъзам ҳам бир жойда депсиниб тургани йўқ. У доим ҳаракатда: ўйлайди, излайди, топади. Топиб ўрни-ўрнига қўйилган сўзлари ҳам мустақил ҳаракатини бошлайди. Бу сўзлар бизни-да ҳаракатга келтиради: ўйлашга, излашга, топишга ундайди. Уйлайманки, ўзбекча ёзишни истайдиган қаламкаш юз-юз эллик йилдан кейин ҳам Эркин Аъзам асарларига қайта-қайта мурожаат этаверади. Чунки у битта, биргина нусхада, холос.

Дарвоқе, қишлоғимиздаги темирчи ҳам ёлғизу ягона эди.

**Набижон БОҚИЙ**



## Кимни излаб йўлга чиқдинг?!

### БЕХУДЛИК

(Шоир Саъдулла Ҳакимга)

Нечун яна бўм-бўш юрагим?  
Ломакондай тоза. Губор йўқ.  
Ай бағрим, ичингдан сўрагин,  
Надир у — ичимдан нураган?

О, менинг ол қоним, намунча  
Инграндинг, бўғзимга тиқилдинг?  
Ким сени бу ҳолга солгучи,  
Нечун мен жимликка йиқилдим?

Жимжитлик эдими тилагинг?  
Унда нечун сало аҳдинг йўқ?  
Кимди?.. Ҳув солланган кўлага,  
Турқи бунча харобот, совуқ?

Юрагим,  
Юр, ортга қайтамиз,  
Ҳали қанча риёзатлар бор.  
Бизни кутар “хайрул гуноҳлар”.  
Ибодатлар қилишим керак!..

Оҳли оҳлар уришим керак...

\* \* \*

Эй, қалбимнинг ардоғи, кимсан?  
Нечук ҳануз билмасман отинг?  
Заволи йўқ ҳарир юкимсан,  
Ҳурсан, нурсан — мунаввар ботин.

Гарчи малолинг йўқ, чарчадим,  
Чирпандим, илкимда мадор йўқ.  
Оралиқ бир нафас... Бир одим,  
Ўтолмасман... Бу қандай ёзуқ?

Етолмасман сенга... жудолик!..

### ЭРТАГА МЕН...

Ўн саккизга тўласан бугун,  
Ўн тўққизим кузатаман мен.  
Сен яшариб бораверасан  
Мен ёшлиқдан кетганим сайин.

Дил раҳмини, бугун ёр, дилдор,  
Дам омонат, лаҳза ганимат.  
Эртагача... эллик йил бор...  
Эртага мен... қарийман.

### ОВВОРАЛИК

Кўнгил,  
Сени излаб йўлга чиқдим.  
Сўроқладим салкам олтмиш йил  
Ҳали-ҳануз тополганим йўқ.

Олислаб кетмасанг бунчалар?

Кўнгил,  
Кимни излаб йўлга чиқдинг?!

Юрибман-ку, шундоқ ёнингда!..

Кўнглим,  
Кимни излаб йўлга чиқдинг?!

### КЎЗЛАРИНГ

Тўрт деворнинг ичида, мана  
Фақат мен ва... сенинг хаёлинг.  
Яшаяпмиз... юрагим қонар,  
Хаёлингга хаёлим...

Ўйларки, зил, кўринмас ёғду,  
Дилизарим тунга беларлар.  
Эҳ, кўзларинг... зулматни ёриб  
Келаверар, келаверарлар!

Ай, бевафо... Ҳолинг шу экан,  
Севмайман, деб бердинг-а азоб.  
Не қилардинг фожиа ясаб  
Кўзларингга кучинг етмаса...

Абду Наби (БОЙҚЎЗИЕВ)



*Кўқон шаҳридаги Ҳамза номидаги муסיқали драма театрида Ўзбекистон халқ артисти Раҳима Мазоҳидова таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб “Санъаткор хотираси” мавзуида адабий-муסיқий тадбир ўтказилди.*

## САНЪАТКОР ХОТИРАСИ

Хотира тадбири Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ва ахборот маркази, Ўзбекистон Маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Кўқон шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Раҳима Мазоҳидова 1930 йил 8 март куни Кўқон шаҳридаги Дегрезлик маҳалласида Мусоҳон тўра исмли табиб оиласида туғилган. Кўқон шаҳридаги 8-ўрта мактабни битириб, Муқимий номидаги атлас тўқиш фабрикасида ишга кирилади. У фабрикадаги бадий ҳаваскорлик тўғрисида қатнашади. Кўқон шаҳрида ўтказилган ҳаваскорлар кўригида “Қурамиз зўр каналлар” қўшиғини маҳорат билан куйлайди. Устози Мурод Қўлдошев ёрдамида театрда иш бошлайди...

Раҳима ая унутилиб кетаётган ўзбек халқ қўшиқларини қайтадан тиклади. “Қаринаво”, “Мужгонларинг” каби қўшиқлар унинг ижросида қайта туғилди. Хонанда халқ

муסיқаси дурдоналарини ихлос билан асраб-авайлаб, уларга ўзгача сайқал, янгича жило ва оҳанглар берди. Ая ижросидаги “Феруз”, “Гулзорим”, “Овозим”, “Ялла”, “Ўзбекистоним”, “Самарқанд ушшоғи”, “Кўқон ушшоғи” каби қўшиқлар ўзгача оҳанг билан жаранглайди.

Томошабинлар Раҳима аяни актриса сифатида яхши билдилар. Театр саҳнасида 30 дан зиёд спектаклларда ўзига хос образлар яратди. “Бой ила хизматчи”да Раҳима хола, “Муқимий”да Рисо-

лат, “Куёвнинг омонати”да Тўти, “Қон сачраган тол”да Норхоннинг онаси, “Дўст нидоси”да Раъно, “Адашган соҳибжамол”да Чарос образларини маромига етказиб ижро этди. Шунингдек, “Ўтган кунлар”, “Зулматни тарк этиб”, “Оталар васияти” каби фильмларда ўзига хос образлар яратди.

Қадимий халқ қўшиқлари, урф-одатлар, маросимлар ва анъаналарни ўрганиш, тарғиб этиш мақсадида Раҳимахон ая бир гуруҳ шогирдларидан иборат “Кўқон ёр-



ёри” халқ фольклор-этнографик ансамблини ташкил этди. Бу жамоа қатнашчилари Республика миқёсида ўтказилаётган умумхалқ “Наврўз” ва Мустақиллик байрамлари, кўрик-танловлар ва фестивалларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Раҳима Мазохидованинг санъат соҳасида кўп йиллик самарали меҳнатлари инобатга олиниб, “Ўзбекистон халқ артисти”, “Меҳнат шўхрати ордени” каби кўплаб фахрий унвонларга сазовор бўлди.

Хотира тадбирида фольклоршунос олимлардан Абдулла Қодирий номидаги

Тошкент Давлат Маданият институти “Халқ ижодиёти” кафедраси мудири, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўсатган ёшлар мураббийси Саодат Йўлдошева, Қўқон шаҳар ҳокимининг катта маслаҳатчиси Ўлмасхон Мақсудова, мутахассислар, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази қошидаги хонанда Маҳфуза Боймирзаева раҳбарлигидаги “Дурдона” фольклор ансамбли, Андижон, Наманган, Сирдарё вилоятларидан санъаткорнинг издошлари

ҳамда Қўқон шаҳар Маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги Хурсаной Қодирова раҳбарлигидаги “Қўқон ёр-ёри” халқ фольклор-этнографик ҳамда “Сарвиғул” халқ чолғу ансамбли қатнашчилари ўз томоша дастурлари билан иштирок этдилар.

Хотира тадбирига санъаткорнинг фарзандлари, мухлислари, республикамизнинг турли бурчақларидан Раҳима аянинг издошлари ташриф буюрдилар.

**Муҳаммаджон  
ҚОЗОҚБОЕВ**

## КЕЛАЖАК БАРКАМОЛ АВЛОД ҚЎЛИДА

Баркамол авлодни тарбиялаш инсониятнинг энг эзгу ва улуг ниятларидан бири бўлиб келган. Тарихга назар солгудек бўлсак, ажодларимиз ҳам фарзандларининг оқил, доно ва фозил инсон бўлиши йўлида машаққат чекканига гувоҳ бўламиз.

Бобомиз Ал-Форобий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида жамиятдаги ҳар бир билимли инсон фозилдир деган фикрни олға суради. Чиндан ҳам билимли инсон ўзи яшаётган давлатдаги барча қонун-қоидаларга эътиборли ва унга амал қилувчи, қолаверса, ўз касбининг устаси бўлади. Мамлакатимизда мустақилликдан кейин ёшларни ҳар томонлама билимдон ва баркамол қилиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг Юртбошимиз томонидан «Баркамол авлод йили» деб аталиши ҳам бежиз эмас.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида ҳам маънан, ҳам жисмонан етук ав-

лодни улғайтириш мақсади ётибди. Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган юзлаб замонавий таълим даргоҳлари, бири-бирдан мухташам спорт иншоотлари ёшларимиз ихтиёрида. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ҳаётга татбиқ этилиши эса малакали кадрлар тайёрлаш ишларини янги босқичга кўтарди. Шунингдек, давлатимиз таълим тизимида улкан ижобий ўзгаришлар ясади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда инсон билимдонлиги унинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини қай даражада билиши билан ҳам ўлчанади. Зеро, қонунни яхши билмаган, ҳуқуқларини тўлиқ англаб етмаган ёшлардан келажакда етук кадрлар етишиб чиқиши мушкул. Бугун ёшларимиз барча жабҳаларда жуда фаол. Улар ўз билим ва иқтидори боис жаҳонга юзланишмоқда.

Шу билан биргаликда уларнинг ҳаёт йўлларида дуч келиши мумкин бўлган турли тўсиқларни енгиб ўтишида ҳуқуқий саводхонлик ҳам му-

ҳим ўрин тутади. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Адлия тизимида ҳам ёшларимиз ҳуқуқий онгини янада ривожлантириш борасида кўплаб тадбирлар ташкил этиляпти. Бу борада бизнинг идорамиз ходимлари ҳам тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тез-тез турли суҳбатлар, учрашувлар уюштирмоқда. Худди шундай учрашувлар умумтаълим мактаблари ва коллеж ҳамда лицей талабалари иштирокида ташкил қилинади.

Бу учрашувларда эса асосий эътибор барча жабҳаларда қонун устуворлиги ёшлар онгига сингдиришга қаратилади. Зеро, биз кучли демократик давлатдан кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган эканмиз, аввало, мавжуд қонунларга ҳурмат ва уларга амал қилиш биринчи ўринда турмоғи шарт. Бу ҳақиқатни эрта миз, порлоқ истиқболимиз эгалари бўлган ёшлар онгига, шуурга жойлаш эса барчамизнинг бурчимиздир.

**Сайёра ШОМИРЗАЕВА,  
Янгийўл туман 1-нотариал идораси  
Катта нотариуси**



# ИБРАТЛИ УМР

Таниқли ўзбек олими Иристой Кўчқортоев Сайрам туманидаги Қорабулоқ қишлоғида туғилган. Бошланғич ва ўрта маълумотни ўзи туғилган Қорабулоқ қишлоғида олган. 1953-1958 йилларда Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ўзбек филологияси факультетида таҳсил олиб, 1958 йилда Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига кичик илмий ходим бўлиб ишга кирган. Олимнинг 1960 йилдан кейинги фаолияти эса, Ўзбекистон Миллий университети билан боғлиқ. У университетда 1960-1996 йилларда аспирант, ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудири, факультет декани лавозимларида ишлади.

1965 йилда «Абдулла Қаҳҳорнинг фразеологик новаторлиги» мавзuida номзодлик, 1978 йилда «Ўзбек тилидаги нутқ феъллари» мавзuida докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. 1987 йилда Фанлар академияси мухбир-аъзолигига сайланди, 2000 йилда Фанлар академиясининг академиги бўлди.

И.Кўчқортоев тилшуносликда янги бир даврни бошлаб берган атоқли олим Ф. Де Соссюр назарий қарашларини 1970 йиллардан атрофлича ўрганишга киришди. Чунончи, 1976 йилда «Ф. Де Соссюрнинг лингвистик концепцияси, назария ва метод масалалари» номли китобини чоп эттирди. Шундан кейин олим ўзбек тилшунослигида биринчилардан бўлиб семасиология мавзуи билан шуғулланди ва катта муваффақиятларни қўлга киритди. Бу борадаги самарали изланишларининг натижаси сифатида «Сўз маъноси ва унинг валентлиги» (1977), «Ўзбек тилида нутқ феълларининг валентлиги» (1978) монографияларини нашр эттирди. Шу мавзуга оид докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бугунги кунда ушбу ишларни ўзбек тилшунослигида яратилган энг муҳим тадқиқотлар қаторидан жой олди дейишга асосимиз бор. Олимнинг бу борадаги хизматларини таниқли тилшунос Абдуҳамид Нурмонов эътироф этиб шундай ёзади: «Лексикологиянинг тавсифий бошқичдан назарий бошқичга кўтарилишида И.Кўчқортоев тадқиқотлари катта рол ўйнади... Бу асарларда муаллиф Ф.Де Соссюрнинг тилининг белгилар

системаси эканлиги ҳақидаги таълимотида асосланган ҳолда, ўзбек тилшунослиги тарихида биринчилардан бўлиб, луғат таркибини системавий структур ўрганиш муаммосини кўтариб чиқди ва ўзбек нутқ феъллари мисолида лексемаларнинг системавийлик табиатини ёритиб берди».

Олим Ўзбекистонда туркологиянинг равнақ топишига, туркология масалалари билан шуғулланувчи кадрлар тайёрлаш ишига ҳам катта ҳисса қўшди. У туркологиянинг муҳим асарлари тил хусусиятларини ўрганди, турли халқаро анжуманларда туркологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган маърузалар билан иштирок этди. Бугун илмий фаолияти давомида ўзбек тилининг бошқа қардош тиллар ўртасидаги мавқеи жуда баланд эканлигини исботлашга ҳаракат қилди. «М.Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги нутқ феъллари» (1971), «Лексика «Девону луғотит турк» М.Кашғари и современный узбекский литературный язык» (1972), «Сибирь руник ёзувининг 3 ёдгорлиги» (1986), «Олтойшунослик: вужудга келиши асосий йўналишлари, ўқитилиши» (1986); «Туркийда неча ҳарф бор?» (1991) мақолаларини яратди.

И.Кўчқортоев узоқ йиллар давомида ўзбек тили масалалари билан махсус шуғулланган машҳур турколог А.Н.Кононов ҳаёти ва фаолиятини, назарий қарашларини чуқур ўрганди. У ҳақда «Ўзбекистоннинг улкан дўсти» (1986) номли китобини ёзди.

У 1984 йили «Туркий филологияга кириш» ўқув қўлланмасини (Б.Исабеков билан ҳамкорликда) нашр қилди. Қўлланманинг И.Кўчқортоев томонидан ёзилган қисмида маҳаллий олимлар томонидан яратилган тарихий асарлар, уларнинг туркология тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти хусусидаги фикрлар ҳам берилганлиги билан ажралиб туради.

Масалан, унда турли даврларда туркий тиллар бўйича яратилган луғатлар, Маҳмуд Кошғарий ва унинг «Девону луғотит турк» асари, Алишер Навоий ва унинг ижоди ҳамда «Муҳокаматул луғатайн» асарининг аҳамияти билан боғлиқ масалалар туркология тараққиёти билан уйғун ҳолда ёритилган.

И.Кўчқортоев ўзбек тилининг тарихда тутган ўрни, бошқа қардош тилларни шакллантиришдаги иштироки хусусида ўзгача бир ғурур ва ифтихор билан гапирар, бу борада қилиниши зарур бўлган жиддий тадқиқотлар, ўзбек тилини хорижий мамлакатларда тарғиб этиш масалалари ҳақида қайта-қайта таъкидлаб турарди. Шу маънода олимнинг ўзбек тилини хорижий мамлакатларда тарғиб этиш, хорижий фуқаролардан ўзбек тили мутахассислари тайёрлаш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшганлигини алоҳида қайд этиш лозим. И.Кўчқортоев 1987-1988 йилларда Югославиянинг Кирилл ва Мефодий университетиди ўзбек тилидан маъруза ўқиди. 1993 йилдан Анқара университети Тил ва тарих-география факультетиди дарс бериб, ўзбек тилининг сир асрорларини хорижликларга ўргатди. Хорижий мамлакатларда ўзбек тили бўйича дарс берадиган юқори малакали педагог кадрлар, илмий ходимлар тайёрлади. Олимнинг шоғирдлари орасида Қозогистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Туркия, Америка Қўшма Штатлари, Полша, Хитой фуқаролари бор.

Бир неча халқаро конференцияларда ўзбек тили, ўзбек тилининг туркий тиллар орасидаги юксак мавқеи бўйича маърузалар ўқиб, тилимизнинг энг қадимий ва бой тиллардан бири эканлигини исботлашга ҳаракат қилди. Хориждаги нуфузли нашрларда ўзбек тилининг долзарб масалаларига бағишланган чуқур таҳлилий мақолаларини чоп эттирди.

Олим илмий, педагогик фаолият билан бирга, фаннинг, мутахассис кадрлар тайёрлашнинг, ўзбек тили мавқеини тиклаш борасида Республика Давлат комиссиясининг аъзоси сифатида ташкилий ишлари билан ҳам шугулланди. Домланинг бу борада муҳим йўналишларда олиб борган хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

1. И.Кўчқортоев Москва, Санкт-Петербург университетларидаги туркий филология кафедралари фаолиятини, уларда олиб борилаётган дарслар, фан дастурлари, ўқув адабиётлари ҳамда кафедралар олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар мазмун-моҳиятини чуқур ўрганди, кафедралар олимлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Шундан кейин 1982 йилда собиқ иттифоқда тўртинчи, Марказий Осиёда биринчи бўлиб ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети (Тошкент Давлат университети) Ўзбек филологияси факультетиди туркий филология кафедрасини ташкил қилди. 1996 йилгача шу кафедрани бошқариб, соҳага оид бир неча ўқув қўлланмалари, методик адабиётлар яратди.

2. XX аср бошлари миллий тил ва адабиёт масалаларини қайта ўрганиш, баҳолаш зарурияти тутилгандан кейин ўша давр материалларини йиғиш, умумлаштириш ва уларни илмий асосда таҳлил қилиш лозим эди. И.Кўчқортоев 1989 йилда

шу мақсадда университет проректори лавозимида ишлаб турган Тўрабек Долимовнинг қўллаб-қувватлаши билан гуманитар фанлар бўйича биринчи мартаба илмий лаборатория ташкил қилди. Лаборатория ходимлари икки йўналишда иш олиб бордилар. Адабиётшунослик бўйича Бегали Қосимов, Абдуғафур Расулов, Шухрат Ризаев, Раҳмон Кўчқоров, тилшунослик бўйича Иристой Кўчқортоев, Карим Назаров, Жўра Худойбердиевлар шугулланишди. Шунингдек, XX аср бошларида чоп этилган кўплаб манбалар тўпланиб, матбуотда эълон қилинди. Иккита илмий тўплам нашр этилди.

Домланинг илмий лабораторияни ташкил этишдан яна бир мақсади — ўзбек тили тарихидаги муҳим асарлар матнларини компьютер хотирасига киритиб, тил луғат бойлиги базасини яратиш эди. Бунда «Девону луғотит турк», «Кутадғу билиг», «Ҳибат-ул ҳақойиқ», Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур асарлари ҳамда XX асрдаги муҳим асарлар компьютер хотирасига киритилиши, ҳар бир асар махсус дастур асосида алоҳида-алоҳида таҳлил қилиниши, кейин уларнинг барчаси умумлаштирилиб, ягона тизимни яратиш кўзда тутилган эди. Бу ўзбек тили ва тил тарихи назариясини, миллий тил хусусиятларини ўрганишга, турли типдаги луғатлар тузишга, ўзбек тилини ўрганишга мўлжалланган қўлланмалар яратишга беқиёс манба бўлар эди. Бундан ташқари, тилимиздаги ҳар бир сўзнинг аниқ паспорти, яъни сўзлар қайси асарда учраши ва уларнинг даврлар ўтиши билан қандай ўзгаришга учраганини, қайси даврдан истеъмолда бўлганлигини аниқлаш имконияти яратилар эди.

3. И.Кўчқортоев фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимоя қилинадиган ихтисослашган кенгашни бошқариб, кўплаб иқтидорли мутахассислар тадқиқотларининг илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилишига, уларнинг диссертациялари ҳимоя этилишига яқиндан ёрдам берди.

4. И.Кўчқортоев ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилишида, лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини ишлаб чиқишда Давлат комиссиясининг аъзоси сифатида фаол иштирок этди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишининг зарурияти ва унинг асослари, лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этишнинг аҳамияти билан боғлиқ кенг қамровли тарғибот ишларини олиб борди.

Юқорида қайд қилинганлардан хулоса қилиш мумкинки, И.Кўчқортоев ўз халқи ва миллатига олим сифатида хизмат қилиб ибратли умр йўлини босиб ўтди, ўзидан бой илмий мерос қолдирди.

**Жўра ХУДОЙБЕРДИЕВ**





Ақуба ЮЛИДОВА

# Бир илинж истайман дил оҳимизга

РУҲИМДА УЙҒОН

Мен – сенинг ўзингдан кечмаган ёдинг,  
Соҳир кечаларни қийнаб ётган туш.  
Кузги боғлар аро тентираб, дайдиб,  
Исмимни чақириб ўпасан беҳуш.

Қўлларинг нобакор, гуноҳкор тунинг,  
Хаёлинг умрингдан ҳам қоронгуроқ.  
Менсиз яшамоққа йўқ бирор кунинг,  
Бахтинг йўқ, дунёда мендан қайгуроқ.

Севгимки, кўзингда ёнаётган ўт,  
Мен – сенман. Ташлаб кета олмайсан.  
Энг ёруғ нур каби кўзингга кириб,  
Бир гўзал хаёлман — унутолмайсан.

Сен учун Худодан сўрайман шафқат,  
Бир илинж истайман дил оҳимизга.  
Бўйнимдаги дорсан, жонимга қасдсан,  
Тунларни кўмасан гуноҳимизга.

Хур насим сингари руҳимда уйғон,  
Севгим шундай аччиқ, шундай бокира.  
Олдинда ҳаёт йўқ, яшай олмайсан,  
Ҳатто ўлмоқликка топмайсан чора.

\* \* \*

Қанийди, миллион йил туш кўрса мени,  
Пойимдан ўзини топсайди ёниб.  
Бир тоза қалб билан Худодан, қани,  
Битта ишқ сўраса, лаблари қонаб.

Қанийди, бир бора юракдан ўтса,  
Муз қоғиб қолмаса қароқларимиз.  
Қанийди, оҳимиз кўкка етса-ю,  
Малаклар оқласа гуноҳларимиз.

Қани, севолмаса мендайин ҳеч ким,  
Қаҳрабо кечалар бағрин тилсайди.  
Кўзига кирмоққа бўлсайди ҳаққим,  
Яшашга улгурмай яшаб бўлсайди.

Қанийди...

## ОРЗУ

Иссиқ кучоғидан айрилсам, наҳот,  
Видосиз ўйларинг кўзимга тўлди.  
Асов галаёнлар жўш урган заҳот,  
Хайр демоқликнинг фурсати келди.

Қадрдон йўлақлар қузатар изсиз,  
Қуёшни ичаман, титрайди лабим.  
Берган меҳринг ҳаққи кетмасман беиз,  
Тотган тузим ҳаққи сенга бу қалбим.

Қайда созим бўлса, сени қуйлайман,  
Кибор давраларнинг кўксин ёритиб.  
Қайда бўлмай, фақат сени ўйлайман,  
Сенга борар барча гамни аритиб.

Бағринга ёмғирдай тўкилиб балким,  
Бир куни қайтарман (ширин орзу) – бу.  
Чексиз кенгликларинг, ёруғ далалар,  
Оромбахш даштларинг қўйнига мангу.

\* \* \*

Ё бахтсиз қилдими кимни ўйларим  
Ёки ким мен учун яшади бекор?!  
Отилган оққушдай титрар қўлларим,  
Ярадор оҳудай юрагим бедор.

Кўрқинчли туюлар кўрган тушларим,  
Тупроқдан қаддимни кўтаролмам тик.  
Қаерга учишни билмайди руҳим,  
Шарпалар кўзимга кирар беҳадик.

Кичрайиб боряпман гуссалар аро,  
Безавол азоблар жонимни қистар.  
Бу пайтда дўстларим тарк этмас асло,  
Душманам ҳам узоқ яшашим истар.

# ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

Мустақиллик йилларида фан ва маданиятимизнинг бир қатор жонкуярлари фидокорона меҳнатлари билан элга танилдилар. Миллий истиқлолимиз уларга янги куч-қувват ва ғайрат бахш этди. Шулардан бири Республика Байналмилал маданият маркази директори, таниқли шоир ва таржимон, жамоат арбоби Носир Муҳаммадир.

У 1946 йил 2 декабрда Шаҳрисабз шаҳри яқинидаги Яқкабоғ қўргонида таваллуд топди. Унинг марҳум падари бузруквори Мисриддин ота Муҳаммадиев узоқ йиллар муаллим ва шу ердаги туман газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлаган, мактаб ва маориф соҳаларида болаларга билим бериб, халқнинг меҳрмуқаббати ва олқишига сазовор бўлганди.

Насриддин ёшлигиданоқ оилада ота касби бўлган матбуот ва адабиётга меҳр қўйиб ўсди. Мисриддин ота бу борада ўғлини ҳар томонлама рағбатлантириб борди. Насриддин 1963 йили ўрта мактабни тугатгач, ҳозирги Миллий Университетнинг филология факультетига ўқишга кирди. Бу ерда у Фулом Каримов, Субутой Долимов, Аюб Ғуломов, Шавкат Раҳматуллаев, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Талъат Солиҳов каби таниқли адабиётшунос ва тилшунос олимлардан мароқли сабоқлар эшитди ва ўзбек классик ҳамда замонавий адабиёти, жаҳон классиклари асарларини кунт билан ўрга-

на бошлади. Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир каби моҳир ижодкорларнинг энг яхши асарларини севиб ўқиди. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари ижодкорларнинг фалсафий ва исёнкорлик руҳидаги оташин шеърларидан руҳланиб, ўзи ҳам шеърлар машқ қила бошлади.

У 1968 йили ўқишни тугатгач, «Тошкент оқшоми» газетасига ишга кирди. Бу ерда газета муҳаррири, адиб Саъдулла Кароматов, истеъдодли ёзувчи Ўткир Ҳошимов ва бошқалар билан бирга XX аср ўзбек адабиёти тарихининг кам ўрганилган даври — 1905-1930 йиллар адабиётининг таниқли намояндалари Тавалю, Сидқий, Элбек, Абдулҳамид Мажидий ва бошқаларнинг асарларидан намуналар бостира бошлади. XV аср ўзбек дунёвий адабиётининг йирик тадқиқотчиси, машҳур адабиётшунос олим Эргаш Рустамов раҳбарлигида туркий дунё тасаввуфий адабиётининг буюк вакили Аҳмад Яссавий ижоди бўйича тадқиқот ишлари олиб борди.

Шоир Носир Муҳаммад Шарқшунослик институти ҳузурда очилган 2 йиллик форс тили курсини битириб, 1976-1979 йилларда Эронда таржимон бўлиб ишлади. Бу даврда у форс адабиётининг машҳур классиклари ижодини пухта ўрганди, улардан таржималар қилди. Хориждан қайтгач, яна «Тошкент оқшоми»да, сўнгра атоқли шоир

Эркин Воҳидов муҳаррирлигида чиқа бошлаган «Ёшлик» журналида масъул котиб вазифасида хизмат қилди. Журналда ўсиб келаётган истеъдодли ёш ижодкорларнинг асарлари нашри ва тарғиботига кенг имконият бериб, уларнинг кейинги улғайишларига ҳар томонлама ёрдам берди.

Шу йиллар давомида унинг «Салом, келажак» (1980), «Баҳор таронаси» (1981), «Сенга интиланман» (1987) каби шеъррий тўпламлари ва «Эстетик идеал ва адабиёт» сингари илмий-публицистик рисолалари босилиб чиқди.

Шоир ижодини кузатиб борган республикаимизнинг ардоқли шоири Шухрат, таниқли ижод намояндалари Абдулла Орипов ва Ўткир Ҳошимов унинг шеъррий тўпламларидаги янги изланишлар ва ютуқларига умид боғлаб, Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка киришига тавсия бердилар.

Ҳа, Носир Муҳаммад устозлар билдирган умид ва ишонччи оқлади. У 1989 йил 26 июндан эътиборан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси сифатида қизғин бадиий ижод билан шуғулланди, аини пайтда масъулиятли лавозимларда ишлади. Айниқса, мустақиллик йилларида унинг фаолияти янада миқёсли ва самарали бўлди. 1993-1995 йилларда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Халқаро ахборот бўлими бошлиғи, Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизматининг биринчи котиби, «Жаҳон» ахборот агент-

лигининг таржима хизмати бошлиғи вазифаларида ишлади. 1996 йил октябридан эътиборан у Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонаси биринчи котиби этиб тайинланди. Бу ердаги хизмати давомида Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик ва маданий алоқаларнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. «Жаҳон» ахборот агентлигининг муҳбири сифатида ҳар икки мамлакатнинг ўзаро иқтисодий-сиёсий ва маданий алоқаларига доир долзарб мавзуларда бир қатор муҳим мақолалар ва ахборотлар эълон қилди. Туркиялик Сулайман Мардон ўғли билан бирга «Ўзбекистон» номли қўлланмани нашр қилиб, республикамизнинг бой тарихи, маданияти, истиқлол даврида қўлга киритилган улкан ютуқ ва ўзгаришларни Туркияда тарғиб ва ташвиқ қилди. Республикамиз Президенти Ислам Каримов асарларининг турк тилига таржима қилиниши ва нашрида фаол иштирок этди. Анқарада чиқадиган «Турк лаҳжалари ва адабиёти» журналида буюк ўзбек шоири ва давлат арбоби Мир Алишер Навоийга бағишланган махсус сонни тайёрлашда жонбозлик кўрсатди. Шу билан бирга у ижодий ва илмий фаолиятини, таржимонликни ҳам тўхтатмай, бу борада бир қанча ишларни амалга оширди.

Шундан кейинги йилларда унинг «Сумалақдан тош топдим» (2004) шеърий тўплами, «Насаф ва Кеш алломалари» (2001), «Анқони маҳрам қилдингиз» (2004), «Хазиналар ороли» (2007), «Ўзбекистон — Туркия муносабатлари тарихидан» (2008), «Мумтоз адабий тилимиз» (2009) каби муҳим илмий-публицистик рисола ва мақолалари босилиб чиқди.

Шоир таржимонлик борасида ҳам ихлос, илҳом билан ишлади, Шарқ ва Ғарб мумтоз ҳамда замонавий адабиётининг

энг яхши намуналарини ўзбек тилига жозибали қилиб ўгирди. Жумладан, кейинги йилларда унинг таржимасида турк адиби Азиз Несиннинг «Кўзимга иссиқ кўринаяписиз» ҳикоялар тўплами, Абу Али Ибн Сино ва Абдуллоҳ Ансорийнинг ҳикматлари, Хусрав Деҳлавий ва Мавлоно Жалолиддин Румий шеърлари эълон қилинди. У Пушкин, Грибачев, Ҳайне, Гёте, Бехер, Нозим Ҳикмат, Бахтиёр Ваҳобзода, Абдулла Тўқайларнинг бир қатор ёрқин насрий ва назмий асарларини рус, немис, форс, озарбойжон, турк, татар тилларидан ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилиб, адабиёт шинавандаларини хушнуд қилди.

У бугунги кунда Республика Байналмилал маданий марказининг раҳбари сифатида қизгин фаолият кўрсатиб, ўлкамизда тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган гоъвий-тарбиявий ишларни амалга ошириш билан бирга, халқаро мавзуларда ҳам қалам тебратмоқда. Бу йўналишда ўзбек ва рус тилидаги матбуот саҳифаларида шу вақтгача унинг қатор мақола ва интервьюлари эълон қилинди.

Жумладан, унинг рус тилидаги «Культура толерантности в Узбекистане» номли мақоласида республикамизда қадимдан бағрикенглик ва инсонпарварлик анъаналари мавжудлиги, улғу алломаларимизнинг бу борадаги қимматли ўғит ва насиҳатлари, Мустақилликдан кейин ўлкада олиб борилаётган миллатлараро дўстлик ва иноқлик борасидаги муҳим тадбирлар ҳақида фикр юритилади. Турли миллат вакилларининг Ўзбекистондаги бағрикенглик ва миллатлараро ҳамкорлик ҳақидаги мулоҳазаларини келтириб, шундай ёзади: «Мустақил Ўзбекистон асрлар давомида шаклланган бағрикенглик анъаналарини муваффақият би-

лан давом эттирмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида мустақилликнинг илк йилларида ишлаб чиқилган миллий сиёсат тамойиллари ва барча қонунларимизга ана шу қадриятлар асос қилиб олинган. Ўзбекистонда ўрта ва олий таълим 7 тилда олиб борилади — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, туркман ва қирғиз тилларида. Энг муҳими, етти тилдаги дарсликлар давлат маблағлари ҳисобига нашр этилиб, ўрта ва олий таълим муассасаларига етказиб берилмоқда.

Байналмилал маданият маркази ва миллий маданий марказлар фаолияти давлатимизнинг доимий ғамхўрлиги ва эътибори туфайли равнақ топмоқда. Мустақиллик йилларида марказлар фаолларидан 80 га яқин киши юксак давлат мукофотлари билан тақдирланганлиги ҳам бунга мисол бўла олади. Улар 24 миллат вакиллари дидир. Бу борадаги ютуқларимиз мамлакатимизда шаклланган бағрикенглик маданияти ва давлатимиз раҳбариятининг оқилона сиёсати натижасидир».

Хулоса қилиб айтганда, Носир Муҳаммад бугунги кунда республикамизда фақат таниқли шоир ва таржимон, публицист сифатидагина эмас, фаол жамоат арбоби сифатида ҳам ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилмоқда, Байналмилал маданият марказининг раҳбари сифатида Ўзбекистонда миллатлараро дўстлик ва тотувлик, тинчлик борасида муҳим гоъвий-тарбиявий ишларни олиб бориб, эл-юрт ҳурмати ва олқишига сазовор бўлмоқда. Шу сабабли у 2008 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони билан тақдирланди.

**Шерали ТУРДИЕВ**

***Дунёда ҳамма нарса  
Вақтдан кўрқади,  
Вақт эса Эҳромлардан.***

Ҳа, инсон зоти азал-азалдан ўз кўли билан мўъжизалар яратишга қизиқиб, интилиб келган. Одамзот табиатидаги ушбу хоҳиш-истак самараси ўлароқ, ақлни лол қолдирувчи улкан иншоотлар барпо этилди. Мана, орадан неча-неча асрлар ўтди, аммо инсон ақл-заковати ила бунёд бўлган бу иншоотлар ҳали-ҳануз ўз тароватию маҳобатини йўқотган эмас.

Миср эҳромлари қадимги дунёнинг ана шундай мўъжизаларидан бири ҳисобланади. Улар Ливия саҳроларидаги қайноқ кумлар оралаб ҳозирги Қоҳирадан Фаюм каналигача ўнлаб километргача масофада жойлашган. Тарихчиларнинг шаҳодат беришларича, Миср эҳромлари эрамиздан аввалги 2575-2467 йилларда барпо этилган. Иншоотлар учун

йиллар давомида жой ҳозирланган. Юз минглаб қуллар қурилиш-тиклаш ишларига жалб этилган.

Археологлар шу пайтгача 80 та эҳром ўрнини аниқлашган, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам бизгача етиб келмаган. Уларнинг энг машҳурлари Хеопс (Хуфу), Хефрена (Хафра) ва Мекерина (Менкаура) эҳромларидир.

Эҳромларнинг энг маҳобатлиси фиръавн Хеопс пирамидасидир. Бундан беш минг йил муқаддам (эрамиздан 28 аср аввал) қад ростлаган эҳромнинг баландлиги дастлаб 147 метрни ташкил этган. Аммо кум барханлари босқини туфайли унинг бўйи ҳозирги кунда 137 метрга тушиб қолган. Унинг ҳар бир томони 233 метрга тенг. Аниқроқ қилиб айтилса, унинг бир томони иккинчи томонидан 20 сантиметрга фарқ қилади. Яъни муҳандислар атиги 0,0009 метр хатога йўл қўйган. Хеопснинг умумий майдони 50 минг квадрат метрни ташкил қилади. Унинг атрофини айланиб чиқиш учун қарийб бир километр йўл босиш керак бўлади.

Хеопс эҳроми силлиқлаб тарашланган ва жило берилган 2 миллион 300 мингта оҳактош плиталардан бунёд этилган. Ҳар бир плитанинг оғирлиги 2 — 2,5 тоннага тенг. Император Наполеон Мисрга юришларида, эҳромлар қаршисида ҳайратланиб: «Гизадаги мана шу учта (Хеопс, Хефрен, Мекерина) пирамиданинг тошлари қайта ишланиб гиштга айлантирилса, бутун Франция ҳудудини девор билан ўраб чиқиш мумкин», — деган. Ҳисобкитобларга қараганда, эҳромнинг юқори қисмидаги ҳар бир тошнинг оғирлиги 2,5 тонна, асос



қисмидаги энг катта тошнинг оғирлиги 15 тонна бўлиб, пирамиданинг умумий оғирлиги беш миллион етти юз минг тоннани ташкил қилар экан.

Тош плиталар бир-бирига шу қадар гипс терилган эканки, ораси 5 миллиметрдан ошмас экан.

Хефрен пирамидаси Миср эҳромлари орасида катталиги жиҳатдан иккинчи ўринда туради. Фиръавн Хефрен шарафига барпо этилган ушбу эҳромнинг олд қисмига яқин жойда Сфинкс (бош қисми одамнинг юзига ўхшатиб ишланган гоаят улкан шер) ҳайкали ўрнатилган. Мисрликлар назарида, бу баҳайбат ҳайкал инсон каби донолик ва шер каби куч-қувват рамзини ифодалаган. Маҳаллий аҳоли уни, антик давр тарихчиларининг ёзишича, «Абул Ҳавл — даҳшат отаси», деб аташган.

Миср эҳромлари, айниқса, ўтган асрда бутун дунёга машҳур бўлиб кетди. Гап шундаки, Тутанхамон сағанасининг топилиши катта шов-шувга сабаб бўлди. Олимлар учун бу катта янгилик бўлиб, илмий фаразларга жуда кўп аниқликлар киритилди.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Тутанхамон бундан ўттиз икки аср муқаддам яшаган. Ўша даврнинг энг ёш фиръавни бўлган. Қарангки, орадан неча минг йиллар ўтса-да, фиръавн сағанасидаги қадимги Миср тарихига оид осори-атиқалар — олтин ва қумушдан ясалган ҳайкалчалар, турли идишлар, муҳрлар — барча-барчаси ўз ҳолича сақланган. Топилган сағанадаги бирон-бир буюмга, ҳатто фиръавннинг мўмиёланган жасадига ҳам қўл тегизилмаган.

**Жиззах педагогика институти ўқитувчиси  
Рўзимурод ЭСОНОВ тайёрлади**



*Техника фанлари доктори, профессор Муҳаммад Тошболтаев бадиий ижод билан бир неча йиллардан бери шуғулланади. “Фикрат ҳосилалари” китоби фалсафий мушоҳадалар маҳсули сифатида ёзилган эди. Муаллиф навбатдаги китобини “Қулдиргилар ва куйдиргилар” деб номлабди. Бу китоб фалсафий қарашларнинг ҳажвий ифодасидан иборат. Уларни ўқиган одамда ҳам кулги уйғонади, ҳам чуқур фалсафий мушоҳадалар, мулоҳазалар туғилади. Қуйида Муҳаммад Тошболтаевнинг янги ҳикматларидан баҳраманд бўласиз.*

#### ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

\*\*\*

“Анатомия касалхонада, жисмоний тарбия мусобақада, мусиқа концертда, сизларга жавоб”. (Илмий мударнинг ўқувчиларга хабари).

\*\*\*

Моторим мой, радиаторим сув ёйдиган бўлиб қолди. Занглаб ётибман”. (Тракторчининг ҳасратидан).

\*\*\*

“Анависи тўнка, манависи мирзатерак, буниси дуб”. (Қизлар суҳбатидан).

\*\*\*

“Жигаринг тоза бўлса, ярмини кесиб бер”. (Харидорнинг қассобга дегани).

#### МАКТАБ ҲАЁТИДАН

\*\*\*

Фармонбиби ўғли ва келинларини яхши кўради, аммо девордаги миҳга осилган эри — Азимшерни уларга қараганда қаттиқроқ яхши кўрарди. (Иншодан).

\*\*\*

Марғилоннинг Қўқон дарвозасидан эрта тонгда бир жуфт от кириб келди. Уларнинг биттаси — Отабек, иккинчиси — Ҳасанали эди. (Диктантдан).

\*\*\*

Олма боғида кўпроқ сайр қилинлар, ундан кейин ваннада чўмилишга ҳаракат қилинлар. Ньютон ва Архимедлар шундай қилишган ва физиканинг янги қонунларини очишган. (Ёш физика ўқитувчисининг «насиҳати»).

#### ЁН ДАФТАРДАН

##### Иқтидордан истеъдодга

Ўз иқтидорини ўз вақтида фандаги мураккаб илмий муаммоларни ҳал этиш йўлида ишлата оладиган олимни бемалол истеъдодли деб аташ мумкин.

##### Шодланишдан завқланишга

Устозликни бошлаган олим, агарда биринчи кунлардан бошлабоқ ўз шогирдларининг кичик ютуқларидан шодланишни ўрганмас экан, кейинчалик улар эришадиган улкан кашфиётлардан завқланиш хислатини ҳам эгаллай олмайди.

##### Шогирдга

Устознинг этагидан тутибсан, бу яхши. Лекин бу этакка ямоқ бўлма, лоақал чиройли жиёк каби унга зеб беришга ҳаракат қил.

# “ФУНУН УЛ-БАЛОҒА”ДА ПОЭТИК КОМПОНЕНТЛАР ТАСНИФИ

Бирор поэтик яратикни тўғри баҳолаш учун унинг асли нима (жанрига кўра) экани, унда қандай жиҳатлар бўлмоғи лозим, қаерида қандай ютуқ ёки кашфиётлари бор эканини билиш керак бўлади. Асарнинг чин баҳосини беришда бу жуда муҳимдир. Бунинг учун жанрлар таърифи, уларнинг асосий тамойил, ўлчам ва чегаралари аниқ белгиланганлиги илмий тафаккурнинг бадиий ҳаёл парвозидан ортда эмаслигини кўрсатади. Шеърнинг баҳосини беришда поэтик компонентлар ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Негаки, гоҳида муайян бадиий услуб, шеърини санъат асарининг айнан қайси қисми ва ўрнида ишлатилганига кўра жанрий ўзига хослик белгиланади. Яъни поэтик қисмлар жанр кўрсаткичларини белгиловчи бирликдир.

Замонавий адабиётшунослик бу соҳада юксак ютуқларга эришган. Бунда саволлар жавоблар билан ҳамқадам бормоқда. Бироқ қадимда ушбу масалага етарли эътибор билан қаралмаган. Поэтик қисмлар у ёқда турсин, жанрлар ҳам мустақил эстетик ҳодиса сифатида текширилмаган. Поэтик жанрлар ва шеърини қисмлар масаласи бу даврда яратилган илмий тадқиқотларда тамомила назардан четда қолган, ошиб борса, бошқа масалалар баёнида йўл-йўлакай айтиб кетилаверган. Бундай ҳолат эса ўз навбатида шеърини яратиклар қимматини белгилаш, уларнинг жанрини аниқлашда чалкашликлар келиб чиқишига сабаб бўлган.

XII-XIV аср адабиётшунослари шеър жанрларини алоҳида тадқиқ қилмаганликларига балки, ўша пайтлар ҳали жанрлар тўла шаклланиб улгурмагани, шаклланиш, ривожланиш, ўзгариш, янгиланишда давом этаётгани сабаб бўлгандир. Нима бўлганда ҳам, фақат XV асрга келибгина поэтик жанрлар ва шеърини қисмларни илмий тадқиқ этишга примитив шаклда бўлса-да, киришилди.

Шеър жанрлари ва поэтик қисмлар 1436 йилда Шайх Аҳмад Худойдод Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида алоҳида бадиий ҳодиса сифатида китобнинг маҳсус бобида тадқиқ этилди. Бу факт шеърини жанрлар ва бадиий матн поэтик компонентлари тадқиқи қачон ибтидо олганини билдиради. Бадиият илмида айни соҳанинг маҳсус тад-

қиқига илк бор туркий адабиётшуносликда, бизнинг юртдошимизнинг асарида, она тилимизда киришилганлиги алоҳида илмий аҳамиятга эга ҳолидир.

Шеърини жанрлар ва шеър қисмлари Шайх Аҳмад Худойдод Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида тўлиқ, алоҳида боб ҳолида, энг муҳими, содда ва тушунарли тилда берилган. Асарнинг “Ал-фанн ул-аввал фи-ақсом иш-шеър” тарзида номланган илк боби шеър компонентлари ҳамда жанрлари тадқиқига бағишланган. “Фунун ул-балоға” асарида тадқиқотчи форс тили олимлардан (Рашиддин Ватвотдан ташқари) фарқли тарзда асосан арабий атамалардан фойдаланган. Бироқ арабий атамалар жуда тушунарли, хосларгина эмас, ҳар қандай истовчи учун ҳам англашиларли тилда изоҳланган.

Асар мундарижаси (“фахрест ул-фунун”)да: “*Аввалги фаннида шеърнинг ақсомин ва анвоин шарҳ қилур*”, - дейилади. Ушбу бобда шеър жанрлари саноғи қуйидагича бошланади: “*Билгилким, мажмуғи шуаро истилоҳинда шеърнинг ақсоми, улким мўтабардур, ўн навъ келибтур...*”. Шу ўринда “ақсом” ва “анвоъ” истилоҳлари қайси атамаларни ифодалашини аниқлаштириб олиш лозим. Санаб ўтилган шеърини жанрлар ҳақида гапирар экан Тарозий уларни: “*Бу ўн навъ шеърким...*”, - дея умумлаштиради. “Навъ” сўзи тур, хил, кўриниш маъноларини беради. Шеърини “ўн хили, тури” жанр маъносига тенг келади. Зеро, “қисм” (кўплиги “ақсом”) бутуннинг бўлаги бўлса, “навъ” туркум ҳодисанинг мустақил, ўзига хосликлар ва алоҳида белгиларга эга кўринишидир. Демак, жанр “Фунун ул-балоға”да “навъ” деб аталган. Бироқ асар давомида “навъ” сўзи жанр атамасидан ташқари ўз лугавий маъноларида ҳам жуда фаол қўлланилган.

Асарнинг “фи-ақсом иш-шеър” бобида аввал шеър жанрлари муайян тартибда: “*қасида, ғазал, қитъа, рубоий, маснавий, таржеъ, мусаммат, мустазод, мутаввал, фард*”, - тарзида саналади. Бу ўринда жанрлар ҳажми (каттадан кичик томон), шоирлар орасида қўлланиш частотаси, мавқеъи, тарқалганлик даражаси, мавзу кўламига кўра

жойлаштирилган. Катта ҳажмли “қасида” билан бошланган навъ саноғи энг кичик “фард” билан яқунланади. Навълар тадқиқида уларнинг қофиясига ҳал қилувчи композицион бирлик сифатида аҳамият берилади. Яъни жанр белгиси “**Қитъа ул-дурким, аввалги мисраинда қофия бўлмас...**” тарзида таърифланади. Бунинг устига Тарозий “**... шеърнинг асли қофия. Ва қофиясиз шеър мумкин эрмас**” тарзида шеърнинг шеър ёки шеър эмаслигини фақатгина қофия ҳал этишини қатъий таъкидлайди.

Сўнгра шеърнинг гоёвий-мавзувий кўринишлари санаб ўтилади ва содда тилда қисқа изоҳ берилади. Бу таърифлар халқона соддалик ва академик аниқлик билан берилгани учун ҳеч қандай шубҳа ва саволларга ўрин қолдирмайди: “Бу ўн навъ шеърким, зикр қилдуқ, ҳар қойсида агар Тенгри азза ва жаллага ҳамд айтсалар, они *тавҳид* дерлар. Ва агар Муҳаммад Мустафо алайҳис-салот вас-саломни васф қилсалар, *наът* дерлар... Агар Тенгри ҳазратинда тазаруъ қилсалар, *муножот* ўқурлар. Ва хулофойи рошидинни таъриф қилсалар, *manoqib* ва *manqabat* дерлар. Агар салотин ё умаро ё вузарони ўтсалар, *madx* ва *madhat* ва *tamaddux* ўқурлар. Ва агар ўлган кишини зикр қилсалар, *marсия* дерлар. Агар кимарсани нафрин қилсалар, *хажв* ва *мазаммат* дерлар. Ва агар ҳазл қилсалар, *мутойиба* дерлар”.

Олим ўзига хос ҳажм, қофия тизими, вазн ўлчамларига эга бўлмаган, фақат мақсади, сабаби, мавзусига кўра алоҳида ажралиб турадиган бу каби бадиий ҳодисаларни жанр эмас, балки шеър кўриниши сифатида баҳолаган. Бунинг устига, Тарозий томонидан ушбу шеър кўринишлари “**ўн навъ шеърким, зикр қилдуқ, ҳар қойсида... айтса бўлур**” тарзида таърифланади. Бу таъриф ҳам бугунги кунда жанр мақомига эга айрим бадиий ҳодисалар аслида мустақил жанр эмас, шеърнинг гоёвий-мавзувий шакли экани ҳақидаги фикримизни далиллайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўша замондаёқ, Тарозий томонидан сатира билан юмор фарқланган ва улар орасидаги айирма: “**Агар кимарсани нафрин қилсалар, хажв ва мазаммат дерлар. Ва агар ҳазл қилсалар, мутойиба дерлар**”, - тарзида содда, тушунарли ва аниқ кўрсатиб берилган.

Шеър қисмлари, аниқроғи, бадиий матн компонентлари ҳам Тарозийнинг услубига хос қисқалик, соддалик, тушунарлилик билан таърифланган. Бу таърифлар “Фасл” дея номланиб, адабиётшуносликда илк бор алоҳида мустақил қисм тарзида тақдим этилган. Бунда аввал ҳам насрий, ҳам назмий нутқ ва ҳатто дostonга тегишли компо-

нентларга таъриф берилади: “Нусханинг ибтидо-син, агар наср бўлсун ё назм, *фотиҳа* ўқурлар. Ва интиҳосин *хотима*. Ва аввалиндин оғози дostonгача *дебоча* дерларким, ул тавҳид ва муножот ва наът ва манокиб ва мадҳ ва сабаби таълиф бўлғай”. Шунингдек, юқорида қайд этилган шеърлий шаклларни қандай турдаги асарларнинг қайси ўрнида бериш мумкинлиги ҳам олим томонидан қатъий белгилаб берилган.

Шундан кейин фақат назмгагина тегишли шеър қисмлари таърифига ўтилган. Шеър қисмлари таърифидоғи бундай тартиб муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, “Агарчи, каломи Изиди ва аҳодиси набавий воситасидин насрнинг шарафи назмга (нисбатан) собитдур” қабилдоғи қаноат билан изоҳланади. Ушбу бадиий унсурлар эса шеър, байт, мисра қисмлари сингари тартибда таърифланади: “Ва шеърнинг ибтидоси *матлаъ* ва *охирин* мақтаъ дерлар. Ва байтнинг аввалги жузвин *садр* ўқурлар ва охир жузвин *ажз* ва *зарб*. Ва қофия ва мисранинг ўртасин *хашв* дерлар. Ва аввалги мисраънинг охирин *аруз* дерлар. Ва сўнги мисраънинг аввалин *ибтидо*”.

Шеър жанрлари ва қисмларига Тарозийгача яратилган илмий асарларда шеър вазнлари ёки санъатлари орасида таъриф бериб келинган эди. Бу поэтик ҳодисалар илк бор “Фунун ул-балоға” асарида махсус бобда махсус фаслларга ажратилиб тадқиқ этилган. Тарозий бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, поэтик қисмларга эътиборга молик илмий-эстетик объект сифатида қараган. Негаки, шеърнинг бадииятига баҳо бериш учун, авваламбор, унинг қандай шеър, уни қайси мезонларга асосан баҳоламоқ зарур, ундан нима кутмоқ кераклигини тайин қилиш муҳимдир. Аниқроқ қилиб айтганда, ғазални рубоийнинг талаби билан баҳоламаслик учун Тарозий ёндашувига таяниш лозим бўлади.

Тарозий даврига келиб, араб назми навъларининг туркий адабиётга ўзлашиш жараёни яқунига етган, улар ўз доимий белгиларига эга бўлиб улгурган эди. Жанр компонентлари тўла шаклангани, поэтик жанрни қофия тайин этиши аниқ бўлган бир шароитда энди унинг кўринишларини шеърлий санъатлар ёки аруз вазни тадқиқи орасида йўл-йўлакай айтиб кетиб бўлмай қолди. Фунуни балоғанинг ушбу жиҳати ҳам алоҳида илм даражасига етди. Ва у илк бор Тарозий томонидан тўлақонли равишда илмий истеъмолга киритилди.

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

*Бу инсонлардаги  
ноёб қобилият олим-  
лар учун ҳамон  
ечими йўқ жумбоқ-  
лигича қолмоқда.  
Улар аслида ким?  
Маҳоратли афсун-  
гарларми ёки учига  
чиққан фирибгарлар-  
ми? Ёхуд иккала  
сифатни ҳам ўзида  
мужассам этган  
уддабурунлар?..*

*Шу нарса аниқки,  
ғаройиботга қизи-  
қиш кун сайин ор-  
тиб бораётган бир  
вақт буларнинг  
сирини фош қилиш-  
дан ҳеч ким ман-  
фаатдор эмас.*

# БАШОРАТЛАР, АФСУНЛАР...



**Нострадамус** — ҳақиқий исми Мишаел де Нотрдам. 1503 йил 14 декабрда Сен-Реми (Прованс) шаҳрида таваллуд топган. Аждодлари орасида машҳур табиблар кўп бўлган. Юлдузларга қараб башорат қилган. 63 ёшида ҳаётдан кўз юмган Нострадамус мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ «жажжи мунажжим» сифатида машҳур бўлган.

**Роҳиб Авел** — 1757 йилнинг 18 мартида Тула вилоятининг Акулово қишлоғида таваллуд топган. Авелнинг ишонтириб айтишича, гўёки кунларнинг бирида номаълум кўлар уни самога олиб чиққан ва ўша ерда унга иккита китобни кўрсатишган. Авел ерга қайтганидан сўнг бу китобларнинг мазмунини одамларга етказишга ҳаракат қилади. 1787 йилнинг март ойидан бошлаб унга ғойибдан овозлар келади ва бундан бу ёғига Авел келажакдаги барча ишларини ўша овозга бўйсунган ҳолда амалга оширади. Хуллас, билибми ё билмай у Екатерина II, Павел I нинг ўлимини, французлар томонидан Москва-нинг ёндирилишини ва бошқа кўплаб ҳодисаларни башорат қилган.

**Эрик Вайс** — 1874 йилнинг 24 март кунини Будапештда таваллуд топди. Гарри Гудини сифатида шуҳрат қозонган. У перитонит касаллиги туфайли 1926 йил 31 октябрда оламдан ўтган. Гарри кулф солинган юк машинаси контейнеридан, улкан қоғоз қоп ичидан (уни йиртмасдан) ва ҳатто қамоқ камераларидан соғомон чиқар эди. 1918 йил Нью-Йорк ипподромида Гудини фил билан ғойиб бўлиш томошасини намойиш этган.

**Вольф Григоревич Мессинг** — 1899 йил 10 сентябрда Варшава яқинидаги манзилгоҳда таваллуд топган. Берлиндаги Паноптикумда фаолият юритган. У ўз фаолияти юзасидан Фрейд, Эйнштейн, Махатма Ганди ва ўша даврнинг бошқа намояндалари,

хусусан, Сталин билан бир неча маротаба учрашган. 1939 йил иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан собиқ иттифоққа қараб қочган. Уруш йилларида эса ўз ҳисобидан иккита самолёт қурдирган. 1953 йили Мессинг Сталинга унинг яҳудийлар байрами кунини оламдан ўтишини башорат қилади ва ундан яҳудийларни таъқиб қилишни тўхтатишни сўрайди. Унинг башорати тўғри чиқади. Мессинг 1974 йилнинг 8 ноябрида узоқ давом этган хасталик — ўпка яллиғлиғини туфайли оламдан ўтган. Яқинларининг гапларига қараганда, у қачон ва қайси соатда дунёдан кўз юмишини олдиндан билган.

**Ванга (Вангелия Пандева Гуштерова)** — 1911 йил 31 январда Струмита шаҳрида дунёга келган. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, Ванга одамлардаги барча касалликларни айтиб бериш қобилияти эга бўлган. Келажакни башорат қилган.

**Ури Геллер** — 1946 йилнинг 20 декабрида Тел-Авивда таваллуд топган. Сайёрамиздаги ноёб қобилиятга эга машҳур инсонлардан бири. Қарийб 40 йилдан ошибдики, Геллернинг паранормал қобилияти бутун дунё олимларининг эътиборини жалб қилиб келмоқда. Ури учун компас милини ҳаракатлантириш, темир бўлагини шам мисол эритиш ва букиш, йиллар давомида тўхтаб турган соатларни қайта ҳаракатга келтириш ҳеч гап эмас. 1991 йилда Ури минглаб одамларнинг кўз ўнгида қурилган вақтидан бошлаб бирон маротаба тўхтамаган Лондондаги Биг Бен соатини тўхтатиб қўйган.

**Жуна Давиташвили** — 1949 йилнинг 22 июлида Краснодар ўлкасида дунёга келган. Олимларнинг таъкидига кўра, Жунанинг қўли теккан яра тузалган, беморлар шифо топган. Жуна бир вақтлар илмий институтларнинг йиррик намояндаларига абадий ёшлик сирини топганлиги, шу боис

ҳеч қачон қаримаслигини айтган экан.

**Девид Копперфилд** — 1956 йил 16 сентябрда Америкада таваллуд топган. 18 ёшида телевидениега таклиф этилиб, «Девид Копперфилднинг сеҳр-жодуси» дастурига бошловчилик қилган. Танилганидан сўнг эса «СБС» каналига ўтиб кетган ва ўша ердаги дастурларининг бирида самолётни ғойиб қилиш томошасини кўрсатган. Шундан сўнг Девид миллионлаб кишиларнинг кўз ўнгида Озодлик ҳайкалинини ғойиб қилган эди.

**Крисс Энжел** — Иллюзионистнинг ҳақиқий исми — Кристофер Николас Сарантакос. У нафақат афсунгар, балки, артист, қўшиқчи ва мусиқачи ҳамдир. Крисс ташкил этадиган шоулар кутилмаган воқеа-ҳодисалар ва ғаройиб мусиқалари билан ажралиб туради. Энжел сув устида юра олади, учиб қобилиятига эга. Қилич билан иккига бўлиб ташлаганда ҳам қайта тирилган. Крисс Энжел бир сўз билан айтганда, реаллик чегарасидан чиқадиган инсон.

**Девид Блейн** — 1973 йил 4 апрелда Америкада таваллуд топган. 1999 йилда пластик контейнерда тириклайин кўмиш, 2000 йилда музга кўмиш томошаларини кўрсатган. Сув остида энг узоқ вақт нафас олмай турган инсон сифатида рекорд ўрнатган. Охириги кўрсатган томошасида юмалоқ аквариум ичида 7 кун яшаган. Ҳаво ва суюқ овқатлар унга махсус шланг ёрдамида етказиб берилган. «Зиндон»ни тарк этаётган Блейн яна бир бор ўзини кўрсатиб қўйиш мақсадида ҳаво етказиб турган шлангни оғзидан қўйиб юборади. Етти дақиқадан сўнг иллюзионистнинг ранги кўкиш тус олади, у ҳушини йўқота бошлайди. Томошабинлар эса унинг бу ҳаракатини қаҳрамонлик эмас, шунчаки оддий бир ҳазил сифатида қабул қилишганди...

**Нигина ҚОДИРОВА**  
тайёрлади



Нигина ҚОДУРОВА тайёрлади

**Ташқи мусаффолик ва кўркамлик ички мусаффолик ва кўркамликнинг ифодаси бўлиши керак.**

### БЕЛИНСКИЙ

нинг либоси, тақинчоқлари ва ўзини тутишига қараб унинг жамиятдаги мавқеига баҳо берамиз, ундан таралаётган бўй эса, аёлнинг ички моҳиятини ифодалайди, деб қабул қиламиз. Хўш, ўзимизга мос духини қандай танлаш мумкин? Атирни шундай танлангки, унинг хушбўйи кайфиятингизни кўтариб, ўзига маҳлиё қила олсин.

### АММОНДАК ФОЙДАЛАШУМ ЕИРДАРИ

Узоқроқ масафода туриб, ўзингиздан хушбўй хид таратар экансиз, истайсизми-йўқми бу билан ўзингизга эътибор қаратиш хоҳишини билдирган бўласиз. Аммо атирнинг ҳалдан ташқари кучли ҳиди ёнингиздаги одамнинг гашига тегиши мумкин. У суҳбат чоғида худди сиз овозингизни баралла қўйиб шахсий мавзунини муҳокама қилаётгандай, ўзини ноқулай ҳис этади.

Таралаётган ҳид гўёки ҳукмронликка даъво қилаётгандай бўлади. Атирни кўп сепган аёлдан таралаётган ҳид — мен шу ердман! — деб ўзининг борлигини аниқ ва яққол маълум қилади. Бундай ҳолат ҳамма вақт ҳам ёқимли бўлавермайди.

Хуллас, атирдан шундай фойдаланингки, сиз билан суҳбатлашган инсон хотирасида ўз ифорингиз билан қолинг.

### Аёл ва қалбаки аммонлар

Сир эмаски, бугунги давримизда ҳар қандай маҳсулотнинг қалбаки нусхалари пайдо бўла бошлади. Бундан пардоз маҳсулотлари ҳам мустасно эмас. Агторлик моллари — қалбаки маҳсулотлар ишлаб чиқарадиганлар учун энг даромадли соҳалардан бири ҳисобланади. Уларнинг барчасига шунчаки қўл силкиб қўйиш ҳам мумкин, бироқ қалбаки атир-упа маҳсулотлари инсон соғлиги учун тобора хавфли тус олмақда. Ҳар қандай атирни сотиб олаётганда алданиб қолмаслигингиз учун ушбу нозик маҳсулотни танлаш жараёнида жуда эътиборли бўлишга тўғри келади. Сабаби, айнан духиларни қалбакилаштириш ҳозирда жуда кенг тарқалган. Яширишга ҳожат йўқ, харидорларнинг молиявий имкониятлари бир-биридан анча фарқ қилади. Шу сабабли ўзлари истаган духини сотиб олиш учун фақат махсус агторлик дўконларига ҳар доим ҳам ташриф буюриш имкониятлари йўқ.

### Ўзингизга мос аммон маълум

Таваққалига синаб кўриш яхши қарор эмас. Чунки дўконда атир сепилган «гупка»ларни кетма-кет ҳидлайвергандан, бош айланиб кетиши мумкин, кейин ҳидлар ҳам танловчини адаштириб юборади.

Денгиздан эсаётган енгил шамолни, баҳорнинг майин ифорини эслатувчи аёллар бор. Аёл-



(Давоми. Боши ўтган сонда)



У пайт папуаслардан бири менга қарата ўқ узди. Ўқ тўғри бошимни силаб ўтиб, пальма дарахтига бориб санчилди. Қўрқувдан юрагим бўғзимга тикилди. Йўл кўрсатувчи йигит уларнинг мен билан ҳазиллашаётганликларини айтиб, юпатмоқчи бўларди. Ҳаяжондан довдираб қолдим: майсалар орасига қандай кириб кетганимни ҳам билмайман. Қандайдир дудланган гўшт ҳиди чор атрофни тутиб кетган эди. Қарасам, бир бечора одамнинг танасини ўтда дудлаётган эканлар. Мени ҳам оловда пиширсалар-а, деб буткул ишондим. Титраётган панжаларим билан уяли телефонимдан ёрдам чақирмоқчи бўлдим, аксига олиб телефон ўлгир ҳам ишламас эди...

Ҳалиги дудланган одам гўштини тўғридан-тўғри менинг олдimgа олиб келишди. Оловда куйдирилган одамнинг лаблари қорайиб, оғзи карнайнинг оғзига ўхшаб очилиб қолганди. Бу ваҳимали манзарани кўриб, оёқ-қўлим тамомила ўзимга бўйсунмас, беҳузур бўлиб, пальма дарахтига суяниб қолдим. Анча вақтгача қўрқиб кетганимдан ўзимга келолмадим. Гўёки «куйдирилган калла» менга тишларини гижирлатиб қаратганга ўхшарди. Шундай аҳволга тушиб қолишдан худонинг ўзи асрасин...

«Бу одам қўшни душман қабиласининг қудратли жангчиси, — деб тушунтирди йўл бошловчи йигит қўли билан калла суягини силаб. — У жангда ҳалок бўлган, ўта жасур инсон эди», — деб қўшиб ҳам қўйди.

Унинг жасурлигига ҳурмат ва эҳтиром билдириб, танасини кўп йиллар сақлаб қўйишга қарор қилган эканлар. Майит танасига махсус суюқлик юборилиб, сўнгра оловда дудлаганлар. Мўмиёланган бу одам жисмини қабила сарҳадига ўрнатиб қўйишган. У босқинчиларни қўрқитиши, байрам кунлари эса қабила оқсоқоли ёнида савлат тўкиб ўтириши лозим. Унинг ёнига дудланган чўчка гўштидан бир бўлагини қўядилар. Буларни мен кейинчалик идрок қилдим.

Ҳайратланарлиси шундаки, ҳар бир қабиланинг турар-жой масканлари остонасида ана шундай «қўриқчилар» мавжуд экан. Улар ё ўз қабиласининг ҳалок бўлган жангчилари танаси, ёки душман қабиласи жангчиларининг дудланган танаси бўлиши мумкин. Каннибал қабила-лар учун бу одатий ҳолга айланган. Баъзи «қўриқчилар» бундан 300 йил, ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт олдин қўйилган. Айримлари эса, кўринишидан, яқин орада ўрнатилгани эҳтимолдан холи эмас. Фақат «қолоқ» саналган қабилаларгина ана шундай қўриқчилар орзусида яшайдилар.

## ЁВУЗ РУҲЛАР

Ўлган одамларнинг руҳлари масаласига папуаслар алоҳида эътибор билан қарайдилар, — дейди Валиян полицияси офицери Мартин Сопутри. — Баъзан ўлган одамларнинг оёқларини синдирадилар ёки терисини шилиб оладилар. Акс ҳолда улар қоронғи тушиши билан ўз душманларидан қасос олгани келадилар, деб ўйлайдилар.

Ёввойи одамлар ҳатто автомобиль, пальма дарахтларининг ҳам жони бор, деб ҳисоблашади. Кунларнинг бирида қабила оқсоқолига батарея билан ишлайдиган магнитофон ҳадя қилдик. Бир ойдан сўнг шу қабилага қайтиб келсак, магнитофон йўқ.

Биз инъом қилган магнитофон қани, деб қабила оқсоқолидан сўрадик: — У вафот этди, деб жавоб қайтарди, — бу анжомнинг руҳи бизга хавф етказмасин, деган ниятда унинг танасини бир неча бўлақларга бўлиб, дафн этдик.

— Нима қилиб қўйдингиз? — дея бошимни ушлаб қолдим, дейди полиция офицери. — Ахир, унинг фақат батареяси ўлган бўлиши мумкин, дейишимга қарамасдан, улар гапларимга ишонишмади.

Ўз душманларининг дудланган танасини қўлма-қўл кўтара-кўтара ёввойи одамлар қишлоқларига қайтишди. Биз ҳам ёғоч



панжаралар билан ўралган турар-жой ичига киришга уриниб кўрдик. Четан девор одам бўйи келарди. Ошиб тушдик. Қўлида найза ушлаган қабила оқсоқоли ҳисобланган бир йигит бизни қарши олди, унинг юзидан кутилмаган меҳмонлар ташрифидан мамнун эмаслиги сезилиб турарди.

Хатто насронийликни қабул қилган папуаслар оқ танли одамларга ишончсизларча муносабатда бўладилар. Чунки ажнабийлар билан бирга келган ёвуз руҳлар қишлоқни оралаб қолиши мумкин, деб тасаввур ва хавотир қиладилар.

Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас, қабила оқсоқолининг юзига табассум югурди. У биз совға сифатида олиб келган қоп ичидаги чўчқанинг хириллашидан мамнун эди. Менинг ташрифим ижобий қабул қилинди, — деб ёзади мухбир, — чунки биз дуру гавҳарларни қанчалик қадрласак, Папуа чангалзорларида ҳаёт кечирадиган ёввойи одамлар чўчқани ундан ҳам қимматроқ санайдилар. Улар уй-жой сотиб олишда, картошка экадиган майдонларни харид қилишда чўчқа сони билан нарх-навони белгиладилар.

Ажабланарлиси шундаки, агар бирон-бир ёш эркак уйланмоқчи бўлса, қиз томонга ёввойи чўчқа тортиқ қилиши лозим. Агар келин бўлмиш сулув бўлса, қалин уч карра кўп тўланади. Чўчқалари сероб бўлган бой ёввойи одамлар ўн нафаргача хотин оладилар. Бундан қабила аёллари сира хафа эмаслар, чунки худди шундай шартлар асосида улар ҳам бир неча эрга

«хўжайин»лик қилишлари мумкин. Фақат куёв томонга семиз, ёғлик ва гўштдор ёввойи тўнғиз тортиқ қилсалар, бас.

Мени 22 ёшдаги тадбиркор бир қиз билан таништирди. Унинг 4 та чўчқаси ва икки нафар эри бор экан. Шу кунларда учинчи эрни «никоҳ»ига олишни мўлжаллаб турибди экан. Папуада оила ва никоҳ масалалари биз ўйлаганча озод ва демократик эмас. Борцео оролининг қалин ўрмонларида, уйланишни орзу қилган йигит қайлиғига ўзининг кучли эканини исботлаши лозим. Исбот — душман қабиласидаги бир кимсанинг бош суягини офтобда қуритиб, қайлиғига ҳадя қилиши керак. Полиция ходимлари бундай жаҳолатга қарши қанчалик кураш олиб бормасинлар, барибир муваффақиятсизликка учрамоқда.

Мен олиб келган «бечора» тўнғизни шу заҳотиёқ ўқ ёй билан отиб ўлдиришди. Бамбук дарахтидан ясалган пичоқ билан нимталашди. Бу қабила темир нима эканлигини билмайди ҳам. Чўчқа гўштини ширин картошкалар билан ўрага соладилар-да, устига ўтда қиздирилган тошларни ташлайдилар. Дарахтнинг қуриган шохлари чарм тасма билан айлантирилади, кучли ишқаланиш натижасида эса ёғоч гурллаб ёна бошлайди. Папуаснинг терлаб-пишиб ўт олдириш учун қилаётган ҳаракатларини беихтиёр кузатиб, бозорга бориб икки дона гугурт сотиб олса бўлмасмикан, деган фикрни кўнглимдан ўтказдим.

— Мана икки йилдирки, қўшни қабилалар билан бизнинг ўртамазда уруш кетаяпти, — деб

сўзлаб қолди қабила оқсоқоли, — олдин икки қабила иноқ яшардик. Кунлардан бирида бизнинг бир чўчқамиз улар томонга қочиб ўтди. Аблаҳлар уни қайтариб беришдан бош тортишди. Шундан бери биз томондан беш киши, улардан етти киши низо қурбони бўлди. Бундан роппароса уч ой аввал мана шу ўт ўрага уларнинг асирга олинган бир жангчисини тириклайин ташлаган эдик, — дейди қабила бошлиғи қўли билан таом пишаётган оловли ўрани кўрсатиб. — Уни тириклайин пишира бошлаганимизда у ўзини жуда жасур ва дадил тутиб, бизни бетўхтов қаргай кетди. Биз унга бағишлаб қўшиқ ҳам тўқидик. Биз ҳам у каби довюрак бўлишни орзу қиламиз.

— Кечирасиз, сиз нима дейсиз, уни еб юбордингларми? — сўрадим кўркув ва титроқ овозда; қабила оқсоқоли мийиғида кулиб қўйди-да, саволимга жавоб бермади, нигоҳини олов аланга олаётган ўрага қаратди.

Ана шундай «зиёфат»да иштирок этишдан худонинг ўзи асрасин...

### ДОВЮРАК АЁЛ ГЎШТИНИ ЕМАБДИЛАР-КУ?

Йўл бошловчи ўзининг ҳикояси билан бизни янада баттар ваҳимага солди. Унинг айтишича довюрак одамнинг юрагини жангчилар ўзаро оз-оздан бўлишиб истеъмол қиладилар. Шунда ўлганнинг кучи уларга ўтармиш. Бошини эса қабила оқсоқоли истеъмол қилса, марҳум-



нинг ақл-заковати унга кўчар экан. Умуман олганда, Папуа чангалзорларида луқмага айланмаслик учун одамлар жасоратли бўлишни ёқтирмайдилар. Вамена қабиласида бошланғич мактаб ўқувчиларига дарс бераётган голландиялик ўқитувчи немислар томонидан қатл қилинган жасур аёл ҳақида сўзлаб боради. Болалар ушбу ҳикояни диққат билан тинглайдилар. Фақат бир қизалоқ қўлини кўтариб мурожаат қилади: «Жаноб, агар у аёл жасур бўлса, нима учун немислар унинг гўштини ейишмабди?»

Полиция қабилалараро урушнинг олдини олиш мақсадида тез-тез қабила бошлиқлари билан музокара олиб боради. Мухбирнинг Папуага ташриф буюрган дастлабки кунларида Гимик шаҳарчаси яқинида жойлашган икки қабила ўртасидаги уруш ниҳоясига етган экан. Улар ўртасидаги тўқнашув бир қабиладаги ёш йигит ов пайтида иккинчи қабилага қарашли ёш қизчага жароҳат етказгани туфайли бошланиб кетган экан. Улар бешта чўчқадан иборат товон тўлашдан бош тортишади. Уруш натижасида эса ўнлаб одамлар ҳалок бўлади. Беш одам асирга олинади. Асирга тушган одамларнинг суякларини уриб мажақлайдилар, сўнгра бир кун давомида совуқ сувга солиб қўядилар, деб тахмин қилади маҳаллий полиция вакилларида бири. — Ғолиблар асирларни «паққос» туширишган...

Индонезия ҳукумати папуасларнинг бундай одатларини таъқиб остига олмасликни билдиради, аммо қабилаларни

инсонпарвар бўлишга даъват этади.

Бир соатлардан сўнг тутаётган ўрадан пишиб етилган чўчқа гўштини оладилар ҳамда уни бутунча банан дарахти япроқлари билан ўрашади. Энг аввал қабила оқсоқоли ва қариялар ундан татиб кўрадилар, сўнгра таом ёш жангчилар ўтирган дастурхонга қўйилди. Улардан қолган-қутгани аёлларга тортиқ қилинади. Бу ҳол ўта адолатсиз бўлса-да, аёллар ниҳоятда хурсанд бўлишди. Улар гўштни «шапиллатиб» чайнар эдилар. Фақатгина ўзига тўқ, тўртта тўнғизи бор ёш аёл «аразлаб» ўз капасига кириб кетди.

Чўчқани паққос туширган папуаслар мени ўз қишлоқлари бўйлаб сайр қилишга таклиф этишди. Улар ўзларининг яшаш ва турмуш шароитини кўрсатишга ошиқдилар. Тўғриси айтсам, бу ерда кўрадиган нарсанинг ўзи йўқ, ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, томлари думалоқ пальма япроқлари билан ёпилган оддий капалар эди. Унинг ичи эса бўмбўш, одамлар қуруқ хашақлар устида ухлар эканлар.

Эркаклар аёллардан ажратиб қўйилган ҳолда ҳаёт кечиради. Қишлоқнинг марказида махсус висол кулбаси бўлиб, ҳар кеча бир жуфт ёш йигит-қиз тонггача айш-ишрат қурадилар. Бу кулбага кириш учун қатъий навбат тартиби белгиланган. Ёшлар бир неча ҳафта олдин навбатга туришади.

Қишлоқни айланиб бўлгач, қабила бошлиғи сандигидан ўзи тайёрлаган ўрама тамакисини олиб менга тутқазди. Мен умуман чекмайман, лекин яхши

одам сенга илтифот кўрсатганда унинг қўлини қайтариб бўладими?


— Тез кунларда бизнинг қабиламизга фолбин келади, — деб сўзлай бошлади қабила бошлиғи, кўзига кираётган тамаки тутунини қўли билан елпиб. — У жуда баджаҳл одам. Бир куни менинг жангчиларимдан бирига: «Сен икки кундан сўнг ўласан», — деб башорат қилди, айтгани бўлди, роппа-роса икки кун ўтгач, у ўлди. Айтгандек, фолбин оқ танли одамларни ёмон кўради. Яхшиси, сен ўрмонга бориб тунай қолгин.

— Вақт ўтган сари вазият ёмонлашяпти, деб ўйладим. Қора тамакининг аччиқ тутунини ўпкамни «узиб» олай деди. Бу ерларга нимагаям келдим-а?! Тангримнинг ўзи асрасин...

*Таҳририятдан:*

*Келгуси сонда мухбир у ерни тарк этмасдан, фолбин билан бўлиб ўтган ваҳимали учрашув ва қизиқарли суҳбат тафсилотларидан ҳикоя қилади.*

Комил ЖОНТОВ тайёрлади




1. Биринчи сони нашр этилган куни мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами сифатида нишонланган газета. 2. Воқеалар даврийлигига кўра қайд этилган манба. 3. Ижод маҳсули. 4. Воқеа-ҳодисаларга оид маҳаллий мавзулардаги хабар. 5. Матбуот ижодкори. 6. Маърифатчи Исмоилбек Гаспирали муҳаррирлигида босилиб чиққан газета. 7. Адабий жанр. 8. Нашр этилишида Абдулла Қодирий асосчилардан бўлган ҳажвий журнал. 9. Бадий асар учун танлаб олинган соҳа. 10. Ижоддаги ифода тарзи. 11. Шеърлий асар вазни. 12. Ёзма ижод курали. 13. Ижодкор, матбуот ходими. 14. Саҳифасини безатувчи. 15. Жумбоқ шеър. 16. Ҳаётий далиллар асосидаги асар. 17. «Тафаккур фарзандлари» таърифини олган манба. 18. Шеърлий парча. 19. Шоирнинг тўлиқ шеърлари тўплами. 20. Ўтган аср бошларида нашр этилган газеталардан бири. 21. Истиқлолимиз йилларида нашр этила бошлаган ижтимоий-сиёсий, маънавий маърифий журнал. 22. Туркум сарлавҳа. 23. Матбаа муассасаси. 24. Ватанимиздаги илк матбуот нашрлари маскани. 25. Ўхшатиш, мажоз. 26. Самарқандда нашр этилган илк газеталардан бири. 27. Бирор тилдан бошқа тилга ўтирилган матн. 28. Кундалик янгиликлар рукни. 29. Нашриёт муассасасининг қўлёзма матнларини чоп этишга тайёрлаш билан шуғулланувчи ходимлар жамоаси. 30. Бирор асарнинг таҳлили ва талқини баён этилган мақола. 31. Нашр матнларини жойлаштириш, безаш билан шуғулланувчи мутахассис. 32. Микдор ифодаси. 33. Матбуот жанри. 34. Нашр миқдори. 35. Хабар, маълумот. 36. Асарнинг муқаддима қисми. 37. Тошкентдаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 38. Мустақиллик йилларида тикланаётган азалий урф-одағларимиз. 39. Бир-бирига боглиқ бўлган асар, мақола. 40. Сўз билан ифодаланган тушунча. 41. Жадидчилик ҳаракати намоян-

даларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан асос солинган, ўзбек тилида босилиб чиққан биринчи журнал. 42. Ватанимиздаги сиёсий партиялардан бирининг нашри. 43. Асарни ўрганиш, нашр этишга тайёрлаш жараёни. 44. Воқеа-ҳодиса ҳақидаги кичик асар. 45. Сўз санъати.

#### МУАММОНОМА

Калит сўзлар: 1. Самарали фаолият кўрсатиб, миллий матбуот тарихида хайрли из қолдирган илк журналлардан бири - 13, 3, 23, 2.  
 2. Матбуотимизнинг дастлабки даргаларидан бири, олти тиллик лугат муаллифи, маърифатпарвар - 5, 24, 1 3, 9.  
 3. Нашр мазмунини очиб берувчи рўйхат - 14, 16, 2, 10, 3, 1, 5, 11, 3.  
 4. Ўтган аср бошида Тошкентда нашр этилган жадид газеталаридан бири - 25, 16, 26, 1, 3, 9.  
 5. Вақт, давр - 19, 3, 14, 6, 2.  
 6. Ўсмирлар журнали - 15, 16, 7, 18, 3, 2.  
 7. Қўшимча нашр - 5, 7, 6, 8, 3.  
 8. Тиниш белгиси - 12, 22, 1, 6, 4.  
 9. Хотима - 21, 17, 16, 2.  
 10. Асар номи - 12, 3, 1, 7, 3, 8, 26, 3.  
 11. Энг юқори баҳо - 3, 20, 7, 6.  
 Энди калит сўзлар жавоблари асосида шакл атрофи ва ички қисмидаги рақамларда яширинган муаммонони ҳал этинг. Бунда улардан ибратли сўз ва Ватанимизда босилиб чиққан энг биринчи вақтли матбуот нашри «Туркистон вилоятининг газети»нинг биринчи муҳаррири исм-шарифларини билиб оласиз.



Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган маргилонлик жангчи. 2. Билъат ва жаҳолатпарастликка қарши асарлар ёзган ижодкор, «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари муаллифи. 3. «Мирзо Улуғбек» тарихий сахна асарини ёзиб қолдирган атоқли драматург. 4. Мардлиги жасорати билан танилган инсон. 5. Инсоннинг кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида эришган тажрибаси. 6. Фашизмга қарши урушда жасорат кўрсатган андижонлик Қаҳрамон жангчи. 7. Алишер Навоий сиймосини театр сахнасида энг кўп маротаба гавдалантирган устоз санъаткор. 8. Ўзбекистон Республикасининг олий нишонларидан бири. 9. Ўзбек романчилиги асосчиси, қатагон йиллари қурбони. 10. Биринчи глобус ихтирочиси, ўрта аср қомусий олими, ватандошимиз. 11. Амалга оширилган хайрли фаолият. 12. Ўзбек эстрада санъати намояндаси, устоз хонанда. 13. Оғир вазиятда ватан ва инсоният учун ўзини бағишловчи инсон. 14. Ривоятларга кўра бир оёқда турган ҳолати шу масканда тинчлик, хотиржамликни англаувчи парранда. 15. Халқимизнинг азалий қадриятига хос бўлган хулудий бирлик. 16. Она юртга, инсонга вафодорлик. 17. Алгебра фанига асос солган ўрта аср алломаси. 18. Жадиллик ҳаракати намояндаси, ижодкор, «Падарқуш» асари муаллифи. 19. Ватанимизда илк бора хотира майдони барпо этилган шаҳар. 20. Ўзбек адаби, тарихий драмалар муаллифи, олим, қатагон даври қурбони. 21. Бетақрор овоз соҳиби бўлган устоз хонанда, лирик ва мумтоз ашулалар ижрочиси, Ўзбекистон халқ артисти. 22. Адабиётшунос олим, устоз, муал-

лим. 23. Эркесвар халқларнинг азалий орзуси, тараққиёт асоси. 24. Инсонга қилинган марҳамат, ҳиммат. 25. Уруш қатнашчиси, адаб, игна билан ёзилган «Вафодор» романи муаллифи. 26. Таниқли кўз касалликлари шифокори, медицина фанлари доктори.

#### МУАММОНОМА

Калит сўзлар: 1. Фашизмга қарши уруш даврида ўз санъатини намоиш этган ўзбек устоз хонандаларидан бири - 2, 21, 9, 6, 2, 7, 6, 19, 1.  
2. Қадрли, содиқ ўртоқ - 3, 20, 21, 12.  
3. Саодат, толе - 13, 1, 11, 12.  
4. Камёб, қимматли нарса - 4, 6, 3, 2, 5.  
5. Мўғул бошқинчиларига қарши курашган халқ ҳаракати раҳбари - 12, 6, 5, 6, 13, 2, 18.  
6. Бирор соҳада бошқаларни бошлаб борувчи илгор шахс - 16, 7, 6, 19, 13, 1, 5, 3, 6, 5.  
7. Дунёнинг қунчиқар томони - 10, 1, 5, 15.  
8. Муваффақият, галаба - 8, 1, 17, 1, 5.  
9. Соат товуши - 8, 1, 4, 14.

Энди калит сўзлар жавоблари асосида шакл марказидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан ибратли сўзларни билиб олишга муваффақ бўласиз.

Фозилжон ОРИПОВ

### ВОИЗНИНГ ҲАЗИЛИ

— Сиздан бир масалани сўрамоқчиман, — деди бир лақма киши воизнинг олдига бориб.

— Марҳамат, сўранг.

— Бир неча кечадан бери тушимда шайтонни кўраман, юрагимни олдириб қўйдим, уйқумда ҳаловат йўқ. Шундан кутулиш учун нима қилсам бўларкин?

«Бу одам ё ҳазил қиляпти, ёки тентак бўлса керак», деган фикрга борган воиз:

— Шайтонни неча кечадан бери кўриб, кўрқиб чиқяпсан? — деб сўради.

— Уч кечадан бери.

— Шайтон сенга қай суратда кўринди? — яна сўради воиз.

— Эшак суратида.

— Эй, сира ташвишланма, — деди воиз, — бемалол ухлайвер, бас, маълум бўлдики, сен шўрлик ўз шарпангдан кўрқиб юрган экансан.

### ЦИРКНИНГ ЙИРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАРИ

Иш тополмай юрган бир йигит циркка бориб иш сўради.

— Шерларимиздан бири кеча тўсатдан ўлиб қолди. Агар истасанг шер терисини ёпиниб унинг ўрнида ўйнашинг мумкин, — деди цирк мудири.

Йигит бу таклифни қабул қилди.

У цирк майдонида чиққанида ўзини йиртқич ҳайвонлар ўртасида кўриб, кўрққанидан юраги ёрилаёзди.

Узоқдан унинг беўхшов ҳаракатини кузатиб турган бир йўлбарс унинг ёнига келиб:

— Кўрқма, кўрқма, бир кеча ўйнаганинг учун сенга неча пул тўлашадиган бўлишди? — деб сўради.



— Пицца еганимдан кейин зарда бўлаяпман деган эдингми?

### СУҲБАТ

Бир газета мухбири сафардан қайтгач, йўл хотираларини нашр эттирмақчи бўлди. У ҳар хил тоифадаги одамлар билан суҳбатлашиб, турли-туман одамларнинг ақидаларини ўрганишга уринди. Дастлабки куни бир қишлоққа бориб, оқсоқолникида меҳмон бўлди. Суҳбатлашиб ўтирган чоғида оқсоқолдан сўради:

— Сизнинг қишлоқда катта одамлар ҳам туғилганми?

Оқсоқол бир фурсат фикр қилиб ўтиргач:

— Йўқ, тақсир, бизнинг қишлоқда фақат чақалоқ болалар туғилади, — деб жавоб берди.



— Ишончим комил, сиз мени тўғри тушунасиз деб ўйлайман. Биз бу ерда эпидемия тарқалишини истамаймиз.



— Ҳар эҳтимолга қарши даволанишингизга тўлов ҳақини ўқиб эшиттирганимча камарларни ечмай турамиз.



— Нима деб ўйлайсиз, қиш мавсуми серёғин бўлди, бозорларимизда мўл-кўлчилик бўлармикин?

Нигина ҚОДИРОВА,  
Комил ЖОНТОВЕВ тайёрлади